



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*“Қиличим ўтқир бўлса-да
ўйлаб қинидан чиқардим,
ширин сўз айтиб, ганимнинг
имон топмоғига йўл очдим”.*

*9 апрель – Соҳибқирон
Амир **ТЕМУР** бобомиз
таваллуд топган кун!*

ИНСОН ҚАДРИ ЭЪТИРОФИНING ЮКСАК КЎРИНИШИ

2023 йилнинг 30 апрель куни умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти эканлиги сингдирилган. Ушбу меъёр Бош қомусимизнинг асосий ўзагини ташкил этади. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг мазмун моҳиятини белгилаши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланаётган Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият сифатида тан олиниб, ўз ҳудудида ва ташқарисида давлат инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олиши конституциявий қоида сифатида ўрнатилган. Ушбу конституциявий кўрсатма қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига инсоннинг муносиб ҳаёт кечири-

шини таъминлаш, унинг хавфсизлигини кафолатлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, Бош қомусимизда ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга эканлигининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши ҳам инсон қадрли эътирофининг юксак кўринишидир.

Янгиланаётган Конституциямизга инсон ҳуқуқларига оид 10 та муҳим янгилик киритилмоқда.

- 1** *Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга тугилганидан бошлаб тегишли бўлади.*
- 2** *Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир.*
- 3** *Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади ҳамда қонунларнинг, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.*
- 4** *Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.*
- 5** *Инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.*
- 6** *Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.*
- 7** *Ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.*
- 8** *Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.*
- 9** *Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.*
- 10** *Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.*

Азизжон РАҲИМОВ,

Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚОМУС

Мазмун-моҳияти ва қамров даражаси нуқтаи назаридан янгиланаётган Конституциямизда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида инсон ҳуқуқлари борасидаги меъёрлар қарийб 3,5 бараварга кўпайди. Яъни, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар бир шахс ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланиши ва турар жойда тинтув ўтказишга фақат суд қарорига асосан йўл қўйилиши ҳақида жиноят процессида шахс дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамловчи меъёрлар киритилди. Шу пайтга қадар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари нишонига айланишига сабаб бўлиб келган шахснинг ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланаётган пайтдаги ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши билан боғлиқ қатор янги бандлар киритилдики улар эндиликда мамлакатимизда инсон қадрининг даражаси қандай бўлишини белгилаб беради.

Янгиланаётган Конституцияда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларнинг бир қанча ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланмоқда.

1

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ўз танлови-га кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти асослари тўғрисида хабардор қилиниш ҳуқуқига эга.

3

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

4

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

5

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

6

Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

7

Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким афв этиш ёки жазони енгилла-тиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

8

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.

9

Ҳеч ким айна бир жинояти учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 19.04.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 12. Адади 2 200.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“НАКИМА NASHR GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 057,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Ифтихор кўчаси, 117-уй

МУНДАРИЖА**6****КУН МАВЗУСИ**

**“ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ”
ЯНГИ ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

9

**ОДДИЙ ОДАМЛАР ЖАМИЯТДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРДАН КУЧ ОЛАДИ**

10**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**СУДЬЯЛАР ВИЖДОН ОВОЗИГА ҚУЛОҚ
ТУТАДИ ЁХУД ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**13**

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ:
ГРУЗИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ
МИСОЛИДА**

16**ҲУҚУҚИЙ МУАММО**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕР
БОШҚАРУВИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

ЯНГИ БОСҚИЧ**18**

**КЛАСТЕР СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

20**НУҚТАИ НАЗАР**

**ДАВЛАТНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА
КАМ АРАЛАШУВИ – МУҲИМ ТАМОЙИЛДИР**

МУЛОҲАЗА**21**

**ФИРМА НОМИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

24**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

МЕРОС ГУВОҲНОМАСИ – У ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ?

ТАДҚИҚОТ**25**

**ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ҲАҚИДАГИ
НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

28

ХОРИЖИЙ РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ
ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБИНИ
БЕКОР ҚИЛУВЧИ КОНВЕНЦИЯ ВА
УНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

30

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БИЛАН БОҒЛИҚ ТАМОЙИЛЛАР

СУДЬЯ МИНБАРИ

32

МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИШДА
ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

34

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИДА
МЕДИАЦИЯ ВА ҲАКАМЛИК
СУДЛАРИНИНГ ЎРНИ

36

МЕДИАЦИЯ ЗАРУР(МИ)?

37

ИБРАТ

СОҲИБҚИРОН ҲИКМАТИ

СУД ОЧЕРКИ

38

ОҚЛОВ ХУКМИ ЁХУД БИР “ЖИНОЯТ”
ИШИ ТАФСИЛОТИ

39

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН
ШАХСЛАРНИ ИШГА ТИКЛАШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

42

НОҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН
МУЛКНИ ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШ
ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

43

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОН-
ЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

44

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ИНВЕСТИ-
ЦИЯВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ДОИР
ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

46

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ
ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ

47

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРУВЧИ ШАХС-
ЛАР ЎЗГАРИШИДА ҚАРЗНИ БОШҚА
БИРОВГА ЎТКАЗИШ МУАММОЛАРИ

48

АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ИШЛАРНИ
ЮРИТИШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ
Қўллаш тартиби

50

МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

52

СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

53

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

КОНСТИТУЦИЯ – ГАРАНТИЯ НАШИХ
ПРАВ И СВОБОД

54

СЛЕДСТВЕННАЯ СИТУАЦИЯ КАК
ФАКТИЧЕСКОЕ ОСНОВАНИЕ ВЫБОРА И
ПРИМЕНЕНИЯ ТАКТИЧЕСКОГО ПРИЕМА

58

ЖИЗНЬ И ЗАКОН

ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ОСНОВАНИЙ
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОСТИ И
ПРЕКРАЩЕНИЯ БРАКА

HUMAN AND LAW

60

ARTIFICIAL INTELLIGENCE (MODERN
TECHNOLOGIES) AND SHAREHOLDERS'
RIGHTS IN LLC CLUSTER

“ИНСОН– ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ” ЯНГИ ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ҳар бир миллат ёки халқнинг тарихида асрлар давомида унутиб бўлмайдиган муҳим воқеалар бўлади. Ушбу воқеалар ўзининг муҳимлиги, халқ ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиши билан тарихга муҳрланади.

Халқимиз ҳаётида ана шундай тарих саҳифаларидан жой олган муҳим воқеликлар ва улар билан боғлиқ саналар талайгина. Улар мамлакатимиз мустақиллиги, давлат рамзларининг қабул қилиниши ёки мамлакат ҳаётига дохил тарихий қарорлар билан боғлиқ. Асосийси ушбу жараёнлар қандай мақсадларни олдига қўйганлиги билан аҳамиятлидир. Шу йилнинг 30 апрелида яна бир муҳим воқеа белгиланган. Бу – “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг умумхалқ референдумида овозга қўйилишидир.

Шуни таъкидлаш керакки, конституциявий ислохотлар тўғрисидаги фикрлар кеча шаклланигани йўқ. Жамиятимиз ҳаётидаги эврилишлар, барча соҳаларда ривожланиш, инсон ҳуқуқлари масаласининг дунё миқёсида долзарб мавзуга айланиши ва миллий қонунчилигимизнинг айрим томонларини ислоҳ қилиш зарурати Бош қомусимизни янгилаш эҳтиёжини кун тартибига олиб чиқди.

2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида сенатор ва депутатлар, кенг жамоатчилик, халқ билан маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш кераклигини ва янгиланаётган Конституция ўзида “Инсон қадрлари учун” ғоясини устувор йўналиш сифатида белгилашни қайд этган эди. 2022 йил 20 июнда Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган учрашувида **“Конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб ўйлайман. Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям” деб юксак ғурур билан айта олади**”, дея алоҳида эътироф этган эди. Шундан

сўнг инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури устувор мақсад қилиб олинган, изчил ва пухта ўйланган, бир неча босқич давомида ишлаб чиқилган Бош қомусимизнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш жараёнлари бошланди.

Бош қомус, энг аввало, халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий ўринга қўйган ҳолда ўзининг қатъий меъёрларини ҳаётга татбиқ эта олган ҳужжат бўлмоғи лозим. Ушбу қатъий меъёрлар 2022 йилга келиб Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш заруратини уйғотди. Таъбир жоиз бўлса, бу шунчаки зарурат эмас, балки, мамлакатимизда бошланган буюк ўзгаришлар даври – учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишнинг муҳим шарти ҳамдир.

Янгиланаётган Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгач мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиздан 200 мингдан кўпроқ таклифлар келиб тушган. Ана шу таклифлар асосида моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, меъёрлар сони эса 275 тадан 434 тага кўпаймоқда. Шунингдек, 128 та моддадан 91 тасига конституциявий ўзгариш киритилган. Конституция матни 65 фоизга янгиланди.

Юқорида янгиланаётган Бош қомусимизда “Инсон қадрлари учун” ғояси етакчилик қилиши ҳақида айтиб ўтдик. Хўш у нималарда намоён бўладию ўзида қайси жиҳатларни мужассам этади? Бунда тилга олинган инсон қадрлари — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларни, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Конституциявий ислохотларнинг бир қанча устувор йўналишлари белгиланган. Хусусан:

— аввал амал қилган “давлат – жамият – инсон” тамойили янги “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилиб уни

конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустақкамлаш назарда тутилган;

— халқчил давлатни бунёд этишининг энг муҳим шартини бўлган иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш;

— “Жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойилини конституциявий мустақкамлаш натижасида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини ошириш;

— оила институтини ривожлантириш билан бирга бўлажак авлодларга аънавий инсоний қадриятларни асраб-вайлаган ҳолда етказиш, мамлакатда миллатлараро тотувликни мустақкамлашнинг конституциявий асосларини белгилаш;

— Конституцияда давлат ёшлар сиёсатини, янги Ўзбекистон бунёдкорлари — ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттириш;

— Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам қадамлаётган бир пайтда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини конституциявий норма сифатида мустақкамлаш;

— дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш;

— Учинчи Ренессанс асосларининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари бўлган болалар боғчалари, мактаблар, олий таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустақкамлаш

каби кўпгина жиҳатлар шулар жумласидандир. Бир кичик мақолада янгиланаётган конституциянинг барча тамойилларини қамраб олиш имкон даражасидан йироқ. Шундай бўлсада айрим жаҳатларига тўхталиб ўтамыз.

Конституциядаги “Оила” бобида болалар ва ёшларга эътибор кучайтирилган. Айниқса, 79-модда ёш авлодни ўйлаб, унинг яшаши, турмуш тарзи, таълим ва тарбия олиши, соғлиги ва иш билан таъминланиши кафолатлари ижтимоий ҳимоя турлари билан бойитилган. Янги Қонун лойиҳасининг 50, 51, 52, 53- моддаларига муҳим ўзгартиришлар, янгиланган киритилган. Ҳозир-

гача “беул умумий таълим олиш” белгиланган бўлса, эндиликда “беул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш” кафолатланмоқда. Янгиланган конституциянинг 51-моддасида “Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олиш ҳуқуқига эга” каби ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бандлар ўрин олган. Қувонарлиси, янги Қонунда инсонга, унинг ижтимоий ҳимоясига эътибор ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этувчи ёшларимизнинг билимли ва яхши фазилатларга эга авлод бўлиб етишишини таъминлашга йўналтирилган қатор моддалар киритилган.

Шунингдек, ҳужжат лойиҳасида пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги ҳам белгилаб қўйилмоқда. Фуқаролар тиббий ёрдамнинг қонунда кафолатланган ҳажмини беул олишга ҳақли экани ўз аксини топаётир. Шу билан бирга, давлат зиммасига аҳоли ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланмоқда.

Янги Конституциянинг яна бир муҳим жиҳати: давлат халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, фуқароларнинг барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлигидадир. Бу билан “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили Конституциявий тамойил этиб тасдиқланмоқда. Умуман олганда конституцияда яқин-яқингача минглаб инсонларнинг муаммосига айланган, мамлакат ва миллат тараққиётига тўсиқ бўлиб келган кўплаб муаммоларга барҳам берилган. Хусусан, бугун пойтахтда яшаётган кишиларнинг тенг ярми прописка туфайли қанчадан-қанча овозгарчиликларга йўлиқмади, дейсиз. Юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши мумкин бўлган минглаб билимли, иқтидорли ёшлар мамлакат бош кенетида прописка балоси сабаб ўз ўрнини тополмай сарсон бўлдилар. Аксарияти тирикчилик ваҳидан мусофир юртларга кетишга мажбур бўлишди. Ўз мамлақати пойтахтида прописка сабаб ишидан, яшаб турган жойидан қувғинга учраган минглаб кишилар топилади.

Қилган жинояти учун қамоқ жазосига маҳкум қилинган шахснинг ўз айбини муайян муддат панжара орқасида ўташи қонун талаби. Аммо, ортда қолган унинг фарзандлари, ота-онаси ва қариндошларининг айби нимаки, улар ҳам таъқиб ва тазйиқлар қурбони бўлиб келишди. Бутун сулола устидан қора чизик тортилди. Қайсидир маънода уларнинг иши ва жамиятда



юриш-туришига чеклов ўрнатилди. Санайверса бу каби ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳали “снос” деган бир ваҳимали жараённинг барҳам топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бир оғиз гап ёки бир варақ қоғоз билан киши яшаб турган жойидан айрилгани ва ўз ватанида ватансиз бўлиб қолган пайтлар кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Ота-боболарининг пешона тери эвазига бунёд бўлган, киндик қони томган масканлари кимларнингдир манфаатлари йўлида бир лаҳзада тупроқ билан тенг бўлган даврларни унутиш қийин.

Юртдошларимиз кўксини тўлдириб нафас ола бошлаганига бор-йўғи беш-олти йил бўлди, холос. Бу давр йиллар давомида олинган руҳий жароҳатларнинг битиши учун камлик қилади, албатта. Бемор инсонни малакали шифокор, оиласи ва яқинлар кўмаги ёрдамида тезда даволаш мумкин. Аммо, жамият ҳаётидаги хасталикни фақатгина адолатли қонунлар даволай олади. Жамият тараққиёти ҳам шахс камолоти ҳам мукамал яратилган ва ишлайдиган қонунларга боғлиқ. Тараққиёт бор экан ривожланиш бор. Ривожланиш эса мудом ўзгаришларни, янгиланишларни талаб қилади. Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг “Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”, деган сўзларида ҳаётий маъно мужассам. Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган дунё замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун мувофиқ хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади. Бу талаб бугунги давргина хос эмас. Давлатчилик пайдо бўлибдики асосий қонунларни яратишга, вақт ўтиши билан ўзгартиришга ҳамisha эҳтиёж бўлган. Буни шу пайтгача яратилган Конституциялар мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда дунёда 500 дан ортиқ амалдаги конституция бўлиб, улардан 200 га яқини мустақил давлатлар, 300 дан ортиғи федерацияларга тегишли. Уларнинг ичида энг қадимгиси Шумер шоҳининг Қонунлар тўплами дунёнинг энг қадимги ёзма конституцияси, деб ҳисобланади. Унинг ёши 4 минг йилдан ошган.

Ер юзида илк конституциясига ўзгартиш киритмаган биронта давлат йўқ. Чунки, Конституция ақида эмас, балки ҳаракатларнинг, ривожланишнинг дастури. Тузатиш, ўзгартириш киритиш имконияти барча конституцияларга хосдир. Жамият тарихий ривожланишнинг турли босқичларига бирдек хизмат қиладиган, ўзгармас конституциявий матнни биттада ва абадий яратиб қўйишнинг иложи йўқ.

Сўнги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда конституциявий ислохотлар ўтказилган, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди. Эътиборлиси, конституциявий ислохотларнинг аксарияти давлат ва жамиятни модернизация қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймаслик, оқибатларини бартараф этиш доирасида амалга оширилган. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, дунёда дастлабки таҳрирдаги конституциялар деярли қолмаган. Ҳозирги кунда қадимий ҳисобланган АҚШ конституциясига ҳам 27 та туб ўзгартириш, Норвегияда 200 мартадан ортиқ, Нидерландияда 24 марта (бирок 1983 йилда матнни пухтали билан модернизация қилиниши натижасида ундаги деярли барча моддалар ўзгарган) ўзгартириш киритилган.

Глобаллашув шароитида бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожланишнинг ўз моделини изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда бир неча ой давом этган ўрганишлар натижасида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг якуний таҳрири тайёр бўлди ва у шу йилнинг 30 апрель куни умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар энг аввало, инсон қадрини улуглашга хизмат қилиши зарур. Ана шундагина у халқимизни фаровонлик, мамлакатимизни эса барқарор тараққиёт сари етаклайди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Судьялар олий кенгаши раиси
ўринбосари.

ОДДИЙ ОДАМЛАР ЖАМИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН КУЧ ОЛАДИ

Ривожланишга, яхши яшашга интилар эканмиз, янги ислохотларга эҳтиёжимиз бўлади. Шу боис, жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўринга эга Конституция ҳам ўзгаришларга монанд равишда янгилашиб боради. Конституциянинг миллий фаровонлик учун муҳим аҳамиятга эга барқарор тараққиёт дастури эканлиги хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг янгилашиб ёки янги нормалар билан бойитилиб борилиши табиий жараён ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида концептуал жиҳатдан ўзгаришлар кўп экани алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлигининг Конституцияда мустаҳкамланиши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганлигидан дарак беради.

Хусусан, “Ўзбекистон республикаси конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасининг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши нормаси ўрин олган.

Ушбу меъёрни кенгроқ шарҳлайдиган бўлсак, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори айнан инсоннинг нормал турмуш шароитини таъминлашга етарли даражада белгиланиши одиллик ва тенглик тамойилига мос ҳисобланади.

Бундан ташқари, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги юзасидан “суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши” нормаси киритилмоқда.

Албатта, ҳар қандай одам, унинг мавқеи, юриш-туриши, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, бажарилган меҳнати ортидан дам олиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Мазкур ҳуқуқни ўзида мужассам қилган норма конституциявий қонун лойиҳасининг 45-моддасида мустаҳкамланган.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи қоидалар янада такомиллаштириляпти.

Хусусан, қонун лойиҳасининг 57-моддасида давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хиз-

матларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашишини кафолатловчи меъёрлар киритилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратилган. 2023 йилнинг айни вақтига қадар 90 минг, келгуси 2-3 йил ичида 200 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, яна бир муҳим жиҳат — агар шахс ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда. Мазкур ҳолат жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилишининг олдини олишга ва жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади. Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги ҳам муҳим ўзгаришидир.

Конституциямизда ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотлар тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмайд қолган маълумотлар йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамланмоқда.

Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Яъни, Ўзбекистон учун устувор ҳисобланган қатор сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индекслар мавжуд. Жумладан, кутилаётган ўзгаришлар Жаҳон одил судлов ташкилоти томонидан тузиладиган ҳуқуқ устуворлиги индексининг “Асосий меҳнат ҳуқуқлари” индикаторига, Жаҳон банки томонидан тузиладиган Бошқарув сифати индикаторлари таркибига кирувчи “Инсон ҳуқуқлари” субиндикаторига, шунингдек, “The Economist Unit” ташкилоти томонидан аниқланувчи “Давлат аҳолининг бандлик даражасини таъминлаши” сўровидаги мамлакатимизнинг эгаллаб турган ўрни яхшиланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Илҳом МАМАРАЙИМОВ,
*жиноят ишлари бўйича
Чиноз туман суди раиси.*

СУДЬЯЛАР ВИЖДОН ОВОЗИГА ҚУЛОҚ ТУТАДИ ЁХУД ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Япония ҳуқуқ тизимининг ўзига хос жиҳатлари, одил судловни амалга оширишнинг конституциявий асослари, суд қарорлари устидан шикоят қилиш ва уларни қайта кўриб чиқиш тартиби, квази-суд органларининг мақоми таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу мавзу бўйича назарий маълумотлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: қиёсий ҳуқуқ, Япония, инстанция, суд тизими, суд, судья, квази-суд органлари.

Япония бош қомуси 76-моддасининг учинчи қисмига кўра, барча судьялар мустақил ва фақат Конституция ва қонунларга бўйсунди, улар виждон овозига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилишади.

Судьяларнинг ўзгартирилмаслиги тамойили эса конституциянинг 78-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра судьялар ошқора импичмент жараёнига лавозимидан озод этилиши мумкин эмас (судьянинг суд қарори билан ақлий ёки жисмоний жиҳатдан ўз вазифаларини бажаришга қодир эмас деб топилган ҳоллар бундан мустасно). Ушбу тамойил судьяларнинг хизмат вазифаларини бажаришда холислигининг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ижро этувчи органларга судьяларга нисбатан ҳар қандай умумий юрисдикция чора кўриш ва фаолияти давомида судьяларнинг иш ҳақи миқдорини камайтириш бош қонун билан таъқиқланган.

Японияда одил судлов тўрт босқичли суд тизими орқали куйидаги судлар томонидан амалга оширилади: умумий юрисдикция судлари, оилавий ишлар бўйича судлар, округ судлари, юқори судлар ва Олий суд.

ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИ

ОЛИЙ СУД

(3 та бўлинма)

Фақат апелляция судловини амалга оширади

ЮҚОРИ СУДЛАР

(8 та)

таркибида 6 та бўлинма ва 1 та интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган суд мавжуд

ОИЛАВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛАР

(50 та)

таркибида 203 та бўлинма ва 77 та маҳаллий вакилликлар мавжуд

ОКРУГ СУДЛАРИ

(50 та)

таркибида 203 та бўлинма мавжуд

УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ

(438 та)

УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ (SUMMARY COURT)

Умумий юрисдикция судлар кичик жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқади. Ҳозирда Японияда 438 та умумий юрисдикция судлари мавжуд бўлиб, уларда 806 нафар судья фаолият кўрсатади. Ушбу судлар даъво миқдори 1 400 000 Япония иендан ошмайдиган фуқаролик ишлари ва жиноят учун жарима ва (ёки) 15 кунгача қамоқ жазоси назарда тутилган жиноят ишларини кўриб чиқади.

Умумий юрисдикция судлари уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар судья 3 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш муддатини белгилаш зарур деб ҳисобласа, у ишни округ судига юбориши керак.

Бундай судларнинг қарорлари устидан шикоят қилишда округ судига апелляция берилади. Агар томон округ судининг қароридан қониқмаса, шикоят Олий судга берилади. Умумий юрисдикция судларининг қарорларига қарши иккита шикоятга йўл қўйилади. Шундай қилиб, томон округ судининг қарори устидан юқори судга шикоят қилиши мумкин.

Агар томонлардан бири Юқори суднинг қароридан қониқмаса, у ҳолда у Олий судга шикоят қилиши мумкин.

Судлар тўғрисидаги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция суди судьялари ҳар доим ҳам профессионал судьялар бўлавермаслиги мумкин. Судьялик учун ягона давлат имтиҳонини топширганларидан ташқари, суд ёки прокуратурада маълум вақт ишлаган шахс судья этиб тайинланиши мумкин.

Япония фуқаролик процессуал кодексида кичик миқдордаги даъволарни кўриб чиқишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган. Даъво миқдори 600 000 иендан кам бўлган ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин (368-модда). Ушбу жараён суд томонидан низони бир кунда ҳал қилишни назарда тутати, томонлар талаб ва далилларини суд муҳокамаси куни тақдим этишлари шарт (370-модда), бу тоифа ишларда гувоҳлар қасамёйсиз гувоҳлик беришлари мумкин (372-модда).

ОИЛАВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛАР (THE FAMILY COURT)

Оилавий ишлар бўйича судлар оилавий ишлар ва вояга етмаганлар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ихтисослашган. Ушбу судлар фаолиятини 200 нафар судья ва 150 нафар судья ёрдамчилари, шунингдек, 1500 нафар шартли ҳукм қилинганларни назорат қилувчи инспекторлар амалга оширади.

Оилавий ишлар бўйича суд 1947 йилда урушдан кейинги ислохотлар натижасида ташкил топган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва оилавий низоларга ихтисослашган судни ташкил этиш гоёси Японияга Америка Қўшма Штатларидан кириб келган бўлиб, АҚШда барқарор оилавий муносабатлар вояга етмаганларни тарбиялаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг зарур шarti деб ҳисобланади.

Ўз табиатига кўра фақат суд қарори билан ҳал қилиниши мумкин бўлган васийлик ва ҳомийлик, бедарак йўқолган деб

топиш, фуқаролик ҳолати далолатномалари каби масалалар оилавий ишлар судининг суд мажлисида кўриб чиқилади.

Баъзи ҳолларда, масалан, никоҳни бекор қилиш натижасида эр-хотиннинг мулкани тақсимлаш, биринчи навбатда ярашув жараёнидан ўтиши керак, шундан кейин ҳам ярашувга эришилмаса, иш суд томонидан кўриб чиқилади.

Мазкур судларда низолар судья томонидан якка таркибда, суд маслаҳатчилари иштирокида кўриб чиқилади. Аксарият ҳолларда, қарор устидан Юқори судга шикоят қилиш мумкин.

Яраштирув тартиби битта судья ва яраштирув комиссиясининг икки аъзосидан иборат таркиб томонидан амалга оширилади. Маслаҳатчилар ва комиссия аъзолари суд томонидан давлат хизматчилари орасидан ярим кунлик асосда жалб қилинади.

Оилавий ишлар бўйича судлар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, яъни 20 ёшга тўлмаган шахслар, шунингдек вояга етмаганларнинг фаровонлигига қарши содир этилган жиноят ишларини кўриб чиқади.

Бундан ташқари, оилавий ишлар бўйича суд жиноят содир этмаган, аммо келажақда уни содир этиши мумкин бўлган, жиноят содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларни назорат остига олиш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаганлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартиби ва юрисдикцияси Япониянинг 1948 йилдаги “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча ҳуқуқбузарликлар биринчи навбатда оилавий ишлар бўйича судга юборилади. Вояга етмаган шахс ўн олти ёшга тўлган бўлсагина оилавий ишлар бўйича суд ишни округ ёки умумий юрисдикция судларига юбориш ҳуқуқига эга.

ОКРУГ СУДЛАРИ (THE DISTRICT COURT)

Округ судлари биринчи инстанциянинг асосий судлари ҳисобланади. Ҳозирда ҳар бир префектуранинг марказида, бутун мамлакат бўйича 50 та округ судлари фаолият юритади. Ушбу судларда 910 га яқин судья ва 580 нафар судья ёрдамчиси ишлаб келмоқда. Округ судлари фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқади. Округ судлари умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ишлари бўйича қарорлари устидан апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Ўйрик округ судлари ўз бўлинмаларига эга. Масалан, Токио округ судида маъмурий ишлар, автотранспорт низолари, интеллектуал мулк, банкротлик ва бошқа ишларга ихтисослашган бўлимлар мавжуд.

ЮҚОРИ СУДЛАР (THE HIGH COURT)

Юқори Судлар биринчи навбатда округ ва оилавий ишлар бўйича судларнинг қарорлари устидан келиб тушган апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Улар 8 та йирик шаҳарларда жойлашган.

Ушбу судлар 345 нафар судьялардан таркиб топган. Умумий юрисдикция судларининг жиноят ишлари юзасидан қабул қилган қарорлари устидан шикоятлар округ судларига эмас, балки тўғридан-тўғри юқори судларга тақдим қилинади ва кўриб чиқилади.

Юқори суд фуқаролик ишлари бўйича сўнгги инстанция ҳисобланади.

Баъзи тоифадаги ишлар, масалан, давлатга хиёнат қилиш ёки сайловларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича

ишлар Юқори судлар томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

Бундан ташқари, квази-суд органлари, жумладан, адолатли савдо комиссияси, Патент идораси, Олий денгиз Кенгаши ва бошқаларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳам Юқори суд ваколатига киради.

Бундай ҳолларда иш уч эмас, балки беш нафар судьядан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга, Токио Юқори суди таркибида рақобатга оид ишлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишга ихтисослашган махсус бўлинмалар фаолият кўрсатади.

Токио Юқори суди таркибидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича бўлим Интеллектуал мулкни ривожлантириш дастурига мувофиқ 2005 йилда юқори суд таркибида ташкил этилган.

Ушбу бўлим судловига:

- Патент идорасининг патентлар, фойдали модель ҳуқуқлари, дизайн ҳуқуқлари ва товар белгилари тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятлар;

- Токио ва Осака округ судларига патентлар, фойдали моделлар, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқлари, шунингдек муаллифнинг дастурий таъминот ишларига бўлган ҳуқуқлари (қоидаларни бузиш, компенсация талаблари) тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятлар тегишли.

Токио ва Осака округ судларида интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича махсус бўлинмалар мавжуд бўлиб, уларнинг қарорлари Токио Юқори суди таркибидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича бўлим томонидан қайта кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, товар белгилари, дизайн ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқлари (дастурий таъминот ишлари бундан мустасно), шунингдек тижорат сирлари бўйича низоларга келсак, ишни кўриб чиққан округ суди қарорлари устидан шикоятлар тегишли Юқори судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ишлар асосан уч нафар судьядан иборат таркибда, қисқа вақт ичида якуний хулосага келиш лозим бўлган ҳолатларда беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, бўлимда судга низонинг техник жиҳатларни тушунтиришда ёрдам берадиган маслаҳатчилар гуруҳи фаолият кўрсатади. Техник маслаҳатчилар Олий суд томонидан турли фан соҳаларида тажриба ва билимга эга бўлган мутахассислар, олимлар ва тадқиқотчилар орасидан тўлиқсиз иш вақтига тайинланади.

ОЛИЙ СУД (THE SUPREME COURT)

Олий суд Япониянинг энг юқори суд инстанциясидир. Япония Конституциясининг 79-моддасида унинг таркиби ва судьяларни тайинлаш тартиби белгиланган. Конституцияга мувофиқ, Олий суд Вазирлар Маҳкамасининг тавсиясига биноан император томонидан тайинланадиган Бош судья ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ва император томонидан тасдиқланган 14 судьядан иборат.

Олий суд судьяларини тайинлаш “халқ томонидан тасдиқланиши” керак (79-модда). Ушбу меъёрни давлат ҳокимиятининг манбаи бўлган, ҳокимиятнинг ҳар қандай

тармоғи, шу жумладан суд ҳокимияти устидан умумий назоратни амалга ошириши мумкин бўлган халқ суверенитети тўғрисидаги конституциявий қоидаларнинг ривожланиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу тартибга кўра, судья тайинлангандан кейин, биринчи парламент сайловларида халқ тасдиғидан ўтиши керак.

Судьянинг ҳар ўн йилда қайта тасдиқдан ўтиши талаб қилинади.

Агар сайловчиларнинг аксарияти тайинланган судьянинг истеъфосини қўллаб-қувватласа, бу судьянинг ваколати муддатидан олдин тугатилади.

Шунингдек, Конституция ва “Япония Олий суди тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган Олий суд аъзолари ваколатларни тугатишнинг энг кенг тарқалган усули бу 70 ёшга тўлгандан кейин нафақага чиқиш ҳисобланади.

Олий суднинг аксарият аъзолари тайинланган пайтда 60 ёшдан ошганлиги сабабли, улар асосан ушбу лавозимда ўн йилгача фаолият олиб боради.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасига кўра, олий суд судьялари юридик маълумотга эга бўлиши ва камида 40 ёшга тўлган бўлиши шарт.

Олий суд судьяларининг камида ўнтаси олий суд судьяси ёки президенти, умумий юрисдикция суд судьяси, прокурор ёки ҳуқуқ профессори сифатида камида йигирма йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши белгиланган (43-модда). Олий судда ишлар бешта судьядан иборат кичик ёки барча аъзолардан иборат тўлиқ таркибда кўриб чиқилади.

Ҳар қандай иш дастлаб, кичик таркибда кўриб чиқилиши керак.

Таҳлилларга кўра, Олий судда тўлиқ аъзолардан иборат таркибда бир йилда бир нечта ишлар кўрилади, холос. Иш тўлиқ аъзолардан иборат таркибда қуйидаги ҳолатларда кўриб чиқилади:

1. *Ариза берувчи қонун, Низом, буйруқ ёки маъмурий қарорни Конституцияга зид деб даъво қилса;*

2. *Олий суд қонун, Низом, буйруқ ёки маъмурий қарорни Конституцияга зид деб ҳисобласа;*

3. *Олий суднинг қарори ўз прецедентларига қарши бўлган ҳолатларда.*

Биринчи ҳолатда, агар Олий суд қонун, қарор, буйруқ ёки маъмурий қарорни конституцияга зид эмас деб топса, у ҳолда иш кўриб чиқиш учун кичик таркибга ўтказилади. Апелляция инстанцияси сифатида Олий суд Юқори судларнинг қарорларини қайта кўриб чиқади.

Шу билан бирга, Хабеас корпус жараёни билан боғлиқ ҳолларда, Олий суд, агар зарур деб ҳисобласа, қуйи судда кўриб чиқилаётган иш бўйича ҳам, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

1996 йилда Япония фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, Олий судга апелляция шикоятга тақдим қилиш ҳуқуқи чекланган.

Олий судга шикоят қилишнинг ягона ҳуқуқий асоси қуйи суд томонидан ишни кўриб чиқишда Конституциянинг хато талқин қилиниши ёки Конституция меъёрлари бузилганлиги ҳолати бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, киритилган ўзгартиришларга кўра, Олий судга қуйи судлардан ишларни талаб қилиб олиш ваколати берилган. Олий суд ўз хоҳишига кўра, Олий суд прецедентига асосланган қарорлар устидан ёки қонунни

талқин қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан шикоятларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

1945 йилга қадар судлар фаолиятини ташкил этиш Адлия вазирлиги зиммасида бўлган, бу эса судларнинг мустақиллигига жиддий таҳдид солган. Кейинчалик, яъни иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Конституция ислоҳ қилинган ва унда иштирок этган америкалик мутахассисларнинг маслаҳатлари билан суд тизимининг мустақиллиги мустақамланиб, Олий судга умумий ҳуқуқ тизимидаги мамлакатлар судлари билан бир хил ваколатлар берилган.

Амалдаги конституцияга мувофиқ, Олий суд суд ишларини юритиш тартиб-қоидаларини, адвокатлар ишини, судлардаги ички тартиб-қоидаларни, шунингдек суд ишларини бошқариш қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга.

Прокурорлар Олий суд томонидан белгиланган қоидаларга амал қилишлари шарт. Олий суд қуйи судларга ўз иш қоидаларини белгилаш ҳуқуқини бериши мумкин.

Олий суд ўз қоидаларини ишлаб чиқиш ваколатларини амалга оширишда жуда фаол. Улардан баъзилари аҳамиятсиз, аммо энг муҳимлари жиноят-процессуал қоидалари ва фуқаролик процессуал қоидаларини ўз ичига олади.

КВАЗИ-СУД ОРГАНЛАРИ

Японияда ваколатли судлар билан бир қаторда маъмурий комиссиялар ҳам фаолият кўрсатади. Японияда маъмурий органларнинг чиқарган дастлабки маъмурий актига нисбатан мажбурий тартибда маъмурий шикоят бериш тизими йўлга қўйилган. Шунга кўра, юқори турувчи органлар ҳузурида бундай шикоятларни кўриб чиқувчи маъмурий комиссиялар тузилган. Комиссияларнинг қарорлари ваколатли суд томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Масалан, адолатли савдо комиссиясининг қарорлари устидан Токио Юқори судига шикоят қилиш мумкин. Бундай ҳолларда суд низони комиссия томонидан белгиланган фактлар бўйича кўриб чиқади, чунки бундай фактлар жиддий далилларга асосланган деб ҳисобланади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, Японияда суд қарорларини қайта кўриш тартиби борасида юқорида таҳлили келтирилган масалалар муҳим аҳамият касб этади ва келгусида ҳам бу борадаги қонунчилик, суд амалиёти ҳамда суд қарорларини юқори инстанциялар томонидан қайта кўришнинг назарий асосларини такомиллаштириб боришда муҳим ҳисобланади.

Умид ЖУМАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hattori T. The Role of the Supreme Court of Japan in the Field of Judicial Administration // Washington Law Review. Vol. 69. 1984.
2. Noda Y. Introduction to Japanese Law. Tokyo: Univ. Press. 1984.
3. Т.Савагучи “The Legal Systems and Courts of Law in Japan”. (Court systems, Tokyo, Japan 2005.)
4. Oda Hiroshi. Japanese Law. Oxford, 2007.
5. Т.И.Чурсина “Судебная система Японии” (Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения, 5•2013.)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103).
7. У.А.Тухташева “Уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок”. (Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020.)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ: ГРУЗИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ МИСОЛИДА



Санжар АМИРОВ,
Қашқадарё
вилоят юридик
техникуми
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Грузия ва Ўзбекистон Республикаларида конституцияни муҳофаза этувчи ва унинг асосида конституциявий одил судловни амалга оширувчи Конституциявий судлар ваколати ва фаолияти қиёсий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: конституциявий одил судлов назарияси, конституциявий назорат, қонунийлик, сиёсий партия, конституциявий суд амалиёти.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье проводится сравнительный анализ полномочий и деятельности Конституционных судов Грузии и Республики Узбекистан, которые защищают Конституцию и осуществляют на ее основе конституционное правосудие.

Ключевые слова: теория конституционного правосудия, конституционный контроль, законность, политическая партия, конституционная судебная практика.

Ҳар қандай ривожланган давлатнинг ҳуқуқий асоси сифатида, албатта, ушбу давлатнинг миллий конституциясини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Шимолий Кавказда жойлашган миллий ҳуқуқ тизими бўйича дунёдаги энг кўзга кўринган Грузия Республикаси конституцияси ҳам ана шулар жумласидандир.

Дунё миқёсида қонун устуворлиги рейтингини кузатиб борувчи WJP Rule of Law Index (Бутун жаҳон адолат лойиҳаси The World Justice Project (WJP) халқаро фуқаролик жамияти ташкилоти бўлиб, “дунё бўйлаб қонун устуворлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш” вазифасини ўз зиммасига олган) ташкилотининг эътироф этишича қонун устуворлигининг ёмонлашуви бутун дунё бўйлаб тарқалмоқда. Мана шундай вазиятда Грузия қонун устуворлиги бўйича дунёнинг 139 мамлақати ичида 49-ўринни, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида 14 мамлакат ичида 1-ўринни эгаллади. Хўш, Грузия Республикаси қандай қилиб бундай улкан натижага эришди? Мутахассисларнинг эътироф этишича бу мамлакат ўзининг энг яқин қўшниларидан қонун устуворлиги доирасидаги муваффақиятига мустақилликнинг дастлабки пайтларида асос солинган конституциявий назоратни амалга оширишга ихтисослаштирилган, суд ҳокимиятининг мустақил тизими ҳисобланадиган конституциявий суд ҳокимияти мавжудлиги туфайли эришган. Шу боис Грузия конституциявий судлов фаолияти асосларини илмий-назарий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

1995 йил 24 августда Грузия парламенти Грузия Конституциясини қабул қилади. Конституцияда демократик ижтимоий тузум, иқтисодий эркинлик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат барпо этиш, давлат мустақиллиги ва бошқа халқлар билан тинч-тотув муносабатларни мустаҳкамлаш, инсоннинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш иродаси эълон қилинган.

Мамлакат бош қомусидаги Конституциявий суд масаласига тўхталадиган бўлсак, Грузия Конституциявий суди конституциявий назорат органи бўлиб, конституциявий қоидаларга риоя қилиш, ҳокимиятлар бўлинишига асосланган давлат институтларининг конституциявий асослари фаолиятини таъминлаш, конституция даражасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакат бош қомусидаги Конституциявий суд масаласига тўхталадиган бўлсак, Грузия Конституциявий суди конституциявий назорат органи бўлиб, конституциявий қоидаларга риоя қилиш, ҳокимиятлар бўлинишига асосланган давлат институтларининг конституциявий асослари фаолиятини таъминлаш, конституция даражасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Грузия Конституциявий суди 1996 йилда ташкил этилган. Мазкур Конституциявий суд:

– жисмоний, юридик шахс ёки халқ ҳимоячиси томонидан берилган шикоят асосида инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан меъёрий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқади;

– Мамлакат Президенти, парламент аъзоларининг камида бешдан бир қисми ёки ҳукумат томонидан берилган шикоят асосида меъёрий ҳужжатнинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади;

– умумий судлар тақдимномаси асосида муайян ишни кўришда умумий суд томонидан қўлланилиши керак бўлган ва Конституцияга

зид келиши мумкин бўлган меъёрий ҳужжатнинг конституцияга мувофиқлигини суднинг асосли тахминига кўра кўриб чиқади;

– Грузия Президенти, Парламент, Ҳукумат, Адлия Олий Кенгаши, Бош прокурор, Миллий банк бошқаруви, Бош аудитор, мухтор республиканинг халқ ҳимоячиси ёки олий вакиллик ёки ижроия органи томонидан берилган шикоят асосида тегишли органнинг ваколатлари бўйича низоларни кўриб чиқади;

– Грузия Президенти, Ҳукумат ёки парламент аъзоларининг камида бешдан бир қисми томонидан берилган шикоят асосида халқаро шартномаларнинг конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқади;

– сиёсий партия фаолиятининг конституцияга мувофиқлигини ёки Грузия Президенти, ҳукумати ёки парламент аъзоларининг камида бешдан бир қисми томонидан берилган шикоят асосида ушбу сиёсий партия таклифига биноан сайланган вакиллик органи аъзосининг ваколатларининг тугатилишини кўриб чиқади;

– Парламент аъзоларининг камида бешдан бир қисми ёки тегишли шахс томонидан берилган шикоят асосида парламент аъзосининг ваколатларини тан олиш ёки муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги парламент қарорининг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқади;

– референдумлар ёки сайловларни тартибга солувчи меъёрлар билан боғлиқ низоларни, шунингдек, ушбу меъёрлар асосида ўтказиладиган ёки ўтказилиши керак бўлган референдумлар ва сайловларнинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги низоларни кўриб чиқади;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи томонидан берилган шикоят асосида Конституциянинг 9-бобига нисбатан меъёрий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқади;

– Конституцияда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади;

– Конституциявий суд ўз вазибаларини қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, тортишув ва тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, мустақиллик, дахлсизлик ва Конституциявий суд аъзоларининг бутун ваколат муддати давомида доимийлиги тамойиллари асосида амалга оширади.


Грузия Конституциявий суди тўққиз судьядан иборат Конституциявий суд аъзолари, улардан суд раиси, иккита вице-президент ва суд котиби сайланади. Конституциявий судни шакллантиришда учта олий давлат ҳокимияти иштирок этади – Конституциявий суднинг учта аъзоси Грузия Президенти томонидан тайинланади, учта аъзо Грузия парламенти умумий сонининг камида бешдан уч қисмининг кўпчилиги овози билан сайланади ва учта аъзоси Грузия Олий суди томонидан тайинланади. Конституциявий суд аъзосининг ваколат муддати – 10 йил. Конституциявий суд судьяси илгари ушбу лавозимни эгалламаган бўлиши керак. Улар ўз вазибаларини бажаришда мустақилдирлар ва ҳақиқий фактларни баҳолайдилар, фақат Грузия Конституцияси асосида қарорлар қабул қиладилар. Уларнинг фаолиятига аралашиб қонун билан жазоланади.

Конституциявий суд ўз аъзолари орасидан Конституциявий суд Президентини 5 йил муддатга сайлайди ва бу лавозимни эгаллаб келган шахс қайта сайланмайди. Грузия Республикаси Конституциявий назорат органини илмий ва назарий таҳлил этадиган бўлсак, биз кўплаб ижобий ҳолатларни кўришимиз мумкин. Бундай ижобий ҳолатлар замирида ҳуқуқ устуворлиги, инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш, конституциявий назорат органи орқали ижтимоий адолатни таъминлаш каби асосий меъзон ва меъёрларни ажратиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у ҳам кўплаб ижобий ютуқларни ўзида мужассам этган. Лекин, жаҳон амалиётига нисбатан бизнинг Конституциявий судимиз ваколатлари анча

Мирзу коти.л шайх Баҳовуддин Ҳақибандийнинг: “Кал еши, кал уҳла, кал гапир” деган панду насиҳатларига амал қилди. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар еўзим ту бўлди: “Кал енлар – очарчилик кўрмадан бой-бадавлат яшайсизлар, кал уҳланлар – мукамалликка эришсизлар, кал гапиринлар – доно бўласизлар”.

**СОҲИБҚИРОН
ҲИКМАТИ**



чекланганлиги ва уни шаклантириш тартибини анча демократлаштириш кераклигини кўрамиз. Хусусан, Конституциявий судни шаклантириш тартибига тўхталадиган бўлсак, унинг таркибини шаклантиришда умумий тамойил мавжуд эмас. Жаҳон амалиёти ва Грузия конституционализи анъаналарига мувофиқ миллий конституциянинг ҳимоясини амалга оширувчи орган ҳокимиятларнинг бўлиниш принципига кўра яратилади, унга бинонан конституциявий суд таркиби қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти томонидан шаклантирилади, лекин бизда бу анъана билвоситалик асосидадир. Ҳуқуқ устуворлиги анъанасига кўра урта ҳокимият томонидан сайланган Конституциявий суд ҳеч қайси органга бўйсунмасдан фақат миллий конституцияга бўйсунниш тамойили белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Грузия ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини илмий ўрганиш натижасида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни бериб ўтиш лозим:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибини шаклантириш бевосита Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти томонидан амалга оширилиши конституциявий суд органи нуфузининг ошишига ва конституциявий низоларни ҳал қилишда ҳеч қайси ҳокимиятга бўйсунмаслик ва адолатни қарор топтиришда катта роль ўйнайди, акс ҳолда, конституциявий суд чинакам суд ҳокимиятини амалга оширишга ожизлик қилиши мумкин;

– унга тўғридан-тўғри мурожаат этувчи субъектлар қаторига жисмоний ва юридик шахслар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини киритиш лозим. Бундай тўғридан-тўғри мурожаат тизими бизнинг конституциявий одил судлов фаолиятида назарда тутилмаган. Мана шу камчиликнинг олдини олиш мақсадида мурожаат этувчи субъектлар қаторига жисмоний ва юридик шахсларни киритиш лозим. Чунки, тарихдан аёнки ижтимоий амалиётнинг исталган даврида жисмоний ва юридик шахслар асосий ҳуқуқ субъектлари бўлиб ҳисобланган;

– давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги конституциявий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган ҳар қандай низо бўйича судлов ишларини Конституциявий суд доирасида муҳокама қилиш ва ҳал этиш, бунда маъмурий судловга тааллуқли ишларга ҳам конституциявий суд юрисдикцияси доирасида ечим бериш ва адолатни қарор топтириш;

– халқаро шартноманинг конституцияга мувофиқлиги юзасидан мурожаат этувчи субъектлар қаторини аниқ ва қонун доирасида белгилаш;

– тегишли шикоят асосида парламент аъзосининг ваколатларини тан олиш ёки муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги парламент қарорининг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва бунда асосий эътибор депутатларнинг конституциявий мақомига қаратилиши лозим, чунки халқ томонидан бевосита сайланадиган депутатнинг дахлсизликдан маҳрум қилинишини конституциявий суд ваколатлари доирасида кўриб чиқиш адолатли ва одилона ечим бўлиши мумкин;

– ҳар қандай сиёсий партия фаолиятини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш масаласини Конституциявий суд доирасида ҳал этиш. Чунки, давлат ҳокимияти органлари ва сиёсий партиялар ўртасида вужудга келадиган муносабат соф конституциявий муносабатдир ва улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақатгина олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатда белгилаб қўйилган бўлишини ҳисобга олиш лозим;

– конституциявий суд фаолияти самардорлигини ошириш учун суд ижрочилари бўлимини ташкил этиш. Конституциявий судга кўплаб ваколатларнинг берилиши унинг нуфузини ошириш баробарида унинг чиқарган ҳукмларининг ижросини ўз вақтида бажаришни ёки бажарилмасликни келтириб чиқаради. Бу муаммонинг ечимини топиш ва ҳукмларни тезда амалга ошириш мақсадида алоҳида суд ижрочилари тизimini барпо этиш керак бўлади.

Умуман олганда, ҳар қандай жамиятдаги давлат ҳокимияти органлари тузилмасини ташкил этиш тадрижий асосда амалга оширилади. Сўнги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий ислохотлардан мақсад ҳам шу. Мамлакатда барқарорликни қарор топтириш, ижтимоий адолатни ўрнатиш, кучли демократик жамият барпо қилишда, албатта, суд ҳокимиятининг ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олиб дунёнинг ривожланган демократик давлатлари тажрибасини ўрганиб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва уни фуқароларимизнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланишини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Грузия Республикаси Конституцияси.
3. Constitutional Law of Georgia No 1324 of 13 October 2017 – website, 19.10.2017.
4. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни.
5. <http://www.konstsud.uz/oz/docs/konstitutsiyaviy-sudi-qarorlari>
6. <https://matsne.gov.ge/en/document/view/30346?publication=36>
7. <https://www.constcourt.ge/en>
8. https://en.wikipedia.org/wiki/Constitutional_Court_of_Georgia



Собир ХОЛБАЕВ,
юримдик фанлар
номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕР БОШҚАРУВИНИНГ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ишлаб чиқаришни янгилаш, амалиётдаги ривожланишларга мос ҳолда бошқариш, унга жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган инновацион усулларни жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратилмоқда, бундай фаолиятни ташкил этиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари эса давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, турли йўллар билан рағбатлантирилмоқда.

Ишлаб чиқаришни янгилаш усулда ташкил этишнинг муҳим шаклларида бири – мамлакатимизда кластерлик моделининг жорий этилганлигидир.

Ушбу моделнинг, айниқса, қишлоқ хўжалиги, туризм, фармацевтика ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда юртимизда унинг самардорлигини янада ошириш, бошқа соҳаларга ҳам жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, унинг ҳуқуқий асосини шакллантириш мақсадида бир қанча қонун ости ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда халқ хўжалигининг кластерлик модели жорий этилаётган барча соҳалардаги бошқарув тузилмаларини қайта тизимлаштириш ва янада ривожлантириш, бошқарувда давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш билан бевосита шуғулланаётган субъектлардаги бошқарувнинг замонавий тизимларини яратиш муҳим вазифалардан бири эканлиги белгилаб берилган.

Таассуф билан таъкидлашимиз керакки, кластерлик модели мамлакатимиз иқтисодиётига яқин йиллардан буён тадбиқ этилаётган бўлсада, кластер тушунчасининг миллий қонунчилигимизда аниқ ёритиб берилмаганлиги, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи махсус қонун қабул қилинмаганлиги боис уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши, шу жумладан, уни бошқариш жараёнларида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда, муаммоли масалаларга дуч келинмоқда, ҳаттоки қонунбузарлик ҳолатларини ҳам келтириб чиқармоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2022 йилнинг 22 июнида республикаимизда фаолият кўрсатаётган кластерлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда шундай деган эди: “Лекин, катта фожиа – айрим раҳбарлар бу эзгу ислохотга ўзига яқин таъминотчилар ва билимсиз одамларни аралаштирапти. Шу орқали коррупция бошлангани ҳақида менда етарли маълумотлар бор”.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича бизнесни бошқариш кўникмаларининг етишмаслиги, агросаноат мажмуи, фармацевтика ва туризм каби соҳаларда кластерлик фаолиятининг сир-асрорларидан яхши хабардор бўлган етук кадрлар салоҳиятининг чекланганлиги, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги кластерлик моделини ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчилигимизда инновацияларни жорий этишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида кластер тушунчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналардан фарқли жиҳатлари етарлича ёритиб берилмаганлиги боис унинг бошқарув органлари қандай бўлиши кераклиги, уларга қан-

дай ваколатлар берилиши, уларни сайлаш ёки тайинлаш тартиби ҳам деярли аниқлаштирилмаган. Фақатгина айрим тармоқдаги кластерлар учун бошқарувнинг баъзи жиҳатлари қисқача тарзда кўрсатиб кетилган ҳолос.

Айрим хорижий давлатларда кластер фаолиятини бошқаришда давлатнинг иштироки кўпроқ бўлади, бу эса кластерларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Россия Федерацияси Ҳукуматининг “Саноат кластерлари ва саноат кластерларининг ихтисослаштирилган ташкилотлари тўғрисида” 31.07.2015 йилдаги 779-сонли қарори билан тасдиқланган “Саноат кластерлари ва саноат кластерларининг ихтисослаштирилган ташкилотларига уларнинг саноат фаолиятини рағбатлантириш чораларини қўллаш мақсадида қўйиладиган талаблар” 4-бандининг “б” кичик банди мазмунига кўра, саноат кластери иштирокчилари саноат кластерининг ихтисослаштирилган ташкилотига, Россия Федерацияси саноат ва савдо вазирлигига, саноат кластери иштирокчилари жойлашган ҳудудларда Россия Федерацияси субъектларининг ижро этувчи органларига саноат кластерининг ривожланиши билан боғлиқ қатор маълумотларни, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари, уни амалга ошириш шартлари, рўйхати ва харажатлар миқдори, бундай лойиҳаларни тугатиш ва бундай тугатиш сабаблари, иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ва бошқа маълумотларни тақдим этиб боришга мажбур.

Бу каби қоидалар амалда тегишли республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кластерларнинг фаолиятига бевосита ёки билвосита аралашилари учун имконият яратиб беради, деб ўйлаймиз.

Ёки яна бир мисол. Россия Федерацияси Москва шаҳрининг “Москва шаҳридаги инновацион кластер тўғрисида” 2019 йил 20 февралдаги қонунига кўра кластернинг фаолияти махсус ихтисослашган нотижорат ташкилоти томонидан бошқарилади. Жумладан, ушбу Қонун 1-моддасининг 3-банди мазмунига кўра, ихтисослашган ташкилот – кластернинг ишлаши ва ривожланишини таъминлаш, кластер иштирокчиларининг инновацион лойиҳаларини амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Москва ҳукумати томонидан фонднинг ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилган нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Кластер бошқарувининг маҳаллий давлат органи томонидан тузиладиган бундай нотижорат ташкилоти ихтиёрига берилиши охир оқибат кластер иштирокчиларининг у ёки бу масалаларни (шартномавий, мулкый, ижтимоий) ҳал этишларидаги мустақиллигига давлат таъсирининг кучайтирилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, иқтисодийни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва либераллаштириш орқали хорижий давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан эркин ва ҳалол рақобатга киришиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бундай ҳалол рақобатга киришиш учун аввало, ишбилармонлик муҳити, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мос бўлиши, тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар қатъий чекланиши муҳим.

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Яъни, тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга оширилишида эркинлик, ташаббускорлик, мулкий мустақиллик, таваккалчилик асосий шартлардан ҳисобланади. Улар қандайдир усуллар билан чекланиши, нотўғри талқин этилиши, давлат ёки бошқа органлар манфаатларининг устун қўйилиши мумкин эмас.

Кластерлик фаолиятини бошқариш билан боғлиқ яна бир масала шундан иборатки, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида кластер иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва бошқарув функцияларини амалга ошириш алоҳида, яъни кластер иштирокчиси бўлмаган хўжалик субъектига ёки бошқа бир органга берилган.

Масалан, Қозоғистон Республикаси "Инновацион технологиялар парки" инновацион кластери тўғрисида"ги қонунининг 5-моддаси мазмунига кўра, инновацион кластернинг фаолият олиб боришини ривожлантириш ва таъминлаш мақсадида инновацион кластерни бошқариш Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан тузилган инновацион кластернинг Васийлик Кенгаши томонидан амалга оширилади. Инновацион кластернинг регламенти ва таркиби ҳукумат томонидан тасдиқланади. Васийлик Кенгашининг раиси Қозоғистон Республикаси Бош вазири ҳисобланади.

Фикримизча, кластернинг фаолиятини бу тарзда бошқариш ҳам қутилган натижаларни бермайди. Чунки, кластер тадбиркорлик субъектларининг мажмуасидан иборат бўлар экан, унинг иштирокчилари бозорда эркин фаолият кўрсатишлари, мустақил тарзда учинчи шахслар билан ўзаро шартномавий муносабатларга киришишлари, кластердаги бошқарув тамойилларини, бошқарув органларини, уларни сайлаш ёки тайинлаш тартибини, асосий фаолият йўналишларини, иқтисодий алоқа шакллари ўзлари белгилашлари, қилинган харажатлар ва олинган даромадларни ўзаро келишув асосида тақсимлашлари мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва қатор хорижий давлатларнинг кластерлар фаолиятига оид қонунчилигини ўрганган ҳолда кластернинг фаолиятини бошқариш қандай шаклларда бўлиши кераклиги ҳақида айрим фикр-мулоҳаза ва таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Биринчидан, фикримизча, кластер деганда муайян ҳудудда ёки соҳада ҳудудий яқинлик, функционал ўзаро боғ-

лиқлик, бир маҳсулот – бир харажат занжири (узлуксиз занжир) тамойиллари асосида биргаликда инновацияга йўналтирилган иқтисодий фаолият юритишни мақсад қилган беш ёки ундан ортиқ юридик ёки жисмоний шахсларнинг уюшмаси (бирлиги) тушунилиши керак. Кластер қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкинлиги қонунан мустаҳкамланиши керак.

Иккинчидан, кластер одатда иккита ташкилий-ҳуқуқий шаклда, яъни оддий ширкат ёки хўжаликлари бирлашма тарзида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ташаббускор таъсисчиларнинг танловига кўра кластер тижорат ташкилотлари учун қонунда назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ҳам ташкил этилиши мумкинлиги, кластер бундай шаклда ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқий ҳолати тегишли тарзда қонунчилик ва кластернинг таъсис ҳужжатларида белгиланиши лозимлиги ҳақидаги қоида қонунчиликда акс этиши керак.

Учинчидан, кластернинг фаолияти қонунчиликка ва кластернинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқарилиши, кластер номидан иш олиб борадиган ўз бошқарув органларига ва ушбу органлар орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ҳамда ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олиши, кластернинг бошқарув органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби кластерлик фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунда ва кластернинг таъсис ҳужжатларида белгиланиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши зарур.

Тўртинчидан, фикримизча, кластернинг бошқарув органларига қуйидагилар кириши керак:

- иштирокчиларнинг умумий йиғилиши;
- мувофиқлаштирувчи кенгаш;
- бошқарувчи.

Бундан ташқари, агар кластер қонунчиликда тижорат ташкилотлари учун назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тақдирда унинг бошқарув органлари ва ваколатлари тегишли тарзда қонунчилик ва кластернинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши ва фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, оддий ширкат шаклидаги кластерда мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилмаслиги керак ва иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, кластер фаолияти билан боғлиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, фойда ва зарарларнинг тақсимланиши каби маълумотларни умумлаштириш, ишончномасиз кластер номидан битимлар тузиш, уларнинг ижросини назорат қилиб бориш бошқарувчи сифатида белгиланган бош иштирокчи томонидан амалга оширилиши муҳим ҳисобланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, кластерлик модели иқтисодийга самарали жорий этиш ва ривожлантириш учун кластер тушунчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг бошқарув органлари уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазибалари ва ваколатлари каби муҳим масалалар махсус қонун ҳужжатлари асосида аниқ белгилаб берилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://t.me/Rasmiy_xabarlar_Official
2. <https://docs.cntd.ru/document/420291916#7D20K3>
3. www.lex.uz.
4. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31546212&pos=7;-19#pos=7;-19

КЛАСТЕР СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кластер атамаси (инглизча cluster – тўплаш) маълум хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида қаралиши мумкин бўлган бир нечта бир хил элементларнинг бирлашишини англатади. Масалан, ахборот технологияларида кластер деганда компьютерларнинг юмшоқ ва қаттиқ дискларида маълумотларни сақлаш бирлиги ёки юқори тезликдаги алоқа каналлари билан бирлаштирилган ва ягона аппарат ресурслари ифодаловчи компьютерлар гуруҳи тушунилади.

Астрономияда бу тортишиш кучлари билан бир-бирига боғланган юлдузлар гуруҳи ёки бир нечта галактикалардан иборат супер тузилма ҳисобланса, кимёда кластер – бир нечта атом ёки молекулаларининг мураккаб бирикмаси, физикада – элементар зарраларнинг ўзаро боғлиқ гуруҳи, тилшуносликда – турдош тиллар ёки лаҳжалар гуруҳи, иқтисодда – турдош тармоқлар гуруҳи ҳисобланади ва ҳ.к. Бу борада дунё олимлари турли қарашларга эга. Хусусан, Гарвард бизнес мактаби профессори Майкл Портер назариясига кўра, кластер – бу маълум ҳудудда фаолият юритувчи ва бир-бирини тўлдирувчи географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва бошқалар) ва тегишли ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат органлари, инфратузилма институтлари) гуруҳидир.

Демак, кластер—бу бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган, бир-бирининг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳисса қўшадиган фирмалар жамоаси бўлиб ҳисобланади. Минтақа иқтисодийётида кластерлар ички бозор учун ўсиш нуқталари вазифасини бажаради. Тез-тез янги кластерлар шакллана бориб, минтақа ва умуман мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошади.

Фикримизча, кластер тизими иқтисодий ривожланишнинг муҳим элементи бўлиб, самараси юқори бўлиши мумкин. Кластерда рақобатбардошлик тизимли алоқалар туфайли ривожланади, чунончи;

- бошқа тармоқлардан келаётган янги ишлаб чиқарувчилар тадқиқотни разбатлантириш ва янги стратегияларни амалга ошириш учун ресурслар билан таъминлаш орқали ривожланишни тезлаштиради;

- турли рақобатчилар билан алоқада бўлган етказиб берувчилар ёки истеъмолчилар каналлари орқали мақсадли маълумот алмашинуви ва инновацияларни тезкор тарқатиш мавжуд;

- кластер ичидаги муносабатлар, кўпинча олдиндан айтиб бўлмайдиган, рақобатда янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва сифат жиҳатидан янги имкониятларни келтириб чиқаради;

- инсон ресурслари ва зоялар кластерга инновацион рента олиш имконини берадиган янги комбинациялар ва натижаларни шакллантиради.

Йигирманчи асрнинг 90 йилларидан бошлаб бутун дунё бўйлаб биргаликда жойлашиш, ҳамкорлик ва рақобат орқали фаолият кўрсатишнинг афзалликларини келтириб чиқарадиган корхоналарнинг географик бирлиги сифатида кластерлар тушунчаси минтақавий ишлаб чиқариш тизимларининг маҳаллий рақобатдош афзалликларига йўналтирилган ҳудудий ривожланиш стратегиясини шакллантиришда муҳим роль ўйнай бошлади ва бу саноат сиёсати асосларини ҳамда

марказлаштирилган ривожланишнинг илгари ҳукмрон бўлган моделларини қайта кўриб чиқишга олиб келди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда кластер институтини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Моҳиятан кластерларга “кластер сиёсати” деб аталадиган янги турдаги иқтисодий ва саноат сиёсатининг объекти сифатида ёндошилиб, асосий мақсад мамлакат ёки ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилмоқда.

Шундай қилиб, кластер сиёсатига миллий ёки минтақавий ривожланишнинг энг муҳим воситаси сифатида қаралиб, бизнес секторининг самарадорлиги маҳаллий бизнес муҳитининг сифати билан узвий боғлиқ равишда олиб борилмоқда. Албатта уни амалга ошириш компаниялар янада малакали ишчи кучини, яхши хабардорликни, янада самаралироқ бошқарувни, такомиллаштирилган инфратузилма, тадқиқот бўлинмалари, ишончли етказиб берувчилар ва янада кучли рақобат муҳитини талаб қилади.

Кластер одатда бир нечта асосий хусусиятлар тўплами билан белгиланади: ҳудудий бирлик ва иштирокчиларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасидаги рақобат, кичик ва ўрта бизнеснинг муҳим массаси. Кластер сиёсати эса корхоналарнинг (кластерларнинг) самарали тармоқ бирлашмаларини яратиш ва ривожлантириш ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг турли усулларининг умумий номи сифатида ишлатилади. Бу ерда кластер ташаббуслари кластер сиёсатининг алоҳида зарурий қисми сифатида тушунилади.

Замонавий иқтисодий ривожланиш амалиёти шуни кўрсатадики, ички рақобат юқори бўлган тизимлар энг юқори самарадорликка эришади.

Шунинг учун рақобат кластерлар йўналишининг асосий элементи ҳисобланади: бу кластерларни ҳамкорликнинг олдинги кўпгина шаклларида ажратиб турадиган хусусият ва афзалликдир.

Кластерлар ва рақобатнинг ўзаро боғлиқлиги бир неча йўналишда намоён бўлади. Кластер ичидаги рақобат кластернинг ўсиши ва самарадорлигининг ошишига олиб келади, аъзоларини доимий равишда ўз фаолиятини яхшилашга ва инновацион изланишга ундайди. Кластер аъзоларининг географик жиҳатдан яқинлиги эса, ўз навбатида, рақобатнинг кучайишига ёрдам беради. Кластерлардаги рақобат янада аниқроқ ва муҳимроқдир, чунки у нафақат истеъмолчи учун, балки минтақавий миқёсда ресурслар, жамоат ва сиёсий қўллаб-қувватлаш учун ҳам амалга оширилади.

Анъанавий равишда бозор номукамаллиги (шу жумладан, ижтимоий ва экологик йўналишнинг йўқлиги, инқирозларга мойиллик) билан боғлиқ бўлган иқтисодий ривожланишга давлат аралашуви усуллари ҳозирги вақтда давлатнинг аниқланган “муваффақиятсизликлари” таъсири

остида тузатилмоқда. Улардан энг аҳамиятлиси иқтисодий сиёсатга анъанавий тармоқ ва минтақавий ёндашувлар харажатлари, шунингдек, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ва даражаларининг номувофиқлигини ўз ичига олади. Ушбу ва бошқа баъзи сабаблар тартибга солинадиган бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг самарали йўналиши сифатида кластер ёндашувини жорий этиш истиқболларини тушунтиради.

Дарҳақиқат, кластер сиёсати аралаш шакл бўлиб, санат сиёсати, минтақавий сиёсат, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати, инновациялар, фан-техника, таълим ва бошқа сиёсатларни ўзида мужассам этади.

Кластерлаш жараёнларида минтақавий ва ҳокимият органлари муҳим рол ўйнайди. Давлат сиёсати бошланғич босқичидаги кластерларни ривожлантириш ёки мавжуд кластерларни сезиларли даражада яхшилаш учун муҳим бўлиши мумкин. Кластерларни ривожлантиришда ҳокимият органларининг иштироки кластер фаолияти учун инфратузилмани яратишга ва рақобатбардошлик омилларига бевосита таъсир кўрсатади.

Кластер сиёсатининг энг кенг тарқалган беш тури мавжуд:

1. Кластер доирасида конструктив мулоқот учун шарт-шароит яратиш ва унинг аъзолари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган воситачилик сиёсати.

2. Талабни рағбатлантириш сиёсати – ҳудудда истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини шакллантириш, иқтисодиётнинг турдош ва ёрдамчи тармоқларини, давлат ва шаҳар буржумаларини ривожлантириш.

3. Таълим сиёсати, унинг мақсади зарур компетенцияларни шакллантириш ва ҳудудда юқори малакали кадрлар тайёрлаш.

4. Савдо тўсиқларини бартараф этиш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан иборат бўлган ташқи алоқаларни рағбатлантириш сиёсати.

5. Қулай таркибий шароитлар яратиш сиёсати: макро-иқтисодий, институционал ва бошқалар.

Фикримизча кластерлик институтини жорий этиш ва уни ривожлантиришни таъминлаш унинг стратегиясини ёки бошқача айтганда концепциясини яратишни тақозо қилади. Стратегик бошқарув, деганда одатда узоқ вақтларга йўналтирилган ва ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги векторларини ўз ичига олган бошқарув тушунилади. Ушбу атама ҳарбий стратегиядан келиб чиққанлиги, стратегия ҳозирги пайтда кураш, уруш ёки ўйин шароитида харажатларни минималлаштириш шунингдек ностандарт ижодий ечимлар орқали ютуққа эришиш мақсадида субъектнинг самарали хатти-ҳаракати сифатида қаралади.

Кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда одатда янги билимлардан самарали фойдаланишга қаратилган стратегиялар ва ҳамкорликнинг янги шакллари ва тизимларини яратишдан фойдаланилади.

Вақт ўтиши билан кластерлар фаолияти ташқи ресурсларни, катта инвестицияларни ва бошқарув органларининг алоҳида эътиборини жалб қилишга сабаб бўлади. Кластер маркази одатда кучли компаниялар бўлиб, улар ўртасида

рақобатбардош муносабатлар сақланиб қолиши мумкин. Шу билан кластер картель ёки молиявий-саноат гуруҳидан фарқ қилади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, сўнгги ўн йилликларда бир қатор мамлакатларда жаҳон бозорида ўз кучи ва рақобатбардошлигини исботлаган тадбиркорлик фаолияти марказларида қурилаётган самарали Кластер стратегиялари муҳим аҳамият касб этди. Ҳукуматлар мавжуд кластерларни қўллаб-қувватлашга ва илгари алоқада бўлмаган компанияларнинг янги тармоқларини яратишга эътибор қаратмоқдалар.

Кластер стратегиялари Европа мамлакатларида кенг қўлланилади. Масалан, Германияда 1995 йилдан бери Bio Regio биотехнологик кластерларини яратиш дастури мавжуд. Буюк Британияда ҳукумат Эдинбург, Оксфорд ва Жануби-Шарқий Англия атрофидаги худудларни биотехника фирмаларининг асосий жойлашуви сифатида белгилади. Норвегияда ҳукумат "денгиз иқтисодиёти" кластеридаги фирмалар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради. Финляндияда ёғоч маҳсулотлари, қоғоз, мебель, матбаа ва тегишли ускуналар ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ёғоч-созлик кластери ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, ёндашувларнинг хилма-хиллигига қарамай, Европанинг аксарият мамлакатлари ўзлари учун у ёки бу Кластер стратегиясини ишлаб чиқдилар. Бундай стратегияни энг аниқ шаклда амалга оширадиган мамлакатлар Дания, Голландия, Белгиянинг Фламанд вилояти, Квебек (Канада), Финляндия, шунингдек Жанубий Африкадир. Франция ва Италияда узоқ вақтдан бери, гарчи бошқа ном остида бўлса ҳам (кон – кураш қутблари) ўзига хос кластер стратегияси қўлланилиб келинмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан аён бўладики, кластер тизими дунёнинг ривожланган мамлакатларида самарали фаолият олиб бормоқда ва керакли натижаларга эришмоқда. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам мазкур сиёсатни шакллантириш барча соҳаларни жадал ривожлантириш учун муҳим омил бўлиши мумкин.

Илҳом НАСРИЕВ,
профессор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Портер М. Международная конкуренция / М. Портер. М.: Международные отношения, 1993. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. / Т.В. Цихан. 2003. № 5.
2. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. 2003. № 5.
3. Марков Л.С. Проблемы реализации кластерной политики в России // Научный эксперт. 2007. № 4; URL: <http://www.cluster-center.ru/about1.html>; Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития.
4. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Там же.
5. Марков Л.С. Проблемы реализации кластерной политики в России. URL: <http://www.cluster-center.ru/about1.html> (дата обращения: 24.06.2013).
6. Социальная философия: словарь / сост. и ред. В.Е. Кемеров, Т.Х. Керимов. М.: Академический Проект, 2003. 560 с.
7. Лизунов В.В. Системный подход к разработке и реализации стратегии развития г. Омска // Омск: стратегия развития города: материалы науч.-практ. регион. конф. Омск: Администрация города Омска, 2003. С. 69 – 76.
8. Андрианов В. Государственный дирижизм во Франции: история и современность // Общество и экономика. 2005. № 12; Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. 2003. № 5.

ДАВЛАТНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА КАМ АРАЛАШУВИ – МУҲИМ ТАМОЙИЛДИР

Ҳар қандай соҳада ортиқча тартиб, бюрократия ва тўсиқларнинг мавжудлиги ёки амалда бўлиши пировардида ўша соҳа ривожига салбий таъсир этмай қолмайди.

Шу маънода, тадбиркорлик соҳаси ҳам ўзига чекланган тарзда ва фақатгина қонунга мувофиқ аралашувни қабул қилади. У ортиқча тартиб-таомиллар билан келиша олмайди.

Чунки, тадбиркорлик давлатнинг чекланган тарзда аралашуви ва бу фаолиятнинг эркинлик ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланган ҳамда қонунларда соҳага оид ортиқча чекловлар, тартиб-таомиллар бўлмаган бир ҳуқуқий майдондагина юқори суратларда ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасига кўра, фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир. Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонунчиликдан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб аниқлашмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Шу кодекснинг 41-моддасига кўра, юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Кодекснинг 44-моддасига мувофиқ, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Демак, республикада давлатнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари каби тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишдан тортиб унинг фаолиятида юзага келадиган тартиб-таомилларни белгиловчи, шунингдек, тадбиркорлик субъектини тугатиш жараёнларида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи бир қатор қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар, соҳада илғор халқаро тажрибага эътибор қаратсак, ушбу соҳа фаолиятини тартибга солишчи катта юкка эга бўлган қонунчилик баъзасини учратмайсиз. Аксинча, соҳани тартибга солиш эмас, соҳа фаолиятига кўпроқ ҳуқуқ бериш – “қонун ҳужжатлари қанча кам бўлса, ҳуқуқ шунча кўп бўлади” деган ибора амалиётга татбиқ этилган.

Яъни, тадбиркорлик ва хусусий мулк соҳасида анча-мунча тараққий этган давлатларда “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги каби қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари кам учрайди.

Аксарият тадбиркорлик ва иқтисодиёти юксак тараққий этган давлатларда давлат ва тадбиркорлик субъектларини боғлаб турувчи асосий восита – бу солиқ тўловига бўлиб ҳисобланади. Бу каби давлатларда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига у ёки бу тарзда аралашувга олиб келадиган ҳуқуқий базадан воз кечиш, бу борадаги ҳуқуқий макон ва шарт-шароитнинг негизини “тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги – давлат иқтисодий юксалишининг асоси”, – деган тамойил ташкил этади.

Мавжуд миллий қонунчилигимиз баъзасида ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари эркинлиги, улар ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги, улар фаолиятига давлат ва давлат органлари ортиқча аралашувининг кафолатларини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган.

Бирок, шу билан бирга белгиланган айрим меъёрлар давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида чекланган тарзда иштироки тамойилига тўла мос келмайди.

Масалан: “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни яхлитлигича, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгиланган давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим ваколатлари, шунингдек, концептуал жиҳатдан бу борада устивор бўлган - Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси билан тартибга солинган ижарага ва мулкка оид ҳуқуқий муносабатларни “Ижара тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида такрорланиши ва бугунги кунга қадар бекор қилинмаганлиги давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида чекланган тарзда иштирокини самарали таъминлашга эмас, балки, соҳани ҳуқуқий жиҳатдан ортиқча тартибга солиш тадбиркорлик фаолиятининг муҳим тамойилларидан бири саналган – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида чекланган тарзда иштироки тамойилига мувофиқ келмайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг тамойилларига мувофиқ бўлмаган ҳолатлар эса, тадбиркорликнинг ривожига албатта тўсиқ бўлади, бу фаолиятнинг оқсашига ёки соҳанинг депсиниб бир ўқ атрофида айланиб қолишига замин яратиб қўйиши мумкин.

Шу асосда давлат қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар доирасидагина тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши, соҳани ортиқча тартибга солишга, ортиқча тартибот белгилашга қаратилган норма ижодкорлигига қарши муросасиз муносабатда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, давлат тадбиркорлик ва рақобатни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик соҳасидаги давлат қорхоналарини ва устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларни ташкил этишни чеклаш, хусусийлаштириш ва хусусий мулкка изчил, тизимли эътибор қаратиш орқали тадбиркорлик соҳасида давлат улушини камайтиришга, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида маълум чеклов институтларидан кенг фойдаланиши лозим бўлади.

Ана шундай мақсадда, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим тамойили бўлган – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида чекланган тарзда иштироки тамойилининг қонунларда ва амалиётда тўла акс этиши учун бу соҳада амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари ҳамда ташаббус қилинаётган норма ижодкорлиги жараёнида юқорида қайд этилган тамойил эътибордан четда қолмаслиги, амалиётда эса, ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўлловчи субъектлар оғишмай мазкур тамойилнинг концептуал асосларига риоя этишлари талаб этилади.

Нуриддин МУРОТОВ,

Сариосиё туманлараро иқтисодий суди раиси.

ФИРМА НОМИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Фирма номининг асосий вазифаси – муайян юридик шахсни фуқаролик муомаласининг барча иштирокчиларидан индивидуаллаштириш (ажратиш) ва бунинг натижасида учинчи шахслар ўртасида у билан барқарор бирлашма ҳосил қилишдир.



Маликахон ҚАЛАНДАРОВА,
Судьялар олий кенгаши судьяси

Фирма номи юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, у орқали тижорат фаолиятини амалга ошириб, фуқаролик муомаласида иштирок этади. Фирма номи ёрдамида ижтимоий-иқтисодий муносабат иштирокчилари бозорнинг турли субъектларини фарқлайди. Юридик шахс фирма номи билан кўрсатаётган хизматлари (ишлар, товарлар) орқали истеъмолчилар олдида машҳур бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига асосан **фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи** бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Шу сабабли, мазкур турдаги муносабатлар низоларни ҳал этишда, қонунчиликдаги айрим нормаларни қўллашда ўзига хос ва махсус малака асосида баҳо берилишини тақозо этади.

Хусусан, қонунчиликда фирма номида кўрсатилиши мумкин бўлмаган белгилар юзасидан айрим чекловлар назарда тутилган. Жумладан, илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари кейинги фирма номида кўрсатилмаслиги керак, бу эса низони ФКнинг 9-моддасида назарда тутилган қоидаларни қўллаган ҳолда ҳал этилиши лозимлигини англатади. Чунки, муқаддам қайсидир шахс яратган обрўдан фойдаланиш фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг умумий қоидаларига зид бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонунчилигида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

Юридик шахс **товарларда, уларнинг идиши ва ўротида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида** фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Қонунчиликка асосан, юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади. Юридик шахснинг фирма номи айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Бироқ, фақат бир хил ёки адаштирадиган даражада ўхшаш белгидан фойдаланиш фуқаролик жавобгарлик чораларини қўллаш учун етарли асос бўлмайди.

Қуйидаги ҳолатларда юридик шахснинг хатти-ҳаракатлари фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилиши мумкин:

- ҳуқуқ эгасининг фирма номи юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига учинчи шахснинг фирма номидан олдин киритилган бўлса;
- учинчи шахснинг фирма номи ҳуқуқ эгасининг фирма номига тўлиқ мос келса ёки унга адаштирадиган даражада ўхшаш бўлса;
- юридик шахс шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширс.

Агар ушбу ҳолатларнинг камида биттаси мавжуд бўлмаса, фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ бузилган деб ҳисобланмайди. Турли йўналишда иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган фирма номларининг мос келиши жавобгарнинг фирма номидаги сўз бирикмаларидан фойдаланишни тўлиқ тақиқлаш учун асос бўла олмайди.

Агар юқорида кўрсатилган барча ҳолатлар аниқланса, ҳуқуқ эгаси ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга фирма номидан фаолиятнинг айрим турларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида талаб ёки зарарни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли.

Фирма номидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги талабни билдирганда, ҳуқуқ эгасига фақат бузилиш фактини исботлаши етарли бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, “А” компанияси (Буюк Британия) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” га нисбатан даъво аризаси билан Тошкент шаҳридаги Фарҳод деҳқон бозори, 15-дўкон пешлавҳасидаги даъвогарнинг фирма номига бўлган ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаб, уни олиб ташлашни сўраган.

Аниқланишича, даъвогарнинг фирма номига бўлган ҳуқуқи (Буюк Британия) 12.17.1992 йилда шу мамлакатда рўйхатдан ўтган, тегишли гувоҳнома (апостиль) билан тасдиқланган. Даъвогар ушбу ном

билан Буюк Британия, Германия, Польша, Австрия ва Нидерландияда савдо дўконларига эга.

Шунга кўра, суд жавобгар томонидан даъвогарнинг розилиги олинмасдан унинг номидан фойдаланилганлигини фирма номига бўлган ҳуқуқи бузилган деб топиб, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантирган.

Яна бир ҳолат, фирма номидан фойдаланишни тақиқлаш муайян фаолиятга нисбатан баҳсли белгидан фойдаланишни тўхтатиш ёки номни ўзгартириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, ҳуқуқ эгаси бошқа юридик шахсга фирма номини мажбуран ўзгартириш талабини қўйишга ҳақли эмас, ушбу ваколат рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли ҳисобланади. Ҳуқуқ эгаси эса фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

"Индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг фирма номидан низоли сўзларни чиқариб ташлаш орқали таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш усули мавжуд эмас."

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқ эгалари қуйидаги даъво талаблари билан иқтисодий судларга мурожаат қилишган:

1-талаб: жавобгарга ўхшаш фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш;

2-талаб: даъвогарнинг фаолияти билан ўхшаш фаолиятда фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш;

3-талаб: жавобгарга фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш шарти билан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш.

Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишдаги айрим жиҳатлар кўзга ташланади.

Биринчидан, иккита юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичининг (ИФУТ) кичик синфдаги фаолият турларининг ўхшаш ҳисобланиши масаласи. Маълумки, ИФУТ ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари ва кодини аниқлашга хизмат қилади.

ИФУТ иқтисодий фаолият турлари ва улар ҳақидаги маълумотларни таснифлаш ва кодлаш учун мўлжалланган. Шу билан бирга, у хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳақиқатда амалга оширилаётган иқтисодий фаолиятнинг асосий ва бошқа турларини аниқлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

ИФУТ иқтисодий фаолият турларининг таснифланган гуруҳлари кодларини, гуруҳлаш мазмунини очиб берувчи ва таснифлагичнинг бошқа гуруҳларига ҳаволалар берадиган номлар ва тавсифларни ўз ичига олади.

ИФУТ иерархик таснифлаш усули ва кетма-кет кодлаш усулидан фойдаланади. Унинг тузилиши

синфлар, кичик синфлар, гуруҳлар, кичик гуруҳлар, турлардан иборат бўлиши мумкин.

Фирма номига бўлган ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда даъвогар ҳам жавобгар ҳам қайси фаолият турлари билан шуғулланаётганлигини, шунингдек тегишли фаолият турларининг ўхшашлигини исботлаши керак.

Айнан шунга ўхшаш фаолиятнинг амалга оширилиши истеъмомчилар томонидан турли ишлаб чиқарувчилар ва товарлар (хизматлар) етказиб берувчиларни адаштириб юборишининг ҳақиқий таҳдидини яратади.

Шу билан бирга, даъвогар ўзи томонидан амалга оширилган фаолият турлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган ва фаолият турларини тасдиқлаган ва ўша йўналишда ишлаганлиги тўғрисида далилларни тақдим этиши шарт.

Даъвогар жавобгарга нисбатан ҳақиқий фаолият тўғрисида ҳам, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолият тўғрисида ҳам маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Шу билан бирга қуйидагилар фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишда инобатга олиниши мумкин:

- жавобгарнинг фаолияти таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолият турлари билан бир хил бўлса, жавобгарнинг улар ҳақиқатда амалга оширилмаганлигини исботламагунча ушбу фаолият турлари амалга оширилган деб тахмин қилинади;

- юридик шахс ягона давлат реестридан кўчирмада кўрсатилган фаолият турларини акси исботланмагунча амалга оширган ёки амалга оширилиши мумкин деб тахмин қилинади;

- фаолият турларининг ўхшашлиги суд томонидан товарлар ва хизматларнинг тегишли фаолият манзилдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда истеъмомчилар даъвогар ва жавобгарнинг фаолиятини адаштирилиши мумкинми ёки йўқлигини ҳисобга олади;

- ИФУТ бўйича иқтисодий фаолиятнинг бир кичик тоифаси билан қамраб олинганда агар даъвогар ёки жавобгар бунинг аксини судда исботлаб бермаса, даъвогар ва жавобгарнинг фаолияти ўхшаш деб тахмин қилинади.

Тегишли низони кўриб чиқишда суд даъвогар ва жавобгарнинг бир хил ёки чалкаш даражада ўхшаш фирма номларига эга эканлигини ва ҳақиқатда суд томонидан белгиланган муайян ўхшаш фаолият турлари билан шуғулланаётганлигини аниқлаши керак.

Даъвогар ва жавобгар фирмалари номининг бир қисми сифатида ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги фарқ ўз-ўзиндан фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бузилган-бузилмаганлигини кўрсатмайди.

Агар суд қарори қабул қилинган пайтда бузилиш мавжуд бўлса фирма номидан фойдаланишни тўхта-тиш талаби қондирилиши мумкин.

Шу билан бирга, мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши-ни тугатиш усулини танлаш деганда суд томонидан

белгиладиган муайян фаолият турларига нисбатан фирма номидан фойдаланишни тугатиш тушунилади.

Шу муносабат билан даъвогарнинг фирма номига бўлган ҳуқуқи бузилганлиги фактини аниқлаган суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида жавобгарга маълум фирма номи остида фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш тақиқланганлигини кўрсатиши мумкин. Бундай суд қарорини ижро этиш усулини танлаш жавобгар томонидан суд ҳужжатини ижро этиш босқичида амалга оширилади.

Иккинчидан, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (қайта ташкил этиш) кейинчалик бундай маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш билан ўзгартирилиши фирма номининг устуворлик санаси ўзгаришига олиб келмайди.

Бирок, фирма номининг ихтиёрий қисми ўзгартирилиши (жумладан, “САРИ” – “НАРИ”) фирма номига нисбатан устуворлик ҳуқуқи у давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 44-моддасига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

“Фирма номлари тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига асосан фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш нафақат юридик шахс тугатилганда, балки унинг номи ўзгартирилган тақдирда ҳам тугатилади.

Учинчидан, ФКнинг 46-моддасига кўра, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

Тўртинчидан, даъвогарнинг бошқа шахс томонидан фирма номини ўзгартирган ҳолда низоли фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш ҳақидаги талаблар иқтисодий судларда кўриб чиқилмайди.

Бешинчидан, ҳуқуқ эгаси фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бузилганлиги сабабли зарар ундириш ҳақидаги талабни қўйиш ҳуқуқи мавжудлиги қонунчиликда назарда тутилган. Фақатгина фойдаланиши натижасида етказилган зарарни ундиришни суддан сўрашга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ФКнинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

ўй қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Олтинчидан, ФКнинг 65-боби 1-параграфидан назарда тутилган қоидалар нодавлат нотижорат ташкилотларининг номларига нисбатан тадбиқ этилмайди. Ушбу параграфда назарда тутилган фирма номи тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахсларга тааллуқли бўлиб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига кўра, уларнинг туридан қатъи назар, айнан бир номдаги ННТни давлат рўйхатидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Номи бир хил бўлган икки ёки ундан ортиқ ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза тушган ҳолларда бошқалардан олдинроқ ариза берган ННТ рўйхатдан ўтказишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж конвенциясининг 10-моддасига асосан, учинчи шахслар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг номларидан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси нормаларини истисно тариқасида қўллаш мумкин. Мазкур модданинг мазмунига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усулларида бири етказилган зарарни ундириш ҳисобланади. Зарарни ундириш бўйича моддий даъво қўйишда ҳуқуқ эгаси фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларига, хусусан, ФКнинг 14-моддасига асосланади.

Бирок, суд амалиёти таҳлилига кўра, ҳуқуқ эгалари ҳамма вақт ҳам зарарнинг вужудга келиш сабаб ва оқибатлари мавжудлигини исботлай олмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши, эътироф этилиши, муҳофаза қилинишининг зарур шarti — бу номи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказилганлиги ва бу ҳақда далолатнома берилганлигидир. Ушбу талабга риоя қилмаслик фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг тан олинмаслигига сабаб бўлади.

МЕРОС ГУВОҲНОМАСИ – У ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ?

Мерос — марҳумдан ворисларга қолган мулк. У марҳумнинг мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, ақлий фаолият (кашфиёт, ихтирочилик, муаллифлик) натижаларига бўлган алоҳида ҳуқуқлари, шунингдек, бу ҳуқуқлардан келиб чиқадиغان мажбуриятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Мерос таркибига у очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар киради.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш, мулкчилик шакли турларининг қўпайиши меросхўрлар ўртасида меросни қабул қилиб олиш ва тақсимлашдаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун меъёрларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 01.03.1997 йилдан бошлаб амалга киритилган Фуқаролик кодексига меросхўрларга меросни олиш билан боғлиқ бир қанча ўзгаришлар, хусусан меросни қабул қилиб олиш учун муддат чекланмаганлиги ҳақида қоида киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам (агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса) гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин, дейилган.

Ҳўш мерос гувоҳномаси юзасидан суд томонидан низолашилганда, суд қандай моддий ҳуқуқ нормасини қўллаши керак?, деган савол туғилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида”ги қарорини 3-бандида ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади, деб тушунтириш берилган.

Мерос олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан бири васиятнома ҳисобланади. Лекин, васиятнома бўлмаса мерос қонун бўйича қандай тақсимланади?, деган савол туғилади.

Фуқаролик кодексининг 1130-моддасига кўра тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади, деб белгилаб қўйилган.

Мерос гувоҳномаси нотариус томонидан бериладиган ҳужжат бўлиб, у меросхўрнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради. Шу маънода мерос

гувоҳномасини бир томонлама битим деса ҳам бўлади, чунки бир томонлама битимнинг тушунчаси ҳам шундай таърифланади.

Мисол учун мерос қолдирувчининг 3 нафар фарзанди бўлса, уларнинг бир нафари ягона меросхўр эканини кўрсатиб нотариус орқали мерос гувоҳномаси олинган ҳолатда, қолган меросхўрлар ушбу гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан даъво қўзғатиши мумкин.

Судлар даъвони қаноатлантириш ҳақида қарор чиқарётганида меросхўр васият асосида меросни қўлга киритган бўлса, иккинчи меросхўр васият юзасидан низолашса, судлар битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллайди. Мазкур масала бўйича суд амалиёти ўрганилганда, судлар мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топишда, битимларнинг ҳақиқий эмаслигига оид қоидаларни қўллаб келаётганини кўп учратиш мумкин.

Демак, мерос гувоҳномаси ўзига хос битим ва мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг асосларидан бири ҳисобланади.

Бу борадаги қонунчилик Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қароридан тушунтириш берилган.

Бироқ, қонун бўйича мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топишга Фуқаролик кодексининг қайси қоидалари бўйича йўл қўйилиши мумкинлиги белгилаб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддасида, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, дейилган.

Лекин, мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топишда бу қоида қўллаб бўлмади, боиси нотариал идоралар давлат бошқаруви органлари ёки ўзини-ўзи бошқариш органлари тоифасига кирмайди.

МДХ давлатлари қонунчилиги ва адабиётларида ҳам қонун бўйича мерос гувоҳномаси қандай битим эканлиги юзасидан тушунтиришлар берилмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонун даражасида бу ҳақда янги қоида киритиш зарур бўлмаса ҳам, Пленум қароридан тушунтириш берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Аброр РАХМАТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси,

Рустам ТАНГАБАЕВ,

фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг раиси.

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасидаги хорижий ва миллий олимларнинг назарий ёндашувлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳуқуқий мониторингга оид қонунчилик асосларининг ривожланиш динамикаси ҳам ўрганилган. Таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий мониторинг, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш, кузатув, баҳолаш ва б.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье анализируются теоретические подходы зарубежных и отечественных ученых к понятию правового мониторинга. Вместе с тем, изучена динамика развития нормативно-правовой базы, связанной с правовым мониторингом в стране. По результатам анализа разработано авторское определение к понятию правового мониторинга.

Ключевые слова: правовой мониторинг, право законодательной инициативы, нормативно-правовые акты, практика правоприменения, общественные отношения, правовое регулирование, наблюдение, оценка и др.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаоллашмоқда. Қонун ижодкорлари ўзларига ишониб топширилган соҳаларни ислоҳ қилиш орқали такомиллаштиришга эътиборни кучайтиришлари натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Чунончи, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси маълумотларига кўра, биргина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони 2015 йилдан кейин кескин ортганини кузатиш мумкин. Танлов асосида 2013-2015 ва 2019-2021 йиллар кесимида мазкур субъект томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сон кўрсаткичини таҳлил қилганимизда бу ҳолатга яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилда 356 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 378 тани, 2015 йилда эса 372 тани ташкил этган.

2016 йилдан кейинги даврда эса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кескин ортган. 2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1 060 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 834 тани, 2021 йилда 803 тани ташкил қилган.

2016 йилдан кейинги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишдаги фаолликни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи эга бўлган бошқа субъектларда ҳам кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сон кўрсаткичининг 2016 йилдан кейин ўсиши ва юқори кўрсаткични сақлаб қолишни қўйидаги икки омил орқали изоҳлаш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йилдан бошлаб ўрта муддатга мўлжалланган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишни назарда тутувчи "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси" ва "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларда давлат органларига турли соҳалар бўйича вазифалар белгилаб берилиши;

- халқ билан мулоқотнинг янги шакллари (Виртауал халқ қабулхонаси, Бизнес омбудсман ва б.) йўлга қўйилиши натижасида фаол фуқаролар қатлами томонидан ўтган давр мобайнида тўпланиб қолган турли муаммоларнинг кўтарилиши ва уларни ҳал этишга қаратилган тегишли ҳужжатларнинг ишлаб чиқирилиши.

Мамлакатимизда кўплаб қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши бир вақтнинг ўзига илмий изланувчилар ва фаол фуқаролар олдида уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига тўлақонли татбиқ этилаётганлигига баҳо бериш вазифасини қўймоқда.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тутган аҳамияти, таъсир даражаси ва ҳуқуқат томонидан юритилаётган ҳуқуқий сиёсат ҳамда жамият ҳаётидаги турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлигига баҳо беришда ҳуқуқий мониторинг муҳим аҳамиятга эга бўлган институтлардан бири ҳисобланади.

Гарчи ўтган давр мобайнида юртимизда ҳуқуқий мониторингни жорий этиш ва самардорлигини таъминлаш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан ҳуқуқшунослик назариясида ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида ҳалигача ягона ёндашув мавжуд эмаслигини, олимлар ўртасида турлича баҳс-мунозаралар давом этиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, таниқли ҳуқуқшунос олим Ю.А.Тихомиров ҳуқуқий мониторинг тушунчасига ҳуқуқ вужудга келадиган ва амал қиладиган барча босқичларда намоён бўладиган ташкилий, бошқарув хусусиятига эга, ахборот-баҳолаш ҳуқуқий институти сифатида таъриф беради.

Ушбу таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ҳуқуқшунос олим ҳуқуқий мониторинг тушунчасини ахборот-баҳолаш институти сифатида изоҳлар экан унинг асосий моҳиятига, яъни нимага қаратилганлигига эътибор қаратмайди.

Яна бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий мониторингни қонунчиликнинг самарадорлигини ошириш, ундаги бўшлиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш усули сифатида изоҳлайдилар.

Мазкур таърифда эса, ҳуқуқий мониторинг тушунчасидан кўзланган асосий мақсадга эътибор қаратилсада, унинг юридик табиати билан боғлиқ масалага етарлича эътибор қаратилмайди.

Ҳуқуқшунос Я.Е.Наконечный ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда ушбу институтнинг мақсадига асосий эътиборни қаратар экан ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнини тўлақонли мақбуллаштириш мақсадида норматив ҳужжатлар шакли, мазмуни ва амалга оширилишини илмий ва методологик жиҳатдан асосланган баҳолаш тизими сифатида эътироф этади.

Ушбу олимнинг ҳуқуқий мониторинг тушунчасига берган таърифи юқорида келтирилган таърифлардан мукамаллиги билан ажралиб турсада, бизнингча, ундан кўзланган мақсад тўлиқ ёритиб берилмаган. Хусусан, ҳуқуқий мониторингдан мақсад ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнини тўлақонли мақбуллаштириш эканлиги баён этилади. Бунда мақбуллаштириш деганда қандай жараён назарда тутилаётганлигига аниқлик киритилмайди.

Бошқа бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий мониторинг кузатувлар тизими эканлигини қайд этадилар. Уларга кўра, ҳуқуқий мониторинг деганда қуйидаги жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи маълумот кузатувлари тизимини тушуниш мақсадга мувофиқ: қонун ижодкорлиги фаолияти (ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни) натижалари, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида берилган ваколат асосида муайян ҳуқуқ ижодкори бўлган орган томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифати, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлиги.

Мазкур олимларнинг юқорида келтирилган таърифларидаги ҳуқуқий мониторинг фақатгина кузатув тизими эканлиги ҳақидаги қарашлари унинг табиатини тўлақонли очиб бера олмайди. Зеро, ҳуқуқий мониторинг комплекс усул ва бир қатор босқичлардан ташкил топган бўлиб, унга фақат кузатув тизими сифатида таъриф бериш ушбу ҳодисани фақат бир томонлама тушунишга олиб келади.

Махсус тадқиқотлар олиб борган олима Л.А.Иванова ҳуқуқий мониторинг тушунчасига ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий нормалар сифати ва уларни қўллашда кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш орқали ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда режалаштирилган мақсад ва натижаларга эришиш, шунингдек норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш усулларини прогнозлаш мақсадини кўзловчи комплекс тизимли фаолияти сифатида таърифлайди.

Баъзи муаллифлар тадқиқотларида ҳуқуқий мониторинг тушунчаси доираси кенгайтирилиб, унга назорат, прогноз-

лаш, ҳуқуқ амал қиладиган доиранинг мақсадга мувофиқ ҳолатини таъминловчи усуллар ва шакллари ишлаб чиқиш, қонунчиликда исталмаган жараёнлар ривожланишининг олдини олиш каби институт ва ҳодисалар ҳам киритилади.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда уни назорат, прогнозлаш ва бошқа ҳодисалар билан бирга тушунтиришга уриниш мазкур институтнинг ҳақиқий маъносини тўғри англашга имкон бермайди.

Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида махсус доктринал тадқиқотлар олиб борилган хорижий давлатлар манбаларида ушбу тушунчага ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги ҳамда сифатини баҳолаш тарзида таъриф берилди.

Россия Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган Услубий тавсияларда ҳуқуқий мониторинг тушунчасига концептуал нуқтаи-назардан келиб чиқилган ҳолда таъриф берилган. Унга кўра ҳуқуқий мониторингта давлат тараққиётининг стратегик мақсадларига амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мувофиқлиги таҳлили, ҳуқуқ ижодкорлигининг самарадорлиги, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг сифати, ҳуқуқни қўллашда уларнинг татбиқ этилиши (ҳуқуқни қўллаш амалиёти), ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмидаги камчиликларни бартараф этиш учун доимий, тизимли кузатиб боришни таъминловчи ахборот-баҳолаш аҳамиятига эга бўлган комплекс институтдир.

Ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида миллий ҳуқуқшунослар ўртасида ҳам турлича ёндашув мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, ҳуқуқий мониторинг борасида махсус тадқиқотлар олиб борган профессор Ш.Рўзиназаров ҳуқуқий мониторинг тушунчаси кенг маъноли эканлигини қайд этади.

Бунда профессор ҳуқуқий мониторинг ўз ичига бир қатор соҳаларни қамраб олишини таъкидлайди. Шу билан бирга, унинг соҳалари сифатида миллий-ҳуқуқий тизим, юридик фан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, қонун ҳужжатлари мониторинги, юридик таълим, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш мониторинги, ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳамда аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мониторинги кабиларни келтиради.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторингни турли соҳаларга ажратиш ушбу йўналишда изланиш олиб бораётган ҳар қандай тадқиқотчининг субъектив қараши ҳисобланиши ҳамда назарий ёки амалий жиҳатдан бирор-бир аҳамият касб этмаслигини инобатга олиш лозим.

Ҳуқуқий мониторинг бўйича махсус тадқиқот олиб бораётган яна бир изланувчи Р.Сайидовнинг фикрича, ҳуқуқий мониторинг – қонунчилик тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун доимий равишда режалаштирилган асосда олиб бориладиган фаолиятдир.

Албатта юқоридаги таърифда ҳам ҳуқуқий мониторинг тушунчасининг мазмун-моҳияти етарлича очиб берилмаган. Жумладан, ҳуқуқий мониторинг қандай субъектлар томонидан амалга оширилишига аниқлик киритилмаганлиги юқоридаги таърифда эътибор қаратилмаган жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Қолаверса, ҳуқуқий мониторингни фақатгина қонунчилик тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун амалга ошириладиган фаолият сифатида эътироф этиш мазкур институтнинг асосий мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш имконини бермайди.

Юқоридагилардан гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқий мониторинг тушунчаси борасида хорижий ва миллий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳалигача турлича таърифларнинг мавжудлиги унинг моҳиятини тўғри тушуниш имконини бермасдан бу борадаги баҳс-мунозараларни кучайишига хизмат қилади.

Шунга кўра, "ҳуқуқий мониторинг" тушунчаси борасидаги ёндошувларни таҳлил қилган ҳолда куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– хорижий ва миллий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида "ҳуқуқий мониторинг" тушунчаси борасида ягона қараш ҳамда ёндашув мавжуд эмаслиги ушбу атаманинг таърифи бўйича тадқиқотчилар ўртасида турли баҳс-мунозаралар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

– амалдаги қонунчиликда "ҳуқуқий мониторинг" тушунчаси борасида ҳам ўзаро номувофиқ ёндашувлар мавжудлиги сақланиб қолиши билан бирга унинг таърифи берилмаган бўлиб, бу ўз навбатида ушбу йўналишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бизнингча, ҳуқуқий мониторинг тушунчасига таъриф беришда ундан кўзланган асосий мақсадга аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сонли қарорида белгиланган ҳуқуқий мониторинг вазифаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилган қарорнинг 2-бандида ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунлар ва халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш назарда тутилган.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг барчасини ҳам соф ҳолда ҳуқуқий мониторингга тегишли деб бўлмайди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омилларни аниқлаш ва бартараф этиш биринчи навбатда ҳуқуқий таҳлил ҳамда коррупцияга қарши экспертизанинг вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Шунга қарамадан, юқорида қайд этилган ҳужжатларда санаб ўтилган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунлар ва халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятлар, бир-бирини такрорловчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари сифатида эътироф этиш мумкин.

Қайд этилган вазифаларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий мониторинг тушунчасига куйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

"Ҳуқуқий мониторинг – давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунлар ва халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятлар, бир-бирини такрорловчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўзаро уйғунлигини баҳолашга қаратилган фаолият" дир.

Файрат МАШКУРОВ,
Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тихомиров Ю.А. Организация и проведение правового мониторинга // Право и экономика. – 2006. – № 10. – С. 11–15.
2. Малько А.В., Соломатин А.Ю. Социально правовой мониторинг как инструмент продвижения российской правовой реформы // "Черные дыры" в российском законодательстве. – 2007. – № 6. – С. 463–464.
3. Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. – 2007. – № 5. – С. 25–38.
4. Ҳуқуқий мониторинг концепцияси, тушунчаси ва принциплари тўғрисида батафсил қаранг: Горохов Д. Б., Спектор Е. И., Глазкова М. Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007. №5. С. 30 – 34.
5. Рўзиназаров Ш.Н. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари. Масъул муҳаррир Раҳмонқулов Ҳ.Р. – Тошкент, 2007. – Б.153-154.
6. Наконечный Я.Е. Значение и роль мониторинга нормативных актов для систематизации российского законодательства // Государственная власть и местное самоуправление. – 2009. – № 9. – С. 14–17.
7. Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. – М.: ИД "Юриспруденция", 2009. – С.406.
8. Иванова Л. А. Определение эффективности нормативных актов в процессе правового мониторинга: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 8–9.
9. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2013&to=31.12.2013
10. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2014&to=31.12.2014
11. О. Иванова, И.Чалих. Правовой мониторинг в современной России: подходы к интерпретации и перспективные направления реализации. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова № 6, 2015. – С. 145. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-v-sovremennoy-rossii-podhody-k-interpretatsii-i-perspektivnye-napravleniya-realizatsii/viewer>
12. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2019&to=31.12.2019
13. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2020&to=31.12.2020
14. https://lex.uz/search/nat?lang=3&form_id=3972&body_id=819&nature=1&from=01.01.2021&to=31.12.2021
15. Р.Сайидов. Ҳуқуқий мониторинг институтининг назарий-ҳуқуқий асослари. "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги Республика 28-кўп тармоқли илмий-масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2021 йил. - Тошкент: "Tadqiqot", 2021. - 77 б. https://conferences.uz/plugins/themes/bootstrap3/pdf/conf_28_2021/1.Huquqiy_tadkiqotlar_yunalishi_1.qism.pdf

ХОРИЖИЙ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБИНИ БЕКОР ҚИЛУВЧИ КОНВЕНЦИЯ ВА УНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

XXI аср ахборот асри, техника асри, тараққиёт асри. Бугунги кунда дунё давлатлари ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан мазкур муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ расмиятчиликлар салмоғининг ошиши ва мураккаблашишига олиб келади.

Давлатларнинг ўзаро алоқаларида ҳужжатлар алмашишуви, бир давлат органи томонидан тасдиқланган ҳужжатнинг бошқа бир ёки бир неча давлатлар томонидан тан олиниши каби масалалар давлатлар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Дунё давлатлари ўзаро келишиб, бундай мураккабликларни енгиллаштириб, ўзаро қулайликлар яратиш мақсадида турли халқаро келишувларни амалга оширади ва бу борада турли халқаро ҳужжатлар қабул қилади. Бундай халқаро ҳужжатлардан бири сифатида 1961 йил 5 октябрда қабул қилинган ва ҳозирги кунда “Апостиль конвенцияси” номи билан машҳур бўлган “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция”ни келтириш мумкин. Конвенцияга аъзо бўлиш ва уни ратификация қилиш орқали давлатларнинг ўзлари ва унинг фуқаролари ҳам бир қатор қулайликларга эга бўлади.

Конвенциянинг муқаддима қисмида “конвенцияни имзоловчи давлатлар хорижий расмий ҳужжатларни дипломатик ёки консуллик легаллаштириш талабини бекор қилади” деб, белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конвенциянинг 1-моддасида “Конвенция аҳдлашувчи давлатлардан бирининг ҳудудида расмийлаштирилган (апостиль қўйилган) ва бошқа аҳдлашувчи давлат ҳудудида тақдим этилиши лозим бўлган расмий ҳужжатларга нисбатан қўлланилади” деган қоида мустақамланган. Демак, бир ҳужжатни Конвенцияга аъзо бир нечта давлатга юбориш лозим бўлганда, ушбу ҳужжат Конвенцияга аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида расмийлаштирилган (апостиль қўйилган) бўлса, ушбу ҳужжат Конвенцияга аъзо бошқа аҳдлашувчи давлатларга тақдим этиш учун қайта расмийлаштирилмайди. Балки, ўша бир марта расмийлаштирилган ҳужжат барча аҳдлашувчи давлатлар учун тақдим этилиши мумкин бўлади. Аҳдлашувчи давлатлар эса, Конвенцияда белгиланган қоида бўйича тўғридан-тўғри тан олишади.

Ушбу ўринда,

➡ *легаллаштириш нима?*

➡ *Расмий ҳужжатлар деганда қандай ҳужжатлар тушунилади?*

➡ *Қандай ҳужжатлар легаллаштирилмайди?*

➡ *Конвенция тадбиқ этилмайдиган ҳужжатлар қандай ҳужжатлар?*

➡ *Апостиль ва апостиль қўйиш нима –*

каби саволларга оидлик қиритиш лозим бўлади.

1961 йилги Гаага Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кў-

сатишнинг маъмурий регламенти”да айрим тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган.

Ҳужжатларни легаллаштириш – фақат ҳужжатни имзоловчи сифатидаги шахснинг имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ҳужжат тақдим этиладиган мамлакатнинг дипломатик ёки консуллик агентлари томонидан қўлланиладиган расмий тартиб ва агар керак бўлса, ушбу ҳужжат илова қилинган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлиги (Конвенциянинг 2-моддаси).

Расмий ҳужжатлар:

➡ давлат юрисдикциясига бўйсунувчи органлар ёки мансабдор шахслардан, шу жумладан прокуратура, суд қотиби ёки суд ижрочиларидан чиқувчи ҳужжатлар;

➡ маъмурий ҳужжатлар; нотариал актлар, рўйхатга олиш белгилари каби расмий белгилар, аниқ санани тасдиқловчи визалар, нотариус томонидан тасдиқланмаган ҳужжатдаги имзони тасдиқлашга оид ҳужжатлар (Конвенциянинг 1-моддаси).

Легаллаштирилмайдиган ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган ёки ўз мазмунига кўра давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ёки чет элда фойдаланишга мўлжалланган ҳужжатларни расмийлаштиришни тартибга солувчи йўриқномаларга риоя этмаган ҳолда нотўғри тўлдирилган ёки фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказувчи маълумотлар ифодаланган ҳужжатлар ва актлар. Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларнинг асли ва нусхалари легаллаштирилмайди: паспорт, партияга мансублик ҳақидаги ҳужжатлар, касаба уюшмаси билетлари, меҳнат дафтарчалари, ҳарбий билетлар, миллий намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг асли, ҳайдовчилик гувоҳномалари, тоифа ёки диний эътиқодга мансублик ҳақидаги ҳамда фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк ҳужжатлари.

Конвенция тадбиқ этилмайдиган ҳужжатлар – дипломатик ёки консуллик агентлари томонидан тузилган ҳужжатлар ва тўғридан-тўғри тижорат ёки божхона операциялари билан боғлиқ маъмурий ҳужжатлар (Конвенциянинг 1-моддаси).

Апостиль – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзоланган ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйилладиган махсус штамп.

Апостиль қўйиш – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзоланган ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган расмий тартиб-таомил.

Ўзбекистон “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция”га расман 102 ўринда аъзо бўлган давлат сифатида қўшилган ва Конвенция Ўзбекистонда 2012 йилнинг 12 апрелидан кучга кирган. Конвенциянинг 6-моддасига кўра, ҳар бир аҳдлашувчи давлат апостиль қўйиш ваколатига эга бўлган органларни ўз расмий вазифарларини ҳисобга олган ҳолда тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (ГААГА, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1566-сон қароридан ваколатли давлат органлари белгилаб берилган. Жумладан:

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари – тегишли ҳудуддаги адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди – судлардан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси – прокуратура, тергов ва суриштирув ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси – таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – бошқа барча расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш ваколатига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги “Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 732-сон қарорига асосан 2022 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган расмий ҳужжатларга электрон тарзда “Apostille” махсус штампини қўйиш бўйича давлат хизматини давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш тартиби жорий этилди. Бироқ, анъанавий усул ҳам сақланиб қолади. Ушбу қарорга 1-илова билан тасдиқланган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида анъанавий тарзда апостиль қўйиш тартиби ва электрон тарзда апостиль қўйиш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра, мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат этади. Шунингдек, мурожаатчи ўрнига ишончнома асосида ҳаракат қилаётган учинчи шахслар ҳам мурожаат этишлари мумкин.

Конвенциянинг 12-моддасида Конвенцияга қўшилаётган ва аҳдлашувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларда аҳдлашувчи давлатлар Конвенциянинг 15-моддаси “d” бандида назарда тутилган хабарномани (қўшилиш ва эътироз билдириш ҳақидаги ҳамда қўшилиш кучга кириш санаси ҳақидаги) олган кундан бошлаб олти ой давомида унга эътироз билдирмаса, Конвенцияга қўшилаётган давлатнинг

унга қўшилиши ҳақиқий ҳисобланади. Конвенция хабарнома ҳақидаги 6 ойлик муддат ўтгандан сўнг, олтиинчи кун конвенцияга қўшилаётган давлатлар ва қўшилишга эътироз билдирмаган давлатлар ўртасида кучга киради.

Агар аъзо бўлиш вақтида янги аъзо бўлаётган давлатнинг қўшилишига эътироз бўлганда, эътироз билдирган давлат ва янги аъзо бўлаётган давлатлар ўртасида конвенция кучга крмайди гарчи улар конвенциянинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишларига қарамасдан. Яъни, конвенцияга аъзо “А” давлат ҳудудида чиқарилган расмий ҳужжат янги аъзо бўлаётган давлатнинг қўшилишига эътироз билдирган конвенцияга аъзо “Б” давлат ҳудудида тан олинмайди. Худди шундай “Б” давлат ҳудудида чиқарилган расмий ҳужжат ҳам “А” давлат ҳудудида тан олинмайди. Масалан, Германия, Австрия, Греция ва Белгия ушбу ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда депозитарийга (ратификация ёрлиқларини сақловчи масъул) Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияга қўшилишига ўз эътирозларини билдиришган. Натижада ушбу 4 та давлат ва Ўзбекистон ўртасида конвенция кучга крмаган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкин-ки, бундай вазиятда айнан бир ҳужжат Ўзбекистон томонидан ушбу давлатларга юборилиши зарурати туғилса, ушбу ҳужжат ҳар бир тақдим этиладиган мамлакатнинг дипломатик ёки консуллик агентлари томонидан алоҳида легаллаштирилиши лозим бўлади. Ёки аксинча, айнан бир ҳужжат юқоридаги 4 та давлатлардан бири томонидан Ўзбекистонга ва бошқа аъзо давлатлардан бир нечасига юборилиши зарурати туғилса, айнан Ўзбекистон учун ушбу мамлакатнинг дипломатик ёки консуллик агентлари томонидан алоҳида легаллаштирилиши лозим бўлади. Бундан ташқари Конвенциянинг 13-моддасига кўра, уни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш вақтида ҳар қандай давлат ушбу Конвенция ўзи жавобгар бўлган халқаро муносабатлар бўйича барча ҳудудларга ёки уларнинг бир ёки бир нечасига тааллуқли эканлигини эълон қилиши мумкин.

Зафар АМИРОВ,

Судьялар олий мактаби ўқитувчиси,

Азизбек ДАВРОНОВ,

Тошкент давлат юридик университети магистранти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Гаага Конвенцияси. 1961 йил 5 октябрь. <https://lex.uz/docs/2683556>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1566-сон “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (ГААГА, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг “Консуллик легаллаштириш тўғрисида”ги йўриқномаси. 1997 йил 14 февраль. <https://lex.uz/docs/1081671>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сон “Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/5757463>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 732-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти. <https://lex.uz/docs/5757463>
6. <https://www.hcch.net/en/instruments/conventions/status-table/?cid=41>
7. Declaration/Reservation/Notification. <https://www.hcch.net/en/instruments/conventions/status-table/notifications/?csid=1113&disp=type>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАМОЙИЛЛАР

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тамойиллар таҳлил қилинган. Бундай тамойиллардан мақсад исботлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ишни кўришининг тўлиқлиги ва ҳолисона бўлиши билан бирга, одил судловни хавфсиз амалга оширишдир. Тенглик, тортишувчанлик ва айбсизлик презумпциясига доир тамойилларни такомиллаштириш таклифлари берилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик ҳамда мутахассис олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: шахсларни ҳимоя қилиш, халқаро меъёрлар, хавфсизлик, самарадорлик, исботлаш, тамойиллар, жиноят процесси.

Ўзбекистон ўз ҳудудида ва ташқарисида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларга риоя қилиш мажбуриятини олади. Ушбу конституциявий кўрсатма, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига инсоннинг муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш, унинг хавфсизлигини кафолатлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини юклайди.

Кўпгина конституциявий тамойиллар жиноят процессида ҳам ўз аксини топган ва жиноят процесси қонунчилиги шаклланишида ҳам ўз таъсирини кўрсатади (Конституциянинг 26, 112, 113, 116-моддалари). Жиноят процессида ўрнатилган тамойилларнинг аҳамияти шундаки, у барча меъёрлар учун асосий барқарор ҳуқуқий қоида саналиб барча жиноят процесси иштирокчиларига ҳамда унинг алоҳида институтларига норма ёки ҳулқ-атвор қоидасини белгилаб беради. Бу тамойиллар мазмунида ҳар қандай давлат ҳокимияти органлари фаолияти ягона мақсадга, яъни инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Жиноят процесси тамойиллари жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умуман олганда процессуал жараёнларнинг тузилиши ва йўналишини белгиловчи қоидаларидан бири ҳисобланади.

Эътироф этиш керакки, жиноят процессининг тамойиллари тизимига оид масалалар ўз долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ ва замонавий илмий адабиётларда олимларнинг диққат назаридадир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир бир қатор тамойиллар мавжуд. Буларга қуйидагилар киради: қонунийлик (ЖПК 11-модда); одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (12-модда); одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш (16-модда); шахснинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш (17-модда); фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (18-модда); судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши (19-модда); айбсизлик

презумпцияси (23-модда); гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш (24-модда); судда ишларни юритишда тортишув (25-модда); процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (27-модда).

Барча тамойиллар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар одил судлов мақсадларига эришиш учун тенг муҳим бўлган ҳуқуқий асосларнинг яхлит мажмуини яратадилар. Олимларнинг фикрича, бу тамойиллар нафақат ягона мақсад учун хизмат қилишда ёки одил судлов олдидаги вазифаларга эришишда, балки ҳар қандай тамойилларнинг умумий процессуал шакллари доираларида амал қилишда ҳам намоён бўлади. Уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат: биринчидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди; иккинчидан, жиноят-процессуал меъёрлари ва айрим жиноят процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади; учинчидан, жиноят процесси тамойилларини амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб бўлган жиноят-процессуал меъёрларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади.

Жиноят процессининг тамойиллари ҳақидаги таълимотлар миллий ҳуқуқ фанида олимларимиз томонидан етарли даражада ўрганилган, оммабоп ва кенг тадқиқ қилинган мавзу бўлишига қарамай айрим жиҳатлари мунозарали бўлиб қолмоқда.

Баъзи бир манбаларда тамойил “марказий тушунча, тизимнинг асоси, ҳодисаларни умумлаштириш ва тақсимлаш, асос, қоида, илмий ёки ахлоқий тамойил деб таърифланади. Бошқа бир манбаларда – баъзи бир назария, таълимот, дунёқарашнинг асосий, бошланғич позицияси сифатида ёки эътиқод, бирор нарсага қараш, бирор нарсанинг қурилмасидаги асосий хусусият сифатида келтирилади.

Ҳуқуқшунос-мутахассис Г.Тўлагановнинг фикрича, “*prinsip*” сўзи латинча “*principium*” сўзидан келиб чиқиб, унинг маъноси “асос”, “асосий омил” каби тушунчаларни англатади.

Россиялик ҳуқуқшунос П.А. Лупинскийнинг таъкидлашича, жиноят процесси тамойиллари жамиятда ҳукм сураётган сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий гоёларни

акс эттирувчи объектив ҳуқуқий категориялар сифатида белгиланади.

Ҳуқуқшунос-мутахассис Б.Н. Рашидов, тамойиллар фанда ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, категориялари сифатида, ҳуқуқий онгда алоҳида норма сифатида мавжуд бўлади ва ривожланади деган фикрни билдиради.

Жиноят процесси тамойиллари – бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодексида мустаҳкамланган, жиноят ишларини юриштининг энг муҳим хусусиятлари, характери ва мазмун-моҳиятини белгиловчи ҳамда жиноят ишларини кўзгагишти, тергов қилиш, судда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ жиноят-процессуал фаолиятида жиноят-процессуал муносабатлари соҳасига жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга ва жиноят процесси мақсадларига эришишга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқий қоидалардир.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигида мустаҳкамланган “Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши” тамойили миллий ва халқаро ҳуқуқда сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб, мазкур қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига уйғун киритилган (ЖПКнинг 19-моддаси 3-қисми). Айнан ушбу модда ва унинг тегишли қисмида кўрсатилган тамойил фуқаронинг суд муҳокамаси жараёнида хавфсиз иштирок этиши кафолатидир. Ушбу қисмда келтирилган хавфсизлик билан боғлиқ чораларга, Россия (ЖПК 11-модда) ва Қирғизистон (ЖПК 13-модда) миллий жиноят процессуал қонунчилигида ўзгача ёндашилганини кўришимиз мумкин. Унда белгиланишича, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тамойиллар “Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш” моддасида белгиланган. Бизнинг назаримизда, мазкур қоидалар, амалдаги қонунчилигимизнинг 18-моддаси (Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш)да ўз аксини топса, мантқан тўғри бўлади. Бундан ташқари, мазкур модда номланишига тегишлича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ. Яъни, нафақат фуқаролар муҳофазаси, балки, инсон муҳофазаси сўзини киритиш тўғри бўлади.

Ҳозирги вақтда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилиш институтини шакллантиришнинг назарий, концептуал асосларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Агар, ЖПКнинг 19-моддаси мазмунини таҳлил қилсак, унда аввало, вояга етмаганлар ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик ҳамда жиноят процесси иштирокчилари (оила аъзолари ёки яқин қариндошлари)нинг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш назарда тутилган.

Демак, ушбу тамойил жиноят процесси иштирокчиларига оид маълумотларни чеклаш билан боғлиқ,

Бу ҳолат нафақат исботлаш жараёнининг самарадорлигини оширади, балки ишни тўлиқ ва холисона кўриш билан бирга, одил судловни хавфсиз амалга оширишни ҳам таъминлайди. Шунингдек, шахсга доир маълумотларни чеклаш бевосита жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний манфаатларини, балки, айбдорни қонун билан белгиланган жавобгарликка тортишда давлат манфаатларини таъминлаш заруриятларидан биридир. Мазкур тасдиқ муҳим, чунки Конституция умумий талабни ўз ичига олади, чеклаш шаклларининг ўзи эса соҳавий нормалар, хусусан, Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан белгиланади.

Умунан олганда, жиноят процессуал қонунчилигида жиноят процессуал иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа бир қатор чоралар кўзда тутилганини кўришимиз мумкин: Мазалан, фуқароларга доир маълумотларни сир сақлаш (ЖПК 19-модда); жабрланувчи, гувоҳ оила аъзолари ва яқин қариндошларининг телефон ва бошқа суҳбатларини назорат қилиш ва ёзиб олиш чоралари (170-модда); шахсни тергов қилиш жараёнида таниб олувчига таниб олиш учун кўрсатиш (таниб олувчини идентификация қилиш имкониятини чеклаган ҳолда) чоралари кўрилган тарзда (127-модда); суд муҳокамасини иштирокчиларнинг оила аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, ёпиқ суд мажлисларида кўриш (19-модда); суд муҳокамаси давомида хавфсизлиги таъминланган шахсларни сўроқ қилишда, уларни бошқа иштирокчилар томонидан идентификация қилиш имкониятининг олдини олган ҳолда ўтказиш (442-модда).

Бундай хавфсизлик чоралари жиноят процессуал қонунчилигида анча кўп, уларни бундан кейинги мақолаларимизда батафсил таҳлил қиламиз.

Шавкат ХАҚНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. Т. 3. М., 1982. С. 431.
2. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. М.: Азбуковник, 1997. С. 595-596.
3. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Отв. ред. П. А. Лупинская. – М., 2004. – С. 174.
4. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иноғомжоновна З.Ф.нинг умумий таҳрири остида). –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 82-бет.
5. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. – 44 bet.
6. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti Kengashida ma'qullangan. 2020 yil 8 sentabrda 1-sonli bayonnoma. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. - Toshkent: Complex Print, 2020. – 33-34 betlar.
7. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 51 b.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2022. 13–модда.



Ойбек ҲАСАНОВ,
Фаргона вилоят
суди раисининг
ўринбосари

МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИШДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

Фуқаролик процессида маънавий зарарни ундиришнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 2-бандида, “...яқин қариндошини ўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини ўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Жараён иштирокчисининг ўз талаб ва эътирозларини исботлаши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 72- моддасида назарда тутилган.

Юридик адабиётларда фуқаролик процессида исботлаш тушунчаси бўйича икки хил нуқтаи назар илгари суриб келинади. Ш.Ш.Шорахметов ва А.А.Власовнинг фикрича, “...исботлаш деб, фуқаролик процесси субъектлари бўлган тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаглигини аниқлашга қаратилган фаолиятларига айтилади”. И.В. Решетникова ва З.Н.Эсановаларнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида исботлаш тушунчаси негизида суд ва бошқа субъектларнинг фаолияти ётади. Бу фаолият ўзида исботлаш предметини аниқлаш, ишга тегишли далилларни тўплаш, суд жараёнида далилларни ўрганиш ва баҳолаш каби ҳаракатларни ифодалайди.

Исботлаш – судга оид далиллар ёрдамида иш ҳолатларини аниқлаш бўйича фаолият ҳисобланиб, тарафларнинг ва манфаатдор шахсларнинг ишга доир далилларни тўплаш, судга тақдим этиш, уни текшириш ва баҳолаш жараёнларида иштирок этиши каби процессуал ҳаракатлари натижасида юзага келади.

Фуқаролик процессида исботлашнинг субъектлари сифатида фақат тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар эътироф этилади.

Суд давомида иш бўйича ҳақиқий ҳолатларнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиги исботланади. Судга оид далиллар фактик маълумотлар ҳисобланиб, суднинг ҳақиқий билимга асосланган фактлари асосида шаклланади.

ФПКнинг 84-90-моддасида берилган қоидаларга кўра, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган далилларнигина кўриш учун қабул қилади.

ДАЛИЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ёзма далиллар – иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлардан, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан, шу жумладан факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ҳужжатлар.

Ашёвий далиллар – ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар.

ФПКнинг 75-моддасида ишларни кўриб чиқаётганда иқтисодий ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар исботланишга муҳтож эмас ва иқтисодий ёки маъмурий суд томонидан ҳал этилган ишда иштирок этган шахслар томонидан низолашилиши мумкин эмас.

Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар этилган ёки этилмаган ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги ёки этилмаганлиги масалалари юзасидан мажбурийдир.

Қонуннинг мазкур талабидан кўринадики, судларнинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган ҳолатлар исботланишга муҳтож эмас.

Фуқаролик процессида маънавий зарарни аниқлашда даъвогарга етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Буларни аниқлашда эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг талаб ва эътирозларини исботлаши, уларни исботлашда

эса далиллардан фойдаланиши қонун билан тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Қонун ҳужжатлари ҳамда Олий суд Пленум қарорларида маънавий зарарни ундиришда аниқ меъёр белгиланмаган бўлиб, фақатгина маънавий зарар пул билан қопланиши ҳамда зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Оқилоналик ва адолатлилик меъёрини судлар ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, даъво предмети, даъво талаби ҳамда шахснинг маънавий азобланиш натижасига қараб белгилаши лозим.

Мисол учун шахсни ишга тиклаш ҳақидаги даъволарнинг кўриб чиқилишида миллий меҳнат қонунчилигида маънавий зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги ҳақидаги норма билан белгиланган. Бу эса оқилоналик талабларини тартибга солишда хизмат қилади.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 13-бандида, қарз шартномасидан келиб чиққан мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этади.

Бундан келиб чиқадики, қарз муносабатида тарафларда маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда қонунчиликдаги ҳамда меъёрий ҳужжатларда тартибга солинмаган ҳолатлар ҳам

мавжуд бўлиб, буни мисол тариқасида кўриб чиқсак. Даъвогар С.нинг турмуш ўртоғи А. жавобгар Н.нинг айбли ҳаракати туфайли автоҳалокатда вафот этди. Н.айбли ҳаракати учун жиноий жавобгарликка тортилди. Даъвогар С. жавобгар Н.дан маънавий зарар ундириш ҳақида судга мурожаат қилди ва суд унинг даъво талабини қаноатлантирди.

Шундан сўнг марҳум А.нинг ота-онаси улар ҳам жавобгардан маънавий зарар ундириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишди. Кейинчалик эса марҳумнинг ака-укалари судга даъво тақдим қилишди. Суд ўз навбатида барча даъволарни кўриб чиқиб, даъво талабларини қисман қаноатлантирди.

Ўз навбатида савол туғилади; маънавий зарар ундириш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликда аниқ мезон белгиланганми?

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланиши ҳамда маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланиши назарда тутилган.

Фуқаролик процессида айнан бир тараф, айни бир предмет ва айни бир асослар бўйича низонинг мазмунан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилишда меъёр мавжуд бўлиб, юқоридаги ҳолатда тарафлар бошқа-бошқа бўлганлиги сабабли суд мазкур ишларни кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этган.

Одил судловни амалга оширишда суднинг вақтини тежаш ҳамда тарафларнинг сансалорлигига йўл қўймаслик мақсадида айнан бир жавобгарга нисбатан бошқа-бошқа даъвогарлар томонидан даъво қўзғатилишининг олдини олиш мақсадида Олий суд Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорига мазкур тоифадаги ишларнинг кўрилишида жавобгарнинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида маънавий зарар кўриши мумкин бўлган шахслар аниқланиб, уларни ишга жалб қилган ҳолда мазкур масалани ҳал қилиш ҳақида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўчиларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларимга яқинлаштишни маънавий зарар этдил. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этмай, дебон шу покиза йўлини тутдил.

**СОҲИБҚИРОН
ҲИКМАТИ**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Решетникова И.В. Доказательственное право в гражданском судопроизводстве. –Екатеринбург. 1997. –С. 56-59. Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. Г.А.Жилин. –М., 2003. –134 с.
2. Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –86 с.
3. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. -Тошкент: ТДЮИ. 2005. -79 б.
4. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўриш. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. -Тошкент: ТДЮИ. 2006. –Б. 39-40.
5. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. -167 б.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИДА МЕДИАЦИЯ ВА ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ЎРНИ

Интеллектуал мулк бўйича низолар одатда интеллектуал мулк ҳуқуқларига эгалик, ҳақиқийлик, ҳимоя қилиш, кўлами, бузилиши ёки ноқонуний ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Жараённинг бошқа муҳим жиҳатлари зарарни қоплаш, роялти, рақобатни ҳимоя қилиш ёки молиявий низолар кўринишида бўлиши мумкин. Юзага келган муаммоли вазиятларда аксарият ҳолларда томонлар турли сабабларга кўра, давлат судларига эмас, балки ҳакамлик судига мурожаат қилишни афзал кўришади.

Биринчидан, ҳакамлик муҳокамаси доирасида тарафлар низо учун бетараф жойни, шунингдек процессуал қоидаларни, яъни иш юритиш тилини эркин танлаши мумкин.

Иккинчидан, қарор якуний ва мажбурий бўлганлиги сабабли, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва “Халқаро ҳакамлик қарорлари ижросини таъминлаш ва уларни тан олиш бўйича конвенцияси”га (“Нью-Йорк конвенцияси”) мувофиқ ижро этилиши мумкин.

Учинчидан, арбитраж жараёнининг мустақиллиги тарафлар ва ҳакамларга ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, батафсил, қатъий ва кўп вақт талаб қиладиган миллий процессуал қоидаларга мурожаат қилмасдан, ҳакамлик муҳокамаси тартибини танлаш эркинлигини беради.

Тўртинчидан, томонлар махсус билим ва тегишли иш тажрибасига эга бўлган ҳакамларни ўзлари танлашлари мумкин. Яна бир афзаллик – бу ҳакамлик муҳокамаси ва қарорнинг махфийлигини сақлаш имконияти, бу айниқса кириш ҳуқуқи чекланган интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда долзарбдир.

Ҳар қандай ҳолатда, интеллектуал мулк шартнома-си тарафлари низони ҳал этиш бандини белгилашда ёки низони ҳакамлик судига топшириш тўғрисида қарор қабул қилишда эътиборга олишлари керак бўлган учта муҳим омил мавжуд:

— *эҳтиёт чоралари ёки ҳимоя чораларининг мавжудлиги;*

— *ҳакамлик муҳокамасининг махфийлиги;*

— *тезлаштирилган арбитраж тартиб-қоидаларини қўллаш имконияти.*

Трансчегаравий низоларини (шу жумладан, интеллектуал мулк низоларини) ҳал қилишнинг глобал тизими аллақачон мавжуд. Биринчидан, Нью-Йорк конвенцияси 157 та давлатда арбитраж қарорларининг ижро этилишини таъминлайди. Шунингдек, Халқаро адвокатлар ассоциацияси каби нуфузли халқаро профессионал ташкилотларнинг кўрсатмалари ҳамда илғор тажрибаларининг нашр этиб борилиши амалиёти йўлга қўйилди. Бундай ҳужжатлар мажбурий қоидаларни ўз ичига олмасда, лекин улар ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ далилларни қабул қилиш ёки ҳакамларнинг тўғри ҳатти-ҳаракати бўйича фойдали кўрсатмаларни ўз ичига олиши билан томонларга кўмак беради.

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади. Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан

келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси).

Бундан ташқари, мазкур турдаги низоларни ҳал этишда медиациянинг ҳам катта аҳамияти бор. 2020 йил 1 январдан бошлаб Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг низоларни муқобил ҳал этиш қоидалари, БМТнинг Медиация бўйича яқинда тузилган халқаро келишув битимлари (Медиация тўғрисида Сингапур конвенцияси) тарафлар томонидан ишлаб чиқаришни оsonлаштиришга қаратилган.

Низоларни ҳал этиш жараёнида медиация махфий жараён сифатида белгиланиши мумкин, бунда воситачи, яъни, мустақил учинчи шахс ҳеч қандай қарор қабул қилмасдан, томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қилишга ҳисса қўшади. Медиаторлар мажбурий ҳукм чиқара олмайди, лекин улар томонларга ўзаро келишув асосида мажбурий бўлган ечим топишда ёрдам беради.

Медиация – фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яқка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга нисбатан татбиқ этилади. Медиация — учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди (“Медиация тўғрисида”ги қонун 3-моддаси).

Медиациянинг мақсади низони тинч йўл билан ҳал этиш бўлганлиги сабабли, томонлар ўртасида музокара-лар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш имкони бўлмаган ҳолларда (масалан, қалбакилаштириш ёки қароқчилик билан боғлиқ ишларда) медиация тартиби одатда қўлланилмайди.

Баъзи ҳолларда низонинг ўзи ёки томонлар ўртасидаги муносабатларнинг махфийлигини таъминлаш, шунингдек низоларни сир сақлаш зарур бўлганда, интеллектуал мулк низолари бўйича медиация – воситачилик айни муддао бўлиши мумкин. Медиация жараёнида тарафлар аксарият ҳолларда тан олиш ва ижро этиш тартиб-таомилларини бошламасдан, қабул қилинган қарорни ихтиёрий равишда ижро этадилар, чунки бундай қарор тарафларнинг ўзлари томонидан келишилган бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Медиациянинг бу жиҳати бир нечта юрисдикцияларни қамраб олиши мумкин бўлган халқаро интеллектуал мулк низоларида муҳим афзаллик ҳисобланади.

Медиация низоларни ҳал қилиш варианты сифатида нафақат суд муҳокамаси нуқтаи назаридан (амалдаги қоидалар томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин), балки ҳакамлик муҳокамаси бошланишидан олдин ва томонлар келишиб оладиган просессуал қадам сифатида янги қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Бундай имкониятларнинг мавжудлигини ойдинлаштириш учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қайта кўриб чиқилган арбитраж қоидаларининг 60 а ва 67 а-моддалари ҳисоб-китоб имтиёзларига қўшимча равишда медиация тўғрисида аниқ маълумот беради. Шунингдек, БИМТнинг 33% тезлаштирилган арбитражлари суд қарор чиқаргунга қадар низони ҳал қилишга олиб келади.

БИМТ қоидалари барча тижорат низоларига тегишли. Шу билан бирга, улар махфийлик тўғрисидаги қоидаларни ва интеллектуал мулк низолари томонларини алоҳида қизиқтирган техник ва экспериментал далилларни ўз ичига олади.

Гарчи низо ҳакамлик муҳокамасига юборилгандан кейин ҳеч бир томон суд муҳокамасига бир томонлама мурожаат қилмаса ҳам арбитраж воситачилик билан бирлаштирилиши мумкин. Бу жараён ихтиёрий тартибда бетараф яраштирувчи, воситачи томонларга низони музокаралаи ҳал этишга ёрдам беради. Кўпайиб бораётган ҳолатларда томонлар биринчи навбатда низоларни воситачилик йўли билан ҳал қилишга келишиб олишади ва низо белгиланган вақт давомида ҳал этилмаган тақдирдагина арбитражга мурожаат қилишади. Бундай қоидалар, агар воситачилик ҳал қилинмаса, воситачиликнинг мослашувчанлигини арбитражнинг мажбурий кучи билан бирлаштиради. Гарчи ҳакамлик ва воситачилик иккала томоннинг келишувига асосланган низоларни ҳал қилишнинг хусусий тартиблари бўлса ҳам, улар бир қатор муҳим жиҳатларда фарқ қилади.

Ҳакамлик суди оддий суд жараёнига ўхшайди. Низони арбитражга тақдим этган томонлар ундан бир томонлама чиқа олмайди ва ҳакамлик судининг ҳар қандай қарори иккала томон учун мажбурий бўлади. Медиация, аксинча, ихтиёрий жараён бўлиб, бу иккала томоннинг доимий ҳамкорлигига боғлиқ. Чунки ҳар икки томон исталган вақтда иштирок этишдан воз кечиши мумкин. Айтиш мумкинки, ҳакамлик муҳокамасида томонлар хусусий қарор қабул қилувчи шахснинг хизматларидан фойдаланадилар, воситачилик орқали эса ҳал қилиш учун воситачидан фойдаланадилар.

БИМТ ҳакамлик муҳокамаси Хитой, Франция, Германия, Венгрия, Италия, Нидерландия, Панама, Испания, Швейцария, Бирлашган Қироллик ва Америка Қўшма Штатлари юрисдикцияларида қўлланилади. Ушбу суд жараёни интеллектуал мулкнинг кенг доираси ва тижорат билан боғлиқ бўлган шартномавий ва шартномавий бўлмаган низоларни (масалан, ҳуқуқларнинг бузилиши) қамраб олади. Баҳсдаги суммалар 200 000 дан 90 миллион еврогача бўлиши мумкин. БИМТ қоидалари интеллектуал мулк билан боғлиқ турли хил шартномаларда, шу жумладан патентларда, "ноу-хау" ва дастурий таъминот лицензияларида, франчайзаларда, қўшма корхоналарда, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқиш шартномаларида,

меҳнат шартномаларида мавжуд. Ҳисобга олиш технологиялари, бирлашиш ва интеллектуал мулкнинг муҳим жиҳатлари билан боғлиқ сотиб олишлар, спорт маркетинг шартномалари, нашриёт, мусиқа ва кино шартномалари ҳам шулар жумласидандир. БИМТ тўғрисидаги қоидалар кўпинча турли юрисдикциялардаги томонлар ўртасидаги шартномаларда учрайди.

Интеллектуал мулк соҳасига оид ҳуқуқларни ҳимоя қилиш даражаси дунёда кундан-кунга юксалмоқда. Шу нуқтаи назардан медиация хусусий ва конфиденциал жараён сифатида интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда, айниқса, марказда турли юрисдикциядаги низолашаётган тарафлар иштирок этганда сезиларли самара бермоқда.

Юқорида келтирилган муносабатлар ҳамда маълумотларга асосан резидент ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахслар республикада ҳамда хорижда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларида қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- интеллектуал мулк соҳасида медиация фаолияти равнақи ва кенг қамровлигини ошириш учун тарғибот ишларини кучайтириш;

- республикада фаолият юритаётган арбитраж, медиаторлар ва Марказда фаолият юритаётган мутахассислар иштирокида вебинарлар ташкил қилиш ва бу орқали амалий кўникмаларни бойитиш.

Интеллектуал мулк соҳасида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари Узбекистонга жорий қилишнинг бир қанча ижобий томонларини санаб ўтиш мумкин. Соҳага низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари жорий қилинишининг қуйидаги асослари мавжуд:

- низони ҳал қилишда турли давлатларнинг ҳар хил қонунлари бўйича бир нечта суд жараёнлари ташкиллаштирилиши ва чиқарилган ҳал қилув қарорларида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлмай "ягона юрисдикция" тизимидан фойдаланиш;

- соҳада етарлича малакага эга бўлган арбитраж, медиатор ва экспертлар хизматидан фойдаланиш;

- низоларни ечишдаги жараёнларни (процедураларни) келишувга кўра хоҳлаганча қисқартириш.

Юқоридагиларга кўра соҳадаги низоларни ҳал қилишда муқобил усуллардан фойдаланилиши республикадаги юридик ва жисмоний шахсларга вақтни тежаш, низоли ҳолатларнинг махфийлигини сақлаш, низони ҳал қилишда малакали мухтаassis хизматидан фойдаланиш, келиб чиққан низо ечимида ўзларига мақбул давлат қонунчилигини қўллаш каби имкониятларни беради.

Интеллектуал мулк ҳимояси соҳасига низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари жорий қилиш учун арбитраж ва медиация фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларни БИМТнинг Маркази билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш лозим.

Умид САЙДАХМЕДОВ,

*Тошкент вилоят судининг
иқтисодий ишлар бўйича судьяси.
ю.ф.ф.д. (PhD), доцент.*

МЕДИАЦИЯ ЗАРУР(МИ)?

Тараққиёт ўзининг энг юқори чўққисига интилгани сари ҳуқуқшунослик ҳам замонга ҳамнафас равишда такомиллашиб бормоқда.

Бугунги замонавий дунёда ҳуқуқшуносликнинг нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилмоқдаки, бу инсон ҳуқуқини энг олий қадрият сифатида баҳолашга, инсон қадрини улуғлашга хизмат қиляпти.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақт ва маблағини тежаш, турли қоғозбозликнинг олдини олиш, низоларни тарафларнинг ярашувига асосан тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган турли усуллар, хусусан медиация институти ва ҳакамлик судлари томонидан низоларни судгача ҳал қилиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низоли ҳал этишнинг муқобил усуллари бор-йўқлигини аниқлаши, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши лозим. Ҳуқуқий жамиятда низоли ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахслар бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси эканлиги аёнлашди ва мазкур кодексларга медиация атамалари киритилди.

Медиация институти бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистонда ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Хўш, аслида медиация ўзи нима?

Медиация — бу келиб чиққан низоли тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий

розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули, медиатор эса — медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс ҳисобланади.

Мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган.

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низоли суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжати қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳат-хонага) киргунига қадар қўлланилиши мумкин. Медиация низоли ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин. Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Медиация институтини қўллашнинг кафолати сифатида қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади. Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда, тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли.

Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу битимнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, низолашаётган тарафларнинг медиатив келишув тузишга эришишлари уларнинг келгусидаги манфаатли ҳамкорлигининг давом этиши, мавжуд келишмовчиликларни низосиз ҳал қилишда ҳамда турли сарсонгарчиликларнинг олдини олиш ва ишни судда кўриш билан боғлиқ давлат божидан озод бўлишда муҳим ва зарур воситадир.

*Вақалокларни йиғилт-
маншиз, болаларга озор
берманшиз – бу ҷиноҳи
азим эрур. Бундай ҷиноҳ-
ни Оллоҳ ҳуш кўрмайди...*

* * *

*Ҳар килдан кенгаш ол-
дил, ҳар килдан фикр
ўргандил: қайсеи бири
ройдалироқ бўлса,
уни кўниси хазинасида
сақлаб, итлата билдил.*

**СОҲИБҚИРОН
ХИКМАТЛАРИ**

Шерзод ҒОҒУРОВ,

Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси.

СОҲИБҚИРОН ҲИКМАТИ

Самарқанд тахтини эгаллаб, азим Мовароуннаҳр бизнинг ҳукмимизга киргач, юртда адолат ўрнатмоққа аҳд этдик. Аркону давлат атрофинда кўп нобакор мардумлар ин қўймоқчи эрди. Инчунин, уларнинг замзамасидан хуноб бўлиб, бир тадбир буюрдим: “Мусаввир келган арзиғўйнинг суратин чизиб, менга киритсин. Арзиғўйнинг қиёфатига боқиб, қабулимни айтармен...”

Мусаввирлар саройга келганларнинг сувратин чизиб, менга киритишар, арзиғўйнинг пешона, бурун, даҳан, кўз ва бошқа сифатларига қараб, унинг мақсад ва феълени олдиндан билиб турардим. Бадфеъл ва хиёнаткорларни қабулимга йўлатмаслик ҳаракатида бўлдим. Бунда пирим — шайх Шамсиддиндан “Илми қиёфа” — қиёфага қараб баҳо бериш ва олдиндан тақдирни башорат этиш илмини мукаммал эгаллаганлигим гоаят қўл келди.

Иттифоқ, бир арзиғўйнинг сувратин келтиришди. Сувратга тикилиб, анинг гийбат ва бўҳтонга ружу қўйганин англадим. Қабул буюрмадим. Аммо ул киши мулозимларга зўрлик билан ҳузуримга гавго солиб кирди.

— Соҳибқирон,— дерди у киши,— сиз ҳақсиз. Кейинги умримда мен-да кўп қатори гийбат ва бўҳтонга ружу қўйдим. Аммо илгари чин кўнгил киши эрдим. Найлайки, замон зайли мени шу кўйга солди... Ортиқ чидашим мушкул... Арзим ҳам замона зайлидандур. Файз берувчи суҳбатингдан маҳрум этма!..

Шундан сўнг қабулга изн бердим. Мулозимлар бу кишини хос хонага бошлашди...



ОҚЛОВ ҲУКМИ ЁХУД БИР “ЖИНОЯТ” ИШИ ТАФСИЛОТИ

Фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган ҳушёрлик ила тарбия топган Н. олий таълимда ўқишини яхши баҳолар билан тугатди. У вояга етгунга қадар Н.нинг ота-онаси фарзандини келажакда ёмонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида қизига одобу тарбия воситасида яхши хулқларни ўргатишга, турли иллатлардан қайтаришга, тўкин-сочинликка одатлантирмасликка, зийнатга муҳаббат уйғотмасликка қаттиқ эътибор қаратди. Ва бу йўлда аввало уларнинг ўзи ушбу хунук хулқлардан йироқ бўлди.

Н. ўқишни тугатиб келиши билан ўз туманидаги Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлай бошлади ва “Аёллар дафтари”ни юритишга киришди. Фаолияти давомида 30 ёшдан ошган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, ижтимоий ёрдамга муҳтож I- ва II- гуруҳ ногиронлиги бўлган аёлларга давлат томонидан ёрдам ажратилишида хизмат қилди.

Хусусан, “Я.Х.” МФЙда яшовчи Г. Х.га 1 900 000 сўм, “П.” МФЙда яшовчи С. Ж.га 9 250 000 сўм, “Х.” МФЙда яшовчи Э. З.га 23 370 000 сўм моддий ёрдам ажратилган бўлса “Ў. М.” МФЙда яшовчи Д. Т.га 1 920 000 сўмлик тикув машина олиб берилди. Хуллас, Н. умумий фаолияти давомида юқоридаги каби жами 70 нафар хотин-қизларга 379 775 000 сўмлик маблағ ажратилишига сабабчи бўлди.

Ёрдам берилган оилалар, боқувчисини йўқотган оналар, ногирон қизлар уларнинг барчаси маҳалладан, унинг ходимларидан ва давлатимиздан мамнун эди.

Лекин, шу пайт Н. фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳамда давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ва жиддий зиён етказганликда айбланди. Яъни, у ёрдам берилишида қатнашган аёллар ва ногиронлар аслида ёрдамга муҳтож инсонлар бўлмаган, Н. эса бу инсонлар билан келишган ҳолда пулларни ўз чўнтагига урган экан. Вазият жиддий тус олди, унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилди. Узоқ муддатга қамалиши аниқ бўлиб қолди...

Мазкур воқеадан унинг атрофидаги барча одамлар ҳайратдан ёқа ушлади, кимдир Н.га ачинса, яна биров уни ўта муғомбир қиз эканда, деб қўйди. “Кўнгилчанг”, “одобли”, “ақлли” ниқоби остида кўпчиликни шилиб юрганини қаранг бу муғомбирни” дея гапирувчилар ҳам кўп бўлди.

Муддати етиб суд жараёни ҳам бошланди. Н.ни таниган, билган инсон борки, судда у ҳақида яхши кўрсатувлар берди. Барча ўрганишлар, жараёнлар тугагандан сўнг маълум бўлдики, у ёрдам берган маҳаллада яшовчи аёлларнинг

аксарият қисми ҳақиқатдан ҳам ишсиз, кам таъминланган амалий ёрдамга муҳтож камбағал, ногирон, турмушидан ажрашган, боқувчисини йўқотган уйсиз аёллар бўлган экан. Мазкур тоифадаги аёлларнинг рўйхати эса қишлоқ МФЙ раислари ва маҳалла оқсоқоллари, хотин қизлар бўйича маслаҳатчилар томонидан белгиланган тартибда шакллантирилиб туман ҳокимлигига берилган экан. Шунингдек, базага рўйхатлар исталган раҳбарлар, яъни МФЙда ишловчи котиб ёки маслаҳатчи ёхуд туман ҳокимлигида ишлайдиган мутахассислар томонидан киритилган, шакллантирилган рўйхатлар туман ҳокимлигида қайтадан кўрилиб ундаги аксарият аёллар чиқариб ташланган, фақатгина ёрдамга муҳтож бўлган аёллар рўйхати қолган экан. Шундан сўнг уларга белгиланган тартибда ёрдам пуллари ва бошқа амалий ёрдамлар ҳокимият ёки ҳомийлар томонидан берилган бўлиб Н.нинг аёлларни “Аёллар дафтари”га киритилиши ёки чиқариб ташланиши ҳолатига ҳеч қандай алоқаси ва айби йўқлиги исботланди.

Унга юқоридаги айбловнинг қўйилишига сабаб тергов жараёнида юқорида баён қилинган ҳолатларга етарлича эътибор қаратилмаган экан. Суд эса ушбу ишни синчковлик билан ўрганиб, далилларни, гувоҳларнинг кўрсатувларини чуқур таҳлил қилиб Н.ни жиноий ҳодиса юз бермаганлиги муносабати билан ЖК 207-моддасининг 1-қисми ва ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан айбсиз деб топди ва реабилитация этди. Унга қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, содиқ киши садоқатни қўлдан бермайди, сотқин хоинлик қилади, қаҳрамон охиригача курашади. Ҳар бир кишида куч ва заифлик, мардлик ва қўрқоқлик, қатъийлик ва иккиланиш, поклик ва ноинсофлик бор... Ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиш керак. Одил суд эса поклик билан ишлаб келаётган фуқаросини оқлаш орқали адолат тарозисини тенг тутиш билан бирга унинг қалбида ватанига, суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ҳурмат ва ишончининг янада ошишига хизмат қилди.

Шахобиддин ҲАСАНОВ,

жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси.

РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ТИКЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Жиноятни фош қилиш жараёнида шахсни реабилитация қилиш – жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахснинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр қимматининг тикланишидир. Жиноят-процессуал қонунда реабилитация қилинувчи шахсларнинг доираси анча кенг қилиб белгиланган.

Жиноят процессуал кодексининг 83-моддасида реабилитация қилиш учун асослар санаб ўтилган.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ЖПК-нинг 83-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлганда реабилитация қилиниши керак.

Гумон қилинувчи – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Жиноят процессуал қонунчилигида реабилитация қилинган шахс сифатида гумон қилинувчининг ҳуқуқлари қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бир қаторда, реабилитация қилиниши мумкин бўлган шахслар гуруҳига айбланувчини ҳам киритишимиз мумкин.

Айбланувчи – ЖПК қоидаларига кўра айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам ЖПКнинг 46-моддасида батафсил белгиланган. Шунингдек, судланувчи ҳам реабилитация қилинадиган шахслар гуруҳига мансуб. Ушбу гуруҳлардан ташқари реабилитация қилинадиган шахслар гуруҳини яна кенгайтириш мумкин. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига кўра, Миллий гвардия ходими содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги сабабли ишдан бўшатилади. Агар Миллий гвардия ходими га суд томонидан тайинланган жазо бекор қилиниб, у шахс реабилитация қилинадиган бўлса, унинг иш жойи тикланиши лозим. Ушбу тартиб-қоидага кўра, ходим юқори турувчи мансабдор шахсларга ёки судга мурожаат қилиш орқали ўзининг хизматдан бўшатилиши устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Миллий гвардия тизимида ишга қайта тиклаш суднинг қонуний кучга кирган қарори ёхуд Миллий гвардия кўмондонининг қарори асосида амалга оширилади.

Реабилитация қилинадиган шахсларни таснифлайдиган бўлсак, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом қоидаларига мувофиқ, ходимни ишдан бўшатишга содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги асос бўлади. Агар шахс реабилитация қилинадиган бўлса, ички ишлар органлари хизматидан бўшатиладиган шахсларни хизматга тиклаш суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг қарори асосида амалга оширилади. Қолган барча асосларга кўра ички ишлар органлари хизматидан бўшатиладиган шахсларни хизматга тиклаш

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг қарори билан амалга оширилади. Хизматдан бўшатиладиган шахс бўшатиладиганидан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кундан бир ой муддат ўтгандан кейин ички ишлар органига мурожаат этса, мурожаат қилиш муддатидан кейинги давр навбатдаги махсус унвон бериш, фоизли кўшимча ҳақ тўлаш ва пенсия тайинлаш учун хизмат йилларини ҳисоблашда узлуксиз хизмат стажига кўшиб ҳисобланмайди.

Реабилитация қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар билан бир қаторда бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар тоифаси ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида реабилитация қилиниш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин, бундай шахслар доирасини Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида қайд этилган ҳолатлар асосида тугатилган жиноят ишларига алоқадор шахслардан билиб олиш мумкин.

Шахсни реабилитация этиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.

Шахсни реабилитация этиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатларига тўхталадиган бўлсак, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи куйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Шунингдек, шахсни реабилитация қилишда баъзи қоидалар мавжудки, улардан бири “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорининг 3-хатбошисида белгиланган. Унга кўра, марҳумни реабилитация қилиш учун асослар бўлган тақдирда, апелляция инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаради, бошқа ҳолларда эса, ҳукми бекор қилиб, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишнинг ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ тугатади. Фуқаронинг йўқотган ҳуқуқ ва имтиёзлари, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ қонуний чекловларни бартараф этиш ва етказилган зарарни қоплашда намоён бўлади.

Шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра айбсиз деб топилиб, жиноий жавобгарликдан батамом озод қилинган ҳолларда у тўла реабилитация этилган ҳисобланади.

Қисман реабилитация этиш эса айбланувчига ёки маҳкумга етказилган мулкий зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг асоссиз

қисми бартараф қилинишига сабаб бўлади. Жиноят процессуал кодекси 302-моддасига кўра, реабилитация қилинган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага ноқонуний тарзда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкый зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ЖПКнинг 312-моддасига кўра, мулкый зиённи қоплаш учун пул товони тўлашни реабилитация қилинган шахс ёки ушбу Кодекс 304-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин. Реабилитация қилинган шахс бошқа ҳуқуқларини тиклашни ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра бу муддат ўтказиб юборилган ҳолларда у манфатдор шахснинг аризасига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан тикланиши лозим.

Реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича халқаро амалиёт. Шу ўринда реабилитация қилиш билан боғлиқ халқаро амалиётга назар ташлайдиган бўлсак Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги “Халқаро пакт”нинг 2, 9, 14-бандлари, 1950 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 5-моддаси ва 7-сонли баённомасининг 3-банди ноқонуний ҳибсга олинган, қамоқ жазоси қурбони бўлган, жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган ёки судланган ҳар бир кишининг ҳуқуқини белгилайди. Бундан ташқари, Халқаро жинойт суднинг Рим статuti “жабрланганларга товон тўлаш ёки уларга нисбатан реституция, товон тўлаш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ тамойиллар”ни ўрнатишни талаб қилади ҳамда “жабрланганларнинг хавфсизлиги, жисмоний ва руҳий фаровонлиги, қадр-қиммати ва шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш” ва жабрланувчиларнинг барча “босқичларда иштирок этишига рухсат бериш” вазифасини юклайди. Ушбу конвенцияларнинг барчаси иштирокчи давлатлар ва тарафлар учун Реабилитация тиббий ва психологик ёрдамни, шунингдек, юридик ва ижтимоий хизматларни ўз ичига олиши кераклиги ҳақидаги халқаро қонунлар билан белгилайди.

Реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича АҚШ тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик штатлар, жумладан, Калифорния, Луизиана штатларида ишчилар реабилитация қилинганидан сўнг, уларнинг ишга тикланиш ва етказилган зарар учун ҳақ олиш ҳуқуқи аксарият ҳолатларда етарлича таъминланмаганлиги бўйича вазиятлар мавжуд. Шу ўринда АҚШнинг барча штатларида компенсация қонунлари борми?, – деган

савол туғилади. Федерал ҳукумат, Колумбия округи ва 38 штатда компенсация тўлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, 12 штатда компенсация қонунлари мавжуд эмас. Бундай ҳолат АҚШнинг амалдаги қонунчилигидаги бир қатор бўшлиқларни намоян қилади. Биринчидан, пул компенсацияси ва ижтимоий хизматларнинг етарли эмаслиги реабилитация қилинадиган шахсларнинг ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаганлигини билдиради. Баъзи штатлар ноҳақ қамалган маҳкумларга компенсацияни фақат “хусусий компенсация тўловлари” орқали тўлашни танлашади.

Реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича суд амалиёти. Мамлакатимизда реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича суд амалиёти шуни кўрсатадики, оқланган шахсларнинг ишга тикланиши масаласини кўриб чиқиш қайси судга тааллуқлилиги бўйича амалиётда бир неча йил олдин тушунмовчиликлар бўлган, лекин ҳозирда унга барҳам берилган. Шунингдек, реабилитация қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланганини жиноят ишлари бўйича суд ўзининг оқлов ҳукмида эътироф этади. Шундан сўнг, ушбу оқлов ҳукми асосида фуқаро иш берувчисига бориб, ўзини аввалги ишига тиклаш, ишсиз юрган вақтини иш стажига қўшиш ва ойлик иш ҳақларини ундиришни сўраб ариза ёзиши мумкин. Ариза иш берувчи томонидан қаноатлантирилмаса, ЖПК 311-моддасига асосан даъво иш юритиш тартибиде кўрилади, дея аниқ қоида белгиланган. Лекин, шахсларни реабилитация қилишда суд амалиётидаги баъзи камчиликларни таъкидлаш лозим. Шу нуқтада биз реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш масаласини судда кўриб чиқишда судлар томонидан ёндашувларнинг турли хиллигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айниқса, ҳарбий хизматчилар ва орган хизматчиларини ишга тиклашда суд бу борадаги амалдаги қонунларга, қонун ҳужжатлари, Олий суднинг 9-10-11-сонли “2019 ва 2020 йилнинг 9 ойи давомидаги реабилитация қилинган шахсларни қайта ишга тиклаш, уларнинг иш ҳақини белгилаш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судларда маънавий зарарни қоплаш бўйича ишларни умумлаштириш натижаларига оид” хатида шахсларни реабилитация қилиш бўйича турли хил амалиётлар шаклланганлиги кўрсатилган. Хусусан, собиқ ҳарбий хизматчиларнинг меҳнат муносабатларидан, ички ишлар органлари, божхона қўмитаси ходимлари ва бошқа давлат органлари ходимларини ишга тиклаш бўйича келиб чиқадиган низолар қайси судга тегишли эканлиги тўғрисида низоли вазиятлар аксарият ҳолатларда судга нисбатан ишончсизликни сусайтирмақда.

Реабилитация этилган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича муаммолар ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Реабилитация этилган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича муаммолари хусусида фикр юритадиган бўлсак, **биринчидан**, шуни таъкидлаш керакки 2022 йилда “Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкый зиённи

қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низом" қоидаларида баъзи бир камчиликлар мавжуд. Хусусан, Низомнинг 31-бандига мувофиқ мулкӣ зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Лекин, ушбу ўринда савол пайдо бўлади: бузилган ҳуқуқларни тиклаш аслида судлар ваколатига кириши ҳамда реабилитация қилиниб жазо тайинланмаган шахсларнинг ишга тиклаш бўйича ҳуқуқлари ҳамда уларга тўланадиган маънавий зарар миқдори судлар томонидан амалга оширилиши керак эмасми? Аслида ҳам айбланувчи, судланувчи ҳамда гунонланувчи сифатида ишга жалб қилиниши натижасида ишлаб турган иш жойидан маҳрум бўлган шахсларнинг иш жойига тикланиши ҳамда уларга тўланадиган компенсация миқдорини аниқлашда судларнинг роли оширилиши лозим ҳамда ушбу ваколат тўлалигича судларга таалуқли бўлиши керак.

Иккинчидан, "Давлат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ушбу идораларнинг ходимлари эски иш жойига қайта тиклаш учун судга муружат қилишга ҳақли. Ушбу қонун нормалари юқори органлар томонидан меҳнат низоларини ҳал қилиш тартибини белгилайди. Албатта, бундай ҳолларда суд амалиётида ҳар хил ёндашувлар мавжудлиги табиий. Бизнинг фикримизча, ушбу турдаги ишларни судларда кўриб чиқишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига таъсир қилувчи биринчи омил меҳнат низоларини ҳал қилиш – такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар базаси мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда, ваколатли органлар томонидан реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича батафсил тушунтиришлар ёки ушбу соҳага оид қонун нормаларини қўллаш бўйича судлар томонидан етарлича тушунтиришларнинг мавжуд эмаслиги натижасида турли хил бюрократик тўсиқлар ҳамда ижро қилиш билан боғлиқ муаммолар кузатилади.

Учинчидан, Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозим. Бироқ, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрлар асосида ушбу тоифадаги ишларни фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳал қилиши кераклигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга суд амалиётида Жиноят-процессуал кодексининг 312-моддаси умуман қўлланилмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам судлар бундай турдаги низоларни ҳал қилишда қўлланиладиган қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллашда ягона ёндашувга эришишлари керак. Хусусан, амалдаги қонунчилигимизда судлар томонидан ҳарбий хизматчиларни иш жойига тиклаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда турлича ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасини "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонунининг 17-моддаси "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуннинг 34-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

тўғрисида"ги қонун қоидаларини таъкидлаш жоиз. Ушбу қоидаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматчилар ва ваколати юқорироқ бўлган органлар ходимлари реабилитация қилиниши натижасида уларни ишга тиклаш масаласи барча ҳужжатларда тарқоқ қилиб белгиланган.

Реабилитация этилган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Таъкидлаш жоизки, реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш бўйича Ўзбекистон Республикасида суд амалиёти етарлича шаклланиб бўлган. Бу масалада турли хил адабиётлар ҳамда мутахассисларнинг аксарияти қонунчиликни ўзгартириш ҳамда мавжуд қонунчиликка янги қоида киритиш билан реабилитация қилинган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни ишга қайта жойлаштириш ва муаммоларни ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблашади. Лекин, ушбу илмий ёндашув "Эски совет қолдиғи" деб тавсифланади ва кўпинча амалиётда муаммоларни етарлича ҳал қила олмайди. Натижада эса суд амалиётида реабилитация қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш, уларни аввалги иш жойига тиклаш бўйича суд ҳукми чиққан бўлишига қарамасдан уни ижро этилиш масаласи долзарблигича қолаверади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда, биринчи навбатда, реабилитация қилинган шахсларни ишга тиклаш билан боғлиқ суд амалиётига эришиш учун реабилитация қилинган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар, бу соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам унификация қилиш зарур. Олий суд томонидан меҳнатга оид низоларни тартибга солиш учун тегишли суд амалиётини шакллантириш ва Пленум қарорлари орқали тушунтиришлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, халқаро стандартлар асосида "реабилитация қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш" бўйича қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона қонунга бирлаштириш керак. Чунки, бу турдаги муносабатлар фақатгина Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинмаслиги лозим. Ушбу муносабатларнинг ўзига хослиги ҳамда ҳар томонлама долзарблигини инобатга олган ҳолда процессуал қонун нормаларининг ўзи етарли эмаслиги моддий ҳуқуқ манбаларида белгиланиши керак. Шулардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, реабилитация қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича бир қатор амалга оширилиши керак бўлган ишлар бор. Улардан асосийси қонунчиликни унификация қилиш, мулкӣ зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқариш масаласида судлар ваколати кенгайтирилиши, реабилитация қилинган шахсларнинг ишга тикланишига оид кейинги ҳаракатлари бўйича моддий ҳуқуқ манбаларини такомиллаштиришга эътибор қаратилиши тавсия этилади.

Мамлакатхон ТОШМАТОВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.



НОҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МУЛКНИ ОЛИШ ЎКИ ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Фақат жиноий йўл билан, яъни жиноий фаолият натижасида топилган мулк жиноятнинг предмети бўлиши мумкин. Масалан, ҳар қандай шаклдаги талон-тарож қилиш натижасида топилган, божхона қонунчилигини бузиш натижасида ва ҳ.к. тарзида олинган мулк. Фуқаролик муомаласидан чиқарилган предметлар (ўқотар қуроғлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари) жиноятнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Бундай қилмиш учун айбдор жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Жиноий жавобгарлик субъекти бўлолмайдиган ёш болалар ёки бошқа шахслар томонидан жабрланувчидан яширин равишда қўлга киритилган мулклар жиноий йўл билан топилган деб ҳисобланмайди. Мазкур жиноят предметининг зарурий белгиси мулкни олишнинг жиноий характери ҳисобланади (масалан, маъмурий жавобгарликка тортиладиган майда талон-тарож қилиш содир этиш натижасида қўлга киритиладиган мулк жиноятнинг предмети ҳисобланмайди).

Шу билан бирга, уни ишлаб чиқариш жиноят ҳисобланса ҳам, ишлаб чиқарилаётган мулкни қўлга киритиш жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк сифатида тан олиниши мумкин эмас (масалан, қалбаки ҳужжатлар, пуллар). Бироқ, ушбу ашёлар ўғрилиқ, талончилик ҳужуми орқали қўлга киритилган бўлса ёки ўзгача талон-тарож қилиш ёхуд бошқа жиноий йўл билан қўлга киритилса ва қўлга киритилиши ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланмаса, уларни жиноий йўл билан топилган деб тан олиш лозим. Бундай мулкни сотиб олиш ёки ўтказишда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ва ўтказиш сифатида малакаланади. Шунингдек, уни тарқатиш жиноят ҳисоблангани ҳолда, бундай мулкни тарқатиш ушбу модда билан квалификация қилинади (масалан, квалификация қилишга ўғирланган порнографик материалларни олиш ва кейинчалик тарқатиш тегишлидир).

Шунингдек, жиноий йўл билан топилган маблағларга сотиб олинган мулклар ушбу жиноятнинг предмети сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Объектив томондан шарҳланаётган жиноят мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказишда ифодаланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш деганда, мулкни жиноий йўл билан топган шахсдан ўша мулкни ўз эгалигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган ҳар қандай (ҳақ эвазига ёки бепул) битим тузилиши тушунилади. Жиноий йўл билан топилган мулкни била туриб олиш турли усулларда (арзон нархда сотиб олиш, бошқа буюмга айирбошлаш, ҳада тариқасида олиш, қарзга олиш ёки бериш ва ҳ.к.) амалга оширилиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулкни олган шахс унинг мулкдори бўла олмайди.

Жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиш деганда, мазкур мулкни ўзининг шахсий мулки сифатида тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган учинчи шахсга ушбу мулкни пулли ёки бепул ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳада қилиш, қиморда ютказиш, айирбошлаш ва ҳоказо) тушунилиши лозим.

Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси мулкни жиноий йўл билан топган шахсга уни аввалдан сотиб олиш ёки ўтказишга ваъда берилмаган бўлишидир.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш деганда, агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк толувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл

билан топилган мулкларни олиш) ҳамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушунилади.

Агар айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олишни аввалдан, яъни талон-тарож ёки бошқа жиноят содир этилишидан илгари ваъда қилган бўлса, айбдор шахс содир этган жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Шунингдек, шахс ўғирланган нарсаларни мунтазам равишда сотиб олган ва ўғрини жиноий йўл билан топилган ҳар қандай мулкни олишга ишонтирган бўлса, бундай шахс ўзганинг мулкни талон-тарож қилишнинг иштирокчиси деб ҳисобланади.

Жиноят жиноий йўл билан топилган мулк олинган ёки ўтказилган пайтдан бошлаб, қандайдир оқибатлар юзага келишидан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланади.

Бу жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлигини ёки ўтказиётганлигини аниқ билади ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди. Шу билан бирга мазкур мулк айнан қайси жиноий йўл билан, яъни ўғирлик, товламачилик, талончилик ва ҳ.к. натижасида топилганлигини аниқлаш зарур эмас. Агар мулк айнан қайси жиноий йўл билан топилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ҳамда ишнинг аниқ ҳолатларига қараб ЖКнинг 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) билан малакаланиши лозим.

Қоида тариқасида, жиноят мотивлари ғаразли бўлади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш содир этса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ва ЖКнинг тегишли мансаб жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилинади.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида кўриб чиқилаётган жиноят такроран ёки хавfli рецидивист томонидан ва кўп миқдорда содир этилган бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида таҳлил қилинаётган жиноятнинг:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164-моддаси таҳлилида шарҳланган ва ушбу моддага нисбатан қандайдир алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Жиноят кодексининг ҳар бир моддаси чуқур ўрганилиб, бўлажак соҳа вакилларининг онгига сингдириб борилиб, тегишли моддаларнинг амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилиши ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ва энг асосийси халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Дамир ЗИЯМБЕТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ХОТИН- ҚИЗЛАРГА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиги, шакли ва кадр-қимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги” эътироф этилган.

Зўравонликдан эркаклар ҳам жабрланиши мумкин, лекин хотин-қизларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлари кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислохотлар айнан уларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур муаммо яширинлигининг сабаби шундаки, жабрланувчилар ўзларига етказилган зарарни нормал ҳаёт деб тушунадилар, оиласининг сири овоза бўлиб кетмаслиги ёки оила бузилмаслиги, ота-онаси ёхуд турмуш ўртоғининг обрўсини тўқмаслик учун ҳеч қаерга мурожаат қилмайдилар.

Зўравонликнинг кўринишлари турлича бўлиб, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда зўравонликнинг тўрт асосий тури белгиланган:

жисмоний зўравонлик;

руҳий зўравонлик;

жинсий зўравонлик;

иқтисодий зўравонлик.

Зўравонликнинг олдини олиш ва уни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш жараёни давомида ички ишлар ходимлари жабрланувчининг хавфсизлигини ва ҳимоясини таъминлаши, унга зарур ёрдам кўрсатиши ва йўналтириши, маълумот алмашилишини ва барча босқичларни мувофиқлаштириб бориши зарур.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, ички ишлар органининг масъул ходими электрон шаклдаги жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (кейинчалик хабар берган бўлса ҳам) улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларида қурбонлик омилларини аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, қурбонлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонликнинг қурбонларини ҳимоя қилишда масъуллар қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим:

– фуқаролар зўравонлик фактлари ёки ўзларига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир этиш ҳолатлари юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши;

– низоли ҳолатлар ҳамда фуқароларнинг зайри-ижтимоий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига нисбатан лоқайд бўлмаслик;

– соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;

– зўравонликдан жабрланган шахсларни вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдидан) бўлишлари учун уларга қисқа рақамли 1146 ишонч телефонида мурожаат этиш мумкинлиги ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;

– оиладаги низоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш, оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш ва бошқа оилавий масалалар юзасидан психологик ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш;

– зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга нисбатан таъсир чораларини қўллаш мақсадида тегишли ваколатли органларга мурожаат қилишни доимий равишда ўргатиб бориш лозим.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги белгиланган. Давлат органлари ва муассасалар қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида жиноятларни содир этиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиб, таҳлил қилиб, келгусида содир этилишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни қўллайдди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни бевосита амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан зўравонликнинг олдини олиш борасида қуйидаги умумий ҳимоя чора-тадбирлари кўрилади:

– ҳуқуқбузарликлар ҳимоясини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш;

– таҳлил қилиш орқали тўпланган маълумотлар асосида келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш;

– жиноят содир этилишини камайтириш, содир этилиши юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш;

– ушбу ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб мақсадли профилактик чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга ошириш;

– зўравонликни олдини олиш ҳамда уни содир этувчи шахслар билан ишларни ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни доимий равишда изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайтиришга олиб келиши аниқ.

Гульназ УТЕПБЕРГЕНОВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мавжуд иқтисодий омилар туфайли вужудга келган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Лекин, мавжуд имкониятлар ҳамда инвестицион рақобат муҳитининг шаклланиши шароитида томонлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган шартномавий ёки шартномадан ташқари мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ низоли ҳолатларни ҳал этиш айни пайтда иқтисодий судлар олдида турган долзарб масалалардан саналади.

Иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги олди-сотди, тўлов ёки бошқа турдаги мажбуриятларнинг бажарилишига доир низоли масалалар, бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ ҳолда зарар етказилиши ёки иккинчи томоннинг ўз давлати ички қонунлари ва миллий давлатчилик қонун меъёрлари ўртасида коллизия нормаларнинг вужудга келиши каби турли омилар иқтисодий судлар томонидан тегишли процессуал қонунчиликка асосланган ҳолда ҳамда адолатли қарорларнинг қабул қилинишида юқорида таъкидланганидек айрим муаммоларнинг вужудга келишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция оқимининг кўпайиши ўз навбатида инвестицион низоларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Инвестиция фаолияти билан боғлиқ низоли ҳолатларни ҳал этиш бўйича иқтисодий йўналишда мавжуд қонунчиликдаги муайян бўшлиқлар мамлакатимизда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини тўлиқ яратишга тўсиқ бўлаётганлиги ҳам иқтисодий судлар фаолиятидаги судлов амалиётида кўзга яққол ташланмоқда.

Мамлакатимизда вужудга келган инвестицион низоларни ҳал қилишда, шунингдек, инвесторларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасидаги самарали механизмни таъминлашда, ушбу жараёнларни шаффоф ва очиқ амалга ошириш борасида ҳам ҳали-ҳануз ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида коррупцион ҳолатларга йўл қўйилиши хорижий инвестицияларни жалб этишдаги салбий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ҳар қандай босқичида инвестиция билан боғлиқ низолар вужудга келиши мумкин. Бундай низоларнинг адолатли ва қонуний ҳал қилиниши хорижий сармояни жалб қилишда жуда муҳим ҳисобланади.

Инвестициявий низоларни кўриб чиқишнинг халқаро механизмига назар ташлайдиган бўл-

сак, “Инвесторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Москва Конвенциясининг 11-моддасига кўра, инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган низолар низода иштирок этаётган давлатларнинг судлари ёки иқтисодий судлари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

1965 йил 18 мартда имзоланган “Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Конвенцияга мувофиқ, Инвестициявий низоларни ҳал қилувчи халқаро марказ (International Centre for Settlement of Investment Disputes – ICSID) ташкил этилган.

Ушбу Инвестициявий низоларга ихтисослашган халқаро марказнинг юрисдикцияси қабул қилинган протоколлар билан янада кенгайди. Бунда марказ нафақат инвестиция билан боғлиқ низоларни, балки тижорат битимлари билан боғлиқ айрим низоларни ҳам кўриб чиқиши мумкинлиги белгиланди.

Инвестицион низоларни кўриб чиқиш борасидаги миллий қонунчилигимизни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли фармони билан инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилди.

Энди сармоядорлар ўз хоҳишига кўра низони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ижроия кўмитасининг 2011 йил 1 февралдаги қарорига асосан Халқаро тижорат иқтисодий (ҳакамлик) суди ташкил қилинган ва 2011 йил 15 февралда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасига кўра, чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низо ниҳоятга қадар қилинган бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.

Музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солилмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилиниши лозим.

Инвестициявий низоларни юқорида назарда тутилган тартибда ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий иқтисодий шарт назарда тутилган бўлса, бундай низо халқаро иқтисодий суд воситасида ҳал этилиши мумкин.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро иқтисодий судга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низо халқаро иқтисодий суд орқали ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган модданинг сўнгги бандига кўра, агар низолашаётган инвесторнинг давлати ва Ўзбекистон ўртасида халқаро шартнома имзоланмаган бўлса, низо маҳаллий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, инвестор низо маҳаллий суд томонидан кўриб чиқилгандан сўнггина иқтисодий судга мурожаат этиши мумкин.

Назаримизда, ёзма розилик ҳақидаги ушбу меъёр 2006 йилги Нюмонт-Майнинг компанияси ва Ўзбекистон ўртасида вужудга келган низо сабабли киритилган ва ушбу модда инвестицион низоларни халқаро иқтисодий судларда кўриб чиқишни чеклайди. Аксинча, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлаш мақсадида маҳаллий судлардан кўра, халқаро иқтисодий судларга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, инвесторлар маҳаллий судларга ишонч билдиришмайди. Бунинг сабаблари қуйидагича:

1) чет эллик инвестор ҳар доим маҳаллий судларга нисбатан шубҳа билан қараган, чунки ҳар қандай маҳаллий суд ўз давлати манфаатини ҳимоя қилади деган қараш мавжуд.

2) маҳаллий судьялар миллий қонунчилик бўйича мутахассис бўлсаларда, халқаро ҳуқуқ ва хорижий давлатлар қонунчилиги ҳақида маълумотларга эга эмаслар, халқаро иқтисодий судлари эса томонларга маълум бир ҳуқуқ соҳаси бўйича мутахассис бўлган судьяни танлаш имкониятини беради.

3) маҳаллий судларда низоларни кўриб чиқиш жуда узок муддат, баъзида йиллар давомида чўзилиши мумкин, халқаро иқтисодий судларида эса бу жараён тезроқ якунланади.

4) халқаро иқтисодий судлар маҳаллий судлардан фарқли равишда томонларнинг конфиденциаллигини таъминлайди.

Инвесторларнинг маҳаллий судларга бўлган ишончини ошириш мақсадида маҳаллий судлар фаолиятида ошқоралик, очиқлик ва шаффофлик таъминлашга риоя этилишини таъминлаш, кўрилган ишлар бўйича тафсилотларни тизимли эълон қилиб бориш лозим.

Мамлакатимизда инвесторларнинг низоларни кўриб чиқиш жараёнида коррупцион ҳолатлардан хавотирда эканлиги инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион низоларни кўриб чиқишда халқаро иқтисодий судларнинг ролини ошириш лозим, чунки инвесторлар маҳаллий судлардан кўра халқаро иқтисодий судларга кўпроқ ишонч билдиришади. Инвесторларнинг халқаро иқтисодий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи меъёрларга (ёзма розилик, маҳаллий судларда кўрилиш шarti) ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ.

Инвесторлар билан тўғридан-тўғри алоқага киришадиган органларда инвестицион низоларни кўриш жараёнида юзага келадиган коррупция ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш лозим.

Гулмира АРЗИЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й.
4. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ: Дарслик муаллифлар жамоаси. –Тошкент: 2022. – Б.38.



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши, Фуқаролик кодексига эса интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бобнинг киритилганлиги ва бу борада бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларининг қонун ҳимоясида эканлигининг исботидир.

Шунга қарамасдан айрим ҳолларда интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш масаласи эътибордан четда қолаётганлиги ҳам сир эмас. Фуқаролик кодексига кўра, интеллектуал мулк объектлари:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау):

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи:

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалардан иборат.

Интеллектуал мулк объектлари мазкур кодексда белгиланган қуйидаги тартибда:

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини тугдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги орқали ҳимоя қилинади.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли бўлган ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан мулк

ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қонунга хилоф равишда фойдаланганда, Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни шунингдек, ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузган тақдирда, белгиланган тартибда Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Саноат мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳудудий бошқармалари томонидан маъмурий жавобгарлик чораси қўллаш орқали ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ҳимоя қилинади.

Шунингдек, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш орқали муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузган тақдирда Жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарлик чораси орқали ҳимоя қилинишини кўришимиз мумкин.

Гарчанд, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини юқоридаги усуллар орқали ҳимоя қилиш тартиблари белгиланган бўлсада бироқ, бу борада қонунчилигимиз амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга муҳтож. Мисол тариқасида юқорида айтганимиздек, мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли бўлган ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан мулк ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қонунга хилоф равишда фойдаланганда, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни шунингдек, ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузган тақдирда маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган бўлсада, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазо чоралари ҳаддан зиёд либераллашган бўлиб, мазкур ҳуқуқбузарликлар тақроран содир этилганда ҳуқуқбузарларга ҳам нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан номутаносиб бўлади деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, мазкур ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси қўлланилгандан сўнг тақроран содир этилган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик чоралари қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти турларига нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланмаганлиги билан мазкур интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳимоя қилиш юзасидан қонунчилигимизга бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини кўришимиз мумкин.

Нодирбек АХМАТБЕКОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРУВЧИ ШАХСЛАР ЎЗГАРИШИДА ҚАРЗНИ БОШҚА БИРОВГА ЎТКАЗИШ МУАММОЛАРИ

Замонавий бозор муносабатлари тизимида мол-мулклар, ашёлар ва моддий неъматларнинг муомалада бўлиши муҳим ўрин тутади. Фуқаролик муомаласи орқали иқтисодий ўсун асосий аҳамиятга эга бўлган товарлар алмашинуви содир бўлади ҳамда иқтисодий ривожланиш ва барқарорлик таъминланади. Албатта, бунда фуқаролик муомаласини фақат ашёларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши сифатида тушунамаслик лозим.

Мажбуриятни бажарувчи шахслар ўзгаришининг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрнини аниқлашда аввало, мажбурият ҳуқуқий муносабатларда мазкур ҳодиса мавжуд бўлмаганда қандай бўлиши ҳақида тасаввур қилиб кўриш лозим бўлади. Мажбуриятни бажарувчи шахслар ўрнининг ўзгариши ҳақидаги қоидалар бугунги шаклга келиши учун бир қатор тарихий такомил жараёнини босиб ўтди. Мажбуриятда шахслар ўзгариши, хусусан талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, шунингдек қарзни бошқа шахсга ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш Рим хусусий ҳуқуқида маълум бўлган.

Кредиторнинг ўзгариши мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда муайян субъектлар ўртасида вужудга келади. Мажбуриятни бажаришда иштирок этаётган тарафлар ўринларини бошқа шахс билан алмашинишларига қонун бўйича йўл кўйилади. Мажбуриятда қатнашувчи кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахслар билан алмашинишлари мумкин. Кредиторнинг алмашиниши деб, мажбуриятда иштирок этаётган кредиторнинг ўз ўрнини бошқа шахсга бўшатиб беришига айтилади.

Фуқаролик кодексининг 322-моддасида қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл кўйилиши белгиланган. Бу ўринда қарзни бошқа шахсга ўтказишнинг мазмун-моҳияти нималарда кўриниши ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади.

Юридик адабиётларда тарафларнинг эркиродаси ва натижага боғлиқ равишда қарзни бошқа шахсга ўтказишнинг уч тури алоҳида кўрсатиб ўтилади.

1) **ички;** бунда тарафлар кредиторга таъсир этмайдиган келишувга эришишни хоҳлашади; иккинчи тараф биринчи қарздор олдида унинг қарзини тўлаш мажбуриятини олади ёки биринчи қарздор иккинчи қарздор учун кредиторга қарзни тўлашга топшириқ беради; кредитор тўлов амалга оширунига қадар биринчи қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда иккинчи қарздорга нисбатан даъво қилишга ҳақли бўлмайди;

2) **кумулятив;** бунда тарафлар кредиторнинг эски қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини йўқотмаган ҳолда, янги қарздорга

нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини олишни хоҳлашади;

3) **приватив ёки ҳақиқий;** бунда тарафлар кредиторнинг эски қарздорга нисбатан барча ҳуқуқларини йўқотган ҳолда, янги қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини олишни хоҳлашади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномага розилик олингандан сўнг у кучга киради. Кредитор бир томонлама рад этиш йўли билан барчасини олдинги ҳолатга қайтара олмайди. У албатта, янги қарздорни қарз мажбуриятдан озод этиши мумкин, бироқ, эски қарз билан боғлиқлик ҳолатини тиклай олмайди. Шу сабабли, кейинчалик розилик олиш ҳар доим якуний иш бўлиб ҳисобланади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилиги белгиланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, кредиторнинг розилиги бу унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Унинг ўз қарорини билдириши муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Чунончи, қарзни бошқа шахсга ўтказишга розилик бериши дастлабки қарздорнинг қарз мажбуриятдан озод этилиши ва янги қарздордан мажбурият ижросини талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради. Шу билан бирга, кредитор қарз мажбуриятини ижро этишни дастлабки қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Қарзни бошқа шахсга ўтказишда мажбурият қарзнинг вужудга келишига асос бўлиб ҳисобланади. Дастлабки ва янги қарздор қарзни ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредитор розилиги талаб қилинади. Бунда қарзни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ дастлабки ва янги қарздорнинг ҳаракатларида бевосита қарзни бошқа шахсга ўтказишга қаратилган битимни ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш асосида ётувчи битимни, яъни бевосита қарзни бошқа шахсга ўтказишга қаратилмаган битимни фарқлаш лозим бўлади.

Бобир ХОЛМАНОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси.

АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Ярашув — жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида юзага келган жиноий-ҳуқуқий низони тарафлардан бирининг ёки ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги асосида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тартиби, ҳажми ва муддатлари тўғрисидаги келишуви ҳисобланади.

Ярашув институти алоҳида тоифада юритиладиган ишлар қаторига киради. Бунинг сабаби ярашув бўйича иш юритишнинг процессуал қонунда соддалаштирилган ва қисқа муддати белгиланган бўлиб, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади, ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозим. Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишларини қайси томонга ҳал қилиш бўйича тарафларга бир қанча ҳуқуқлар берилган бўлиб суд тарафлар, яъни жабрланувчи ва айбдор шахс ярашадиган бўлса, айбланувчи шахсга нисбатан жазо масаласини ҳал қилмай туриб, иш юритишни тугатади ва бу ҳақда ажрим чиқаради, натижада айбдор шахсга нисбатан судланганлик ҳолати келиб чиқмайди.

Бундан ташқари, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишдан асосий мақсад ҳам бир оз бошқача. Хусусан, суд муҳокамасида ярашув институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш масаласидан келиб чиқадиган энг асосий мақсад жабрланувчининг жиноятдан кўрган зарари қопланиши, унинг маънавий жиҳатдан тортган азоблари бартараф этилиши билан бирга жиноят содир этган шахснинг содир этган ижтимоий хавфи қилмишидан пушаймонлиги ва ўз айбига иқрор бўлиб, жиноят натижасида юзага келган оқибатни ихтиёрий равишда бартараф этиб, жабрланувчидан кечирим сўраши, келгусида бундай ҳаракатларни содир этишдан воз кечиш ниятида бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига ўзи содир этган жиноятнинг фош этилиши бўйича ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши шарт.

Бевосита ярашув институти процессуал тартибига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра:

— ярашув тўғрисидаги иш қўзғатиш ташаббусига эга бўлган ягона субъект бу жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили ҳисобланади;

— ярашув тўғрисидаги ишни қўллаш суднинг ваколат доирасида бўлиб, келишув борасидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкин;

— ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашил-

ганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Жабрланувчи айна вақтнинг ўзида фуқаровий даъвогар ҳисобланмаган ҳолларда ярашув тўғрисидаги иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Иш бўйича бир нечта жабрланувчи бўлган ҳолларда ҳар бир жабрланувчининг аризаси талаб қилинади. Бордию, жабрланувчилардан биттасининг тегишли аризаси бўлмаган ҳолларда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас;

— аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно) тушунтириши шарт ҳисобланади.

ЖПКда ярашув бўйича жиноят ишини судга юборишнинг ҳам алоҳида тартиби берилган бўлиб, ЖПК 584-моддасига биноан: Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади; жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризининг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Суд қарорида:

- 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;
- 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги;
- 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материал-

лар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Қарор чиқарилганидан кейин, ушбу қарор танишиб чиқиши учун прокурорга юборилади, Прокурор уч суткалик муддат ичида ярашув тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

- айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлиги ва бу қилмишда жиноят таркиби бор йўқлиги;
- айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор йўқлиги;
- айбланувчи қилмишига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;
- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлиги;
- жабрланувчига (фуқаровий даъвогар) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон бир тазйиқ бўлган бўлмаганлигини;
- етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалалар;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи уларнинг қонуний вакилларининг ярашувга розиликлари.

Шундан сўнг прокурорнинг розилиги билан ушбу қарор уч сутка ичида судга юборилади. Бунда суд муҳокамасига иш материаллари, прокурор томонидан тасдиқланган ярашув тўғрисидаги қарор, жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризаси берилади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш материаллари судга келиб тушган вақтдан бошлаб, суд муҳокамаси ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Жиноят процессуал кодексида "ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади" дейилган бўлсада ушбу ариза ким томонидан ўқиб эшиттирилиши лозимлиги келтирилмаган, амалиётда эса ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Ярашув тўғрисидаги ариза ўқиб эшиттирилганидан сўнг, суд қуйидаги ҳолатларни аниқлайди:

- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;
- гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини;
- гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;
- жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига бирон бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;
гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қонуний вакиллари ярашувга розилиklarини аниқлайди.

Шундан сўнг суд химоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд ажримнинг тавсиф қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ЖПКнинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд:

суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишнинг тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш, эҳтиёт чораси, ашёвий далиллар ва зарарни қоплаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Суднинг ажримига нисбатан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, химоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Амалиётда, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича юритиладиган ҳужжатларда жиноят содир этган шахс гумон қилинувчи деб аталади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, томонлар ўртасидаги ярашув ўз хоҳишини эркин билдиришда намоён бўлиши лозим. Шунинг учун ҳар гал иш юритаётган мансабдор шахс жабрланувчининг ярашувга мажбурлан, яъни жиноят содир этган шахс ёки унинг яқинлари томонидан кўрқитиш, таҳдид қилиш ва ҳоказолар оқибатида рози бўлган-бўлмаганлигини текшириши керак.

Музаффар ЎРОҚОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саҳаддинов С.М. Ярашув институти: илмий назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография. Тошкент: 2013.- 265 б.
2. Ҳамидуллаев А.А. Тарафларнинг ярашуви институти амалга ошириш механизми: Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. - 29 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 27-сонли Қарори. – Тошкент, 2002 й. 25 октябр.
4. Нарзиев Й. "Жиноят процессида ярашув: мазмун ва моҳият. Ярашувчилик институти такомиллаштириш: назария ва амалиёт". Давра суҳбати. –Т.: ТДЮИ нашриёти. –Т.: 2005. –132 бет.
5. Степанов В.В. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим // Российская юстиция. - 2001, №8. - С.52.

МАЪМУРИЙ ДИСКРЕЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) тушунчаси ва моҳияти очиб берилган. Дискрецион ваколатнинг вужудга келиши ижро ҳокимияти функцияларининг мураккаблашиб ва кенгайиб бориши билан изоҳланиши, миллий маъмурий ҳуқуқ фанида дискрецион ваколат алоҳида предмет сифатида кам ўрганилганлигига эътибор қаратилган. Маъмурий ихтиёрийликнинг кенгайиб бориши сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан маъмурий судлар назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати асослантирилган.

Калит сўзлар: маъмурий дискреция, маъмурий ихтиёрийлик, маъмурий тартиб-таомиллар.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) — маъмурий органининг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқидир. 2001 йилда нашр этилган “Юридик энциклопедия”да “дискрецион ҳокимият” тушунчасига французча “discretionnaire” – “шахсий хоҳишга боғлиқ, идора ёки мансабдор шахсга қонун доирасида ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатини бериш” деб таъриф берилган ҳамда “дискрецион ҳокимият маъмурий органлар ва судлар томонидан айниқса кўп амалга оширилади, бу эса амалда шахснинг дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси каби демократик тамойиллардан воз кечишини билдиради, белгиланган иш тартибини бузишга олиб келади ва ҳ.к.” деб кўрсатилган.

“Дискрецион” сўзи инглиз тилининг Оксфорд луғатида “муайян вазиятда нима қилиниши юзасидан қарор қилиш эркинлиги ёки ваколати” деб изоҳланган. Инглиз тилидаги интернет манбаларда дискрецион ваколат деганда судья, мансабдор шахс ёки хусусий шахснинг ўз мулоҳазаси ва виждонидан келиб чиқиб, умумий ҳуқуқий тамойиллар доирасида қиладиган ҳаракати тушунилиши кўрсатилган.

Маъмурий ихтиёрийликнинг қонун доирасида амалга оширилиши шартлиги Қонуннинг 17-моддасида алоҳида тамойил сифатида қайд этилган (маъмурий ихтиёрийликнинг қонунийлиги тамойили). Маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Шунингдек, маъмурий ихтиёрийлик бир хил усулда амалга оширилиши шарт.

Шунга кўра, мансабдор шахс муайян вазиятда қонун доирасидан чиқмаган ҳолда фактларга мустақил баҳо бериш орқали ҳуқуқий нормада белгиланган чоралардан бирини қўллаш (қўлламаслик)нинг мақсадга мувофиқли-

гини ҳал қилиш ихтиёрига эга бўлади. Бу ўринда маъмурий ихтиёрийликнинг тор маънодаги – йўл қўйилган бир нечта чоралардан бирини танлаш ҳақида гап бормоқда. Яъни, танланган қарорнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги масаласини мансабдор шахс мустақил ҳал қилишга ҳақли.

Маъмурий ихтиёрийликни кенг маънода тушуниш ҳам мавжуд. Хусусан, хорижий манбага кўра, “маъмурий ҳуқуқда дискреция тушунчаси камида бешта маънода қўлланилади. Умумий қоидалар асосида индивидуал қарорлар қабул қилишга оид “индивидуаллаштириш дискрецияси”, маъмурий функцияларни амалга ошириш учун ўз ваколатидаги бўшлиқларни тўлдиришга оид “ижро этиш дискрецияси”, ижтимоий мақсадларни белгилаш бўйича чоралар кўришга оид “сиёсий чоралар дискрецияси”, қайта кўриб чиқилиши белгиланмаган “чекланмаган дискреция” ва ниҳоят, агар қарорни унинг табиатига кўра қайта кўриб чиқиш имкони бўлмаса, “нотабий дискреция”. Ушбу турли дискрецияларнинг ҳар бири бўйича суд назорати ҳам фарқланади.

Таъкидлаш керакки, XX-аср ярмидан ғарбий Европа давлатлари ва Америкада ижро ҳокимияти органлари ихтиёрига берилган дискрецион ваколатларнинг ортиб бориши тенденцияси кузатилди. Бу давлат бошқарувининг янги соҳалар ҳисобига кенгайиши, давлат функцияларининг мураккаблашуви, тартибга солинадиган муносабатларнинг кўп қиррали эканлиги билан изоҳланади. Натижада қонунларда ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ва мақсадлари умумий тарзда берилиши, уларни амалга оширишнинг батафсил механизмларини эса ижро ҳокимияти қонун ости ҳужжатларида белгилаши келиб чиқди.

Кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, қонун чиқарувчи ижро ҳокимияти ихтиёрида муайян вазиятни инобатга олиб ҳаракат қилиш имкониятини қолдириш, соҳани тартибга солинадиган мутахассисларга ўз нуқтаи назарига асосланган қарорлардан бирини танлаш эркинлигини бериш зарурати мавжуд. Ҳуқуқшунос Рене Давид фикрича, қонун чиқарувчи томонидан қонунлардаги умумий мазмундаги меъёрлар шу

меъёрлар доирасида уларни аниқлаштиришга ваколат беради. Рус олими С.Алексеевга кўра, умумий қоидаларда муайян вазиятнинг барча ҳолатларини назарда тутиш имкони бўлмаганлиги сабабли ҳуқуқ муайян доирада, шаклларда ва йўналишларда ҳуқуқни қўлловчи органларга бу каби муносабатларни “индивидуал тартиб”га солиш ваколатини беради.”

Йел университети профессори Дж.Машоуга кўра, маъмурий ҳуқуқнинг марказий муаммоси маъмурий органлар дискрецион ваколатга эгаллигидир. Дискрецион ваколат бўйича кенг изланиш олиб борган инглиз ҳуқуқшуноси К.Дэвис “масала айнан дискрецион ваколатларнинг кўпгина қисми ноқонуний ёки қонунга мувофиқлиги шубҳали эканлигида”гига эътибор қаратади ва “давлат ваколатининг кенгайиб бориши маъмурий дискреция суд қарори ва Конгресснинг процедуравий қоидалари билан тартибга солинган тақдирдагина эркинлик ва демократия учун мазмунга эга бўлади”, – дейди.

Рус олими Ю.Тихомировнинг фикрича, совет маъмурий ҳуқуқи фанида маъмурий ихтиёрийлик тушунчаси қўлланилмаган. Асосан давлат бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг қонун ости фаолияти ва қонунийликни мустақамлаши ўрганилган, яъни уларнинг қонун меъёрлари ва юқори турувчи органлар актлари билан қатъий боғланганлиги ҳақида гап борган. Мажбурият юқловчи, тақиқловчи, ваколат берувчи меъёрларнинг ўзи фақатгина давлат ёки ижро органлари фаолиятида вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг табиатини очиб берган. Ю.Тихомировга кўра, “қонун асосида ва унинг ижроси бўйича бошқариш ва тартибга солиш маъмурий ихтиёрийликнинг асосий формуласи бўлмоқда. Қонун ости ҳужжатлари эмас, айнан қонун унинг мақсадини, доирасини, характери ва ҳажмини белгилаб беради.”

О.Кораблина ҳуқуқни қўллашдаги ихтиёрийликни турли томонлардан тавсифлаб, интеллектуал-иродавий жараёнга ургу беради:

- 1) ҳуқуқни қўлловчининг аниқ белгиланмаган кенг ваколатларини назарда тутувчи меъёрни амалга ошириш;
- 2) баҳолашга оид тушунчаларни ўз ичига олган меъёрларни реализация қилиш;
- 3) қўллаш учун зарур юридик процедуралари бўлмаган меъёрларни реализация қилиш.

Унинг фикрича, жамоат манфаати маъмурий ихтиёрийликка асосланган ҳаракат қонунлигининг мезони бўлиб ҳисобланади, бун-

да жамиятдаги турли-туман манфаатларни акс эттирадиган умумжамиат манфаатлари тушунилади.

“Маъмурий ҳуқуқ ва процесс” дарслиги муаллифларининг фикрича, миллий ҳуқуқшунослик фанида маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколатлар) ва уларнинг шаклларини талқин қилишда ҳозирги кунга қадар бир тўхтама келингани йўқ. Дискрецион ваколатнинг кўпайиб кетиши қонунийлик тамойилининг бузилиб кетишига ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келиши мумкин. Аммо, дискрециянинг маълум маънода бўлмаслиги ҳам шу каби салбий натижани келтириб чиқариши мумкин.

Фикримизча, миллий қонунчиликда дискрецион ваколатнинг нисбатан кўпайиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг камситилишига бевосита олиб келиши тўғрисидаги нуқтаи назарни тўлиқ қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Аксинча, дискрецион ваколатни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари қай даражада пухта ишлаб чиқилганлиги ҳамда унинг қонун доирасида амалга оширилиши устидан маъмурий судларнинг самарали назорати долзарб бўлиб қолмоқда. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қонуннинг қабул қилиниши миллий ҳуқуқшунослик фанида маъмурий дискрециянинг назарий муаммоларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса, қонунчиликдаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоли масалалар ечимини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ойбек ҲАКИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Алексеев, Проблемы теории права. Курс лекций. Нормативные юридические акты. Применение права. Юридическая наука (правоведение).Т.2., Свердловск: СЮИ, 1973.
2. Davis K. C. Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. Westport, 1980.
3. Koch, Charles H. Jr., “Judicial Review of Administrative Discretion” 1986.
4. Давид Р. Д 13 Основные правовые системы современности /Пер. с фр. и вступ. ст. В. А. Туманова.— М.: Прогресс, 1988.
5. Edley Jr. C. F. The Governance Crisis, Legal Theory and Political Ideology // Duke Law Journal. 1991. № 3, P.566.
6. Юридик энциклопедия, Т. – “Шарқ”, 2001 й.
7. Ю.А.Тихомиров, Теория компетенций, М-2001.
8. Кораблина О. В. Усмотрение в правоприменительной деятельности (общетеоретический и нравственно-правовой аспекты) : дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2009.
9. <https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/>, the freedom or power to decide what should be done in a particular situation.
10. <https://www.law.cornell.edu/wex/discretion>
11. Book Review: Due Process in the Administrative State. by Jerry L. Mashaw, University of Minnesota Law School Scholarship Repository, P.526.
12. “Теория компетенции” Тихомиров Ю.

СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Одил судловни ҳолис амалга ошириш учун судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини, дахлсизлигини таъминлаш ҳар қандай жамиятнинг, олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва миллий қонунчиликда судьялар дахлсизлиги масалаларига оид бир қанча махсус қоидалар белгиланган.

Хусусан, халқаро ҳуқуқнинг судьялар дахлсизлигига оид стандартлари асосан универсал ва минтақавий турларга бўлинади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазкур ҳужжатлар орасида алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг негизда кейинги барча ҳужжатлар ўз ривожини топган ва шакллантирилган. Гарчи ушбу декларация дастлаб давлатлар учун тавсиявий характерга эга бўлган бўлса ҳам, кейинчалик ҳуқуқ амалиётининг ривожланиши ва барча давлатлар томонидан тан олинishi муносабати билан халқаро ҳуқуқнинг давлатлар учун мажбурий бўлган асосий ҳужжатларидан бирига айланди.

Декларациянинг 3 - моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги” айтилган бўлса, 10-моддасида судларнинг мустақиллиги мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра “ҳар бир инсон жиной айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эгадир” дейилган.

Ушбу меъёрда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш орқали одил судловнинг қонуний ва адолатли бўлишини кафолатлаш мумкинлиги назарда тутилган.

Навбатдаги муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда ҳам судлар мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги масалалари белгилаб берилган бўлиб, унинг 9-моддасида “ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олинishi ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас” - лиги, 17-моддасида “ҳеч ким ўзганинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашшига, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сирини дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас” лиги, белгиланган бўлса, 14-моддада “барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиной айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқиши ҳуқуқига эга” лиги ўз ифодасини топган.

Халқаро ҳуқуқнинг судьялар дахлсизлигига оид асосий тамойиллари белгиланган яна бир муҳим ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари” бўлиб, унда судлар фаолиятига оид муҳим ва асосий қоидалар белгиланган.

Ушбу тамойиллар билан суд органлари мустақиллиги, уларнинг қонунга бўйсунishi, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига ёки судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги, судьялар бошқа барча фуқаролар сингари сўз эркинлиги, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникиди, уюшмаларга бирлашиш каби ҳуқуқлар-

га эгалиги, моддий таъминот, хавфсизлик масалалари, нафақага чиқиш кафолатлари, хизмат фаолияти билан боғлиқ сир сақлаш, дахлсизлиги, судьяни ишдан бўшатиш, жазолашнинг алоҳида тартиблари каби стандартлар белгиланган.

Судлар фаолияти билан боғлиқ асосий ҳужжатлардан яна бири Судьяларнинг одоб-ахлоқи оид Бангалор тамойиллари ҳисобланади. Ҳозирги кунда Бангалор тамойиллари аксарият давлатлар учун ўз миллий қонунчилигида судьялар билан боғлиқ қонунчиликни ривожлантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Жумладан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 2006 йил 27 июлдаги 2006/23-сонли резолюциясида аъзо давлатлар учун Бангалор тамойилларини ўз ички ҳуқуқ тизимида, судьялар одоби, этика кодексларини ишлаб чиқишда қўллаш бўйича тавсия қилган.

Бангалор тамойиллари судьялар фаолияти ва ҳулқ-атвори оид мустақиллик, объективлик, ҳалоллик ва сотилмаслик, этика қоидаларига риоя этиш, тенглик, компетентлик ва интилувчанлик каби қатор муҳим қоидаларни ўз ичига олган.

Бангалор тамойилларининг биринчиси судьянинг мустақиллигига бағишланган бўлиб, у қонунда белгиланган тартибда лавозимга сайлаш, тайинлаш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш, судьянинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишдаги қатъий тартиб-таомил, қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишнинг талаб этишининг тақиқланиши каби қатор таъминланади.

Яна бир муҳим ҳужжатлардан бири Судьялар халқаро ассоциациясининг “Судьяларнинг бутунжаҳон хартияси” бўлиб, унда ҳам судьяларнинг дахлсизлиги, шу жумладан хавфсизлиги масалалари ҳар томонлама ёритилган.

Жумладан, Хартиянинг 2-5-моддасида “Судья ўзига бўладиган ҳар қандай таҳдидлардан қонун йўли билан ҳимояланган ҳамда ушбу қонунлар орқали ўзини ҳимоя қила оладиган, давлат томонидан ўзи ва оила аъзоларининг жисмоний хавфсизлиги таъминланиши”, “ҳокимият ёки унинг органларининг бевосита ёки билвосита босим, таҳдид, таъсирларидан холи бўлиши” каби муҳим меъёрлар мустаҳкамланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб судьяларнинг дахлсизлиги масалалари аксарият асосий халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган ҳамда барча давлатларнинг миллий қонунчилигида янада ривожлантирилган.

Бу эса ўз навбатида судьянинг ҳар томонлама муҳофаза қилинганлигини, одил судловни амалга ошириш борасидаги профессионал фаолиятини фақат қонунга бўйсунган ҳолда ўз вазифаларини одилона, сифатли, тезкор ва виждонан бажаришини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, қайд этилган халқаро ҳужжатлар давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларига манба сифатида хизмат қилиши, судьялар дахлсизлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Марс МАМАЮСУПОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

КОНСТИТУЦИЯ – ГАРАНТИЯ НАШИХ ПРАВ И СВОБОД

Первая Конституция независимого Узбекистана сформировала и укрепила надежные правовые гарантии нового независимого общества. То, что идеи и нормы Конституции Узбекистана отражают многовековой опыт и духовные ценности, богатое историческое и правовое наследие нашего народа, является залогом его жизнеспособности.

В то же время наша Конституция воплощает в себе лучшие практики конституционного строительства во многих демократиях, механизм обеспечения и защиты прав и интересов человека, свобод, основанный на общепризнанных нормах Всеобщей декларации прав человека и других международных документов в этой области.

В проекте Конституции в новой редакции учтены предложения, международные стандарты и передовой зарубежный опыт. В ходе всенародного обсуждения проекта Конституционного закона поступило 222 715 предложений, на основе которых дорабатывался и совершенствовался проект. Каждое четвертое предложение нашло отражение в проекте.

При подготовке проекта Конституционного закона тщательно проанализированы более 400 международных документов и конституции около 190 стран. Проект получил высокую оценку международных экспертов и специалистов как документ, воплощающий в себе все общепризнанные нормы международного права.

Обновляемая Конституция объединяет все общество вокруг идеи построения развитого государства — нового Узбекистана, учитываются интересы всех слоев населения. В разработке проекта активно участво-

вали широкая общественность, политические партии, общественные организации, представители экспертных и научных кругов, интеллигенция, таким образом проект становится народной Конституцией.

Изменения, вносимые для усиления гарантий независимости судов, неприкосновенности судей и неподотчетности по конкретным делам, обеспечения их безопасности, станут важной гарантией полного и независимого осуществления правосудия.

Конституционная норма о том, что финансирование деятельности судов должно осуществляться только из государственного бюджета и что оно должно обеспечивать возможность полного и независимого осуществления правосудия, будет способствовать формированию действительно справедливой и независимой судебной системы и обеспечению беспристрастности судов.

Предоставление гражданам права на обращение в Конституционный суд по поводу конституционности примененного к ним судом закона является новым механизмом защиты их прав и законных интересов.

Акмал МИРЗАХАНОВ,
заместитель председателя
Чиланзарского районного суда
по уголовным делам.





Дилшод ИСРАИЛОВ,
соискатель Высшей
школы судей

СЛЕДСТВЕННАЯ СИТУАЦИЯ КАК ФАКТИЧЕСКОЕ ОСНОВАНИЕ ВЫБОРА И ПРИМЕНЕНИЯ ТАКТИЧЕСКОГО ПРИЕМА

В криминалистической литературе в настоящее время значительное внимание уделяется разработке проблемы следственной ситуации. Ситуационный подход к решению задач, стоящих перед предварительным следствием, позволяет более полно и всесторонне исследовать процессы и явления, установить зависимость между ними, выявить наиболее рациональные пути при производстве расследования по уголовному делу.

Деятельность лица, производящего расследование, нередко характеризуется оказанием ему противодействия заинтересованных в исходе дела лиц, моментами соперничества². Совокупность психологических, логических, информационных барьеров не позволяет лицу, производящему расследование, переходить от общих сведений о событии преступления к конкретным. В силу этой ограниченности следователь вынужден принимать решения, не ожидая, пока все существенные факторы ситуации станут ему известны. Такая ситуация, как правило, характеризует начальный этап расследования.

Рассмотрение отдельных вопросов сложившейся ситуации позволяет выявить общие черты, которые свойственны процессу расследования, а применительно к производству отдельных следственных действий, определить типичные черты, которые имеют место при их производстве.

В общей проблеме следственной ситуации следует различать ситуации, характеризующие расследование в целом, и такие, которые возникают при проведении отдельных следственных действий.

В криминалистической литературе проблеме следственной ситуации уделялось внимание и осуществлялись разработки применительно к процессу расследования в целом. (А.Н.Колесниченко, В.Е.Корноухов, Т.С.Волчецкая, В.К.Гавло, Н.Л.Гранат, Л.Е.Драпкин, Р.С.Белкин, Т.С.Балугина, Н.А.Селиванов и др.)

Одним из первых определение следственной ситуации дал А.Н.Колесниченко. Под следственной ситуацией принято понимать, писал он, определенное положение в расследовании преступлений, характеризуемое наличием тех или иных доказательств и информационного материала и возникающими в связи с этим конкретными задачами его собирания и проверки.

Определение следственной ситуации дал И.О.Герасимов, рассматривая её как «совокупность обстоятельств по делу (обстановка, поло-

жение), которая может быть благоприятной или неблагоприятной (в различной степени) для каких-либо выводов и действия следователя».

В последующем он определил следственную ситуацию как «сложившуюся динамическую совокупность характеризующих расследование информационных, доказательственных, организационно-технических и тактических факторов, анализ и оценка которых влияют на определение направлений расследования, принятие решений и выбор способов доказывания.

Л.Я.Драпкиным следственная ситуация определяется как «динамическая информационная система, элементами которой являются существенные признаки и свойства обстоятельств, имеющих значение по уголовному делу, связи и отношения между ними, а также между участниками процесса расследования, наступившие или предполагаемые результаты действия сторон».

И.М.Лузгин определял следственную ситуацию как «объективную категорию, реальное временное отношение между предметами и явлениями, эпизодическую систему связей, в том числе между людьми».

Т.С.Волчецкая определяет следственную ситуацию как «степень информационной осведомленности следователя о преступлении, а также состояние процесса расследования, сложившееся на любой определенный момент времени, анализ и оценка которого позволяют следователю принять наиболее целесообразные по делу решения».

Определение следственной ситуации до настоящего времени в криминалистической литературе не нашло однозначного определения. Многие авторы не раскрывают содержание термина «следственная ситуация» и часто вкладывают в него разный смысл. Не определив, какие признаки присущи следственной ситуации и чем они характеризуются, невозможно решить ряд задач, относящихся к исследуемому нами вопросу.

Представляется, что элементами следственной ситуации являются: оперативно-розыскная

информация, комплекс доказательств, позиции участников процесса расследования. С учетом этих элементов и следует рассматривать формирование следственной ситуации и происходящие с ней изменения.

Следственная ситуация в комплексе представляет собой объективную систему связей. Здесь возможно выделить несколько уровней связи. Это связь между доказательствами, которые создают и характеризуют следственную ситуацию, и связь между участниками процесса расследования. В криминалистической литературе справедливо указывается на динамический характер следственной ситуации. На последнюю оказывают воздействие различные факторы, влияющие на ее изменения, вследствие чего следственная ситуация может становиться как благоприятной, так и неблагоприятной для расследования с позиции следователя. Так, в зависимости от объема наличной доказательственной информации возникают простые следственные ситуации или проблемные. Применительно к исследуемому вопросу наибольший интерес представляет проблемная ситуация.

Внешне проблемная ситуация выступает как конфликт между тем, что дано субъекту, и тем, чего он должен достигнуть. Столкнувшись с задачей, человек чувствует, что для её решения ему не хватает чего-то. Само решение выступает для субъекта как поиск этого недостающего.

По мнению И.Ф.Герасимова, «проблемная ситуация характеризуется не наличием, а отсутствием доказательств и информационного материала»². На первый взгляд такая позиция представляется правильной. Проблемная ситуация на самом деле появляется тогда, когда отсутствуют необходимые данные о событии преступления и о лице, его совершившем. В результате возникает ряд негативных последствий, однако И.Ф.Герасимов усугубляет положение, отмечая, что проблемная ситуация характеризуется полным отсутствием какой-либо информации.

Представляется, что проблемная ситуация обусловлена недостатком доказательственной информации, а отсутствие доказательств следует понимать как отсутствие их надлежащего количества и качества. В случае отсутствия всякой информации невозможно вести речь о какой-либо ситуации вообще, так как нет никаких оснований для её возникновения и существования. Проблемная ситуация возникает в условиях недостатка доказательственного материала. Проблема обусловлена и тем, что есть минимум данных, а получить более обширную информацию в данный момент не представляется возможным. Следственная ситуация в ходе расследования возникает как результат проведения ряда следственных и оперативно-розыскных

мероприятий. Только в этом случае вырисовываются определенные обстоятельства, создаются определенные условия. Следственная ситуация, как правило, различается по объему содержащихся в ней сведений. Например, в ситуации, позволяющей составить определенные представления о событии преступления и о лице, его совершившем, а также в ситуации, характеризующейся недостатком сведений о событии преступления и о лице, его совершившем. Последняя ситуация может свидетельствовать о том, что следователь не использовал все возможности для выявления фактов, либо при проведении первоначальных действий были допущены как тактические, так и процессуальные ошибки, не позволившие получить необходимые сведения. Наличие одного из этих факторов, как правило, и влечет усугубление проблемного решения.

Таким образом, под следственной ситуацией следует понимать совокупность фактических данных, связанных между собой, а также с участниками процесса расследования, вовлеченными в орбиту уголовного судопроизводства, объективной связью на определенный момент расследования.

Формирование следственной ситуации происходит под действием объективных и субъективных факторов, которые и будут обуславливать индивидуальность следственной ситуации в каждый момент расследования, её содержание и конкретную совокупность условий, в которых приходится или предстоит действовать следователю.

